O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Ватан ҳимояси — иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ
2009 йил, 17 апрель, жума № 16 (2299). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
Пятница, 17 апреля, 2009 год, № 16 (2299). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу – цена договорная

МИЛЛИЙ МУДОФААНИ БАРПО ЭТИШ СОҲАСИДАГИ ЧУҚУР ТИЗИМЛИ ЎЗГАРИШЛАР НАТИЖАСИДА АРМИЯМИЗНИНГ ЖАНГОВАР ВА СИЁСИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИ ВА ҚУДРАТИ СЕЗИЛАРЛИ РАВИШДА ОШДИ, ЖАМИЯТИМИЗДА, ДАВЛАТИМИЗДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ НУФУЗИ, ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ЯНАДА ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛДИ.

**Ислом КАРИМОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2009 йил 15 апрель куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан республика ҳукуматининг шу йил 13 февралдаги мажлисида белгилаб берилган 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича биринчи чорак якунлари муҳокама қилинди ҳамда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг мамлакат иқтисодиётига таъсирини олдини олиш ва бартараф этишга йўналтирилган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишни жадаллаштириш тадбирлари ишлаб чиқилди.**

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,9 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 9,9 фоизни, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 12,5 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ўсиши 5,7 фоизни, хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши 16,6 фоизни, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши 12,1 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилиши таъминланди, инфляция даражаси прогноз параметрлардан юқори бўлмади.

Таркибий қайта ўзгартиришлар ва иқтисодиётни диверсификациялаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши инвестицияларнинг 31,4 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 2,5 баравар кўпайишини таъминлади. Ҳисобот чорагида 54 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Наманган вилоятидаги «МРТ Текстиль» ва «Клайна текстиль», Фарғона вилоятидаги «Бешариқ текстиль», Тошкент шаҳридаги «Айтуг текстиль», Сирдарё вилоятидаги «Мили Гулистон текстиль» қўшма корхонаси тўқимачилик корхоналари, Қашқадарё вилоятидаги «Китоб оқила сут» сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашни кучайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар, шу жумладан, солиқ юкини янада камайтирилиши, текширишлар сонининг кескин қисқартирилиши ва имтиёзли кредит беришнинг кенгайтирилиши кичик бизнес ва хизматлар соҳасини янада ривожлантиришни таъминламоқда. Ҳисобот чорагида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи ўтган йилнинг тегишли давридаги 35,1 фоиз ўрнига 36,2 фоизгача ва хизматлар соҳасининг улуши 44,4 фоиз ўрнига 45,5 фоизгача кўпайди.

Ривожланишнинг энг муҳим мақсадли комплекс дастурлари ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши 208,6 мингта янги иш ўрни ташкил этиш имконини берди.

Мажлисда Инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилиши, шу жумладан, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотлари таннархини пасайтириш ва шу асосда уларнинг экспорт ҳажмини кенгайтириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга, банк кредитлари бўйича, истеъмол қилинган электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар учун қарздорликни кечиктириш шаклида экспорт қилувчи корхоналарни бюджет орқали ва кредит бериш йўли билан қўллаб-қувватланганлиги қайд этилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ҳажми 6,1 фоизга ўсди, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди.

Шу билан бирга, «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзқурилишматериаллари» компаниялари, «Ўзфармсаноат» концерни, қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги раҳбарларига янги бозорларга чиқиш, маҳсулотнинг рақобатбардошлилигини ошириш ва корхоналарда маркетинг ишларини кучайтириш ҳисобига маҳсулот экспортини кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш топширилди.

**(Давоми 2-бетда).**



Бахром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

***Маҳорат етаклар матонат сари***

## ШУ СОНДА


- **Биз темурийзодалармиз** 7
- **«Энг ибратли ҳарбий оила»** 8
- **Ернинг ҳимоя қобиғи** 9
- **Акула ошқозонида кема ҳужжатлари** 11
- **TV дастур** 12-13
- **Қоғоз печ қуёш энергиясида ишлайди** 16
- **Пойтахтнинг кўҳна тарихи** 19
- **Ҳарбий тарих мавзусига эътибор** 21
- **Спартакиада патриотических клубов** 23
- **Жажжи ўғил-қизлар қувончи** 24



3 АНЪАНА
ДОВОНЛАРНИ ЗАБТ ЭТИБ



5 ҲУШЁРЛИК – ДАВР ТАЛАБИ
ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА



22 АРМРЕСТЛИНГ
УСПЕХ АРМЕЙСКОГО КЛУБА



24 МАДАНИЯТ
ЖАЖЖИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР ҚУВОНЧИ

# ЖАРАЁН

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Мажлисда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим инвестиция лойиҳаларини жадал амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини танқидий таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашнинг қабул қилинган тармоқ дастурларини амалга оширишни жадаллаштириш, шунингдек, ушбу мақсадлар учун жалб этилаётган инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналарнинг раҳбарлари олдига тармоқлар ва корхоналарни инновация жиҳатдан ривожлантиришни таъминлашга, стратегик инвестиция лойиҳалари ва техник жиҳатдан модернизация қилиш лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ҳамда экспертизадан ўтказилишини мувофиқлаштиришни кучайтиришга йўналтирилган тизимли ишларни ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Мажлисда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, улар билан ички истеъмол бозорини тўлдириш, шу жумладан, буни маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ва чуқурлаштириш орқали таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши батафсил муҳокама қилинди. Мамлакат Президентининг қарорлари билан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига берилган солиқ ва божхона имтиёзларининг кенг рўйхати, шунингдек, мазкур қарорларда уларга имтиёзли кредит беришни кескин оширишга доир белгиланган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва ички бозорни улар билан тўлдириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиши қайд этилди.

Хўжалик бирлашмалари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари олдига озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг мақсадли параметрлари бажарилишини, шунингдек, уларни аҳолига узлуксиз етказиб берилишини сўзсиз таъминлашга йўналтирилган аниқ вазифалар қўйилди.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш, ободонлаштириш ишларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни, шунингдек, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар Ҳукумат мажлиси иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Ҳисобот чорагида 249,1 км. газ ва 237,7 км. сув қувурлари тармоқлари, шу жумладан, қишлоқ жойларда 220,6 км. газ ва 202,9 км. сув қувури тармоқлари ишга туширилди, 1441,8 минг кв.м уй-жой, шундан қишлоқ жойларда 1219,8 минг кв.м якка тартибдаги уй-жой қурилди. Йўллар қуриш, қишлоқни янада ривожлантириш ва ободонлаштиришнинг ресурс, институционал ва ташкилий базасини яратиш юзасидан кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Мажлисда компаниялар, уюшмалар ва республиканинг ҳудудлари бўйича дебитор ва кредитор қарздорликнинг ҳолати, шунингдек, муддати ўтган қарздорликни қисқартириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги танқидий кўриб чиқилди ва таҳлил қилинди. Истеъмолчиларга етказиб берилган ресурслар учун муддати ўтган қарздорликни, шунингдек, электр энергияси ва газнинг техник ва тижорат жиҳатдан исроф бўлишини камайтириш бўйича етарлича иш олиб борилмаётганлиги учун «Ўзбекэнерго», «Ўзтрансгаз» компаниялари, бир қатор вилоятларнинг ҳокимликлари фаолияти танқид қилинди.

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзтрансгаз» ва «Ўзбекэнерго» компанияларига Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ва Марказий банк билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергияси, табиий газ ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш топширилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар, тижорат банклари ва вилоятлар ҳокимликларининг раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика ҳукуматининг мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

Идет боевая учеба

## ПРИМЕР СЕРЖАНТСКОГО РАСЧЕТА

**В артиллерийской батарее под командованием капитана Дурбека Сотволдиева учебный год начали с получения отличных оценок по отработке элементов боевой слаженности.**



Перед тем как приступить к проведению занятий по порядку перевода орудия из походного в боевое положение, решили организовать показ действий на примере сводного сержантского расчета.

Сержант Алишер Хакимов уверенно командует расчетом, который четко организует боевую работу. Щелкает кнопка секундомера в руках командира батареи, фиксируя результат, превосходящий нормативное время.

— Впрочем, от настоящих военных профессионалов и не ждали другого итога, — комментирует работу своих подчиненных капитан Д. Сотволдиев. — Например, сержант Хакимов прошел два курса обучения в Школе подготовки сержантов военного округа.

Отлично справился в роли наводчика орудия и сержант Завкиддин Хамракулов, а также номера расчета сержант Анвар Мустафаев и младший сержант Бунёд Хайдаров, водитель сержант Шухрат Кавмиддинов.

Одним словом, сводный сержантский расчет наилучшим образом продемонстрировал солдатам срочной службы, как надо правильно действовать при орудии. Воины получили наглядный урок слаженности и четкости, умения при необходимости быстро и ловко заменить товарища.

— С первых дней службы сержанты окружили нас заботой и вниманием, — делится впечатлениями рядовой Садык Эшпулатов из Ангорского района Сурхандарьинской области. — Вот и сейчас, перед началом занятий, они преподали нам предметный урок профессионализма и мастерства.

Что ж, отрадно, когда пример сержантов увлекает за собой остальных воинов.

**Майор Анвар КАСЫМОВ.**
**Фото Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

## УМЕЛЫЕ ДЕЙСТВИЯ

Первые дни нового учебного года в подразделении, старшего лейтенанта Уткира Солижонова, начались с отработок действий личного состава по сигналам боевой готовности.

Это вполне закономерно. Стартовавшая боевая учеба подразумевает неустанное совершенствование боеготовности военнослужащих.

— Подъем! Тревога! — громогласно прозвучала команда дежурного по подразделению младшего сержанта Шерзода Курбанова.

В считанные секунды все пришло в движение. И пока младший командир докладывал по средствам связи дежурному по части о приеме сигнала и принятых по нему мерах, личный состав уже действовал в соответствии с боевым расчетом.

Первыми покинули расположение посыльные для оповещения военнослужащих. Вслед за ними получили оружие, снаряжение и их сослуживцы. Сержанты и солдаты убыли к месту построения подразделения, где им предстояло выполнять задачи в составе команд.

Тем временем водители уже направлялись в парк боевых машин, где под руководством младшего сержанта Жахонгира Юлдашева, должны были оперативно подготовить технику к выезду.

К чести водителей, ни одна машина не дала сбоя. Двигатели взревели первыми пусками, продемонстрировав автоматизм действий и должную профессиональную подготовленность.

Когда все было приведено в полную боевую готовность, старший лейтенант У. Солижонов остановил занятие. Начался детальный разбор действий личного состава.

В лучшую сторону были отмечены четкие и грамотные действия дежурного по подразделению младшего сержанта Ш. Курбанова. Порадовали своим старательным отношением к делу и подчиненные младшего сержанта Ж. Юлдашева. Уверенно ориентировались в обстановке и были примером для сослуживцев рядовые Максуд Ниязов, Эльер Хасанов, Расул Эгамбердиев, Чори Зияев и другие солдаты срочной службы.

Правда, не обошлось и без отдельных недостатков. Их разбору и анализу командир подразделения уделил соответствующую часть времени...

Вскоре личный состав подразделения приступил к отработке очередного этапа занятия.

Темп боевой учебы взят решительный, снижать его воины не намерены. С каждым часом боевой учебы они будут наращивать усилия для выполнения поставленных задач, и тем самым вносить свою армейскую лепту в боеготовность Вооруженных Сил страны.

**Капитан Хасан МИРЗАЕВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**

## ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ

**Мутахассис посбонларнинг ўқув машғулотлари бошланди. Бир неча кун давомида ҳарбий хизматчилар белгиланган режа асосида машқлар ўтказиб, касбий маҳоратларини оширишади.**

**Мазкур машғулотларда турли номинацияларда ғолиблар аниқланади.**

**Шунингдек, тажрибали йўриқчилар бошчилигида бўлиб ўтадиган машғулотларда посбонлар янги билим ва кўникмаларга эга бўлишади.**

**Айни пайтда офицерлар М. Эгамов, М. Юсупов, кичик сержантлар Д. Мусаев, М. Отабоевларнинг машқлардаги фаолликларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Машғулотлар якунида иштирокчилар касбий синовдан ўтказилиб, имтиҳонлар топширади. Доимо юксак марраларни кўзлаб, олдинга интилиб хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларимизга юксак натижаларни қўлга киритишларини тилаб қоламиз.**

**Аҳрор ОЧИЛОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**(Телефон орқали).**

# АНЪАНА

## ДОВОНЛАРНИ ЗАБТ ЭТИБ



Давр талабларига жавоб бера оладиган, ҳар қандай ташқи тажовуз ва хавф-хатарга метин қалқон бўла оладиган, замонавий қурол-яроғ ва жанговар техникалар билан қуролланган, шонли сафларида мамлакатнинг энг сара фарзандлари хизмат қилаётган профессионал миллий армиямиз билан бугун ифтихор қилишга ҳақлимиз. У ўтган йиллар мобайнида изчил шаклланиш даврини босиб ўтди. Қуролли Кучларимизда ўзига хос анъаналар йўлга қўйилди. Бу анъаналар орасида «Энг илғор мутахассис» танлови алоҳида ажралиб туради. Ёш офицер Жандос Сримов ана шу нуфузли танловнинг ғолибидир.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти миллий армиямиз сафларига юзлаб ҳарб илми билимдонларини етказиб бермоқда. Катта лейтенант Жандос Сримов ҳам ана шу нуфузли даргоҳда таҳсил олган. У билим юртида ўқиб юрган кезлариданоқ қобилияти, соҳага улкан қизиқиши билан ажралиб турарди. Ёш офицерга тажрибали офицерлар Аманбой Ражабов, Михаил Ҳаитовлар устозлик қилдилар. «Бугунги эришган муваффақиятларимда устозларимнинг ҳам катта ҳиссалари бор»,– дея улардан миннатдор бўлиб гапиради у. Ёш офицер хизматда ўзини ҳар томонлама кўрсатишга астойдил интилди. Унинг ҳаракатлари зое кетмади. Тез орада жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси деб топилди. Спортда эришган муваффақиятлари туфайли «Ҳарбий спортчи» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Жандос Нукус шаҳрида туғилиб ўсган. Зиёли оилада улғайди. Офицер бўлиш отаси Абай ака учун армон бўлиб қолган эди. Бу касбни ўғли шараф билан эгаллади. Фарзанди камолида ота армонлари ҳам ушалди. 2007 йили ёш офицернинг ота-онаси – Абай ака ва Андиз опалар номига Мудофаа вазири Ташаккурнома йўллади.

– Биз ниҳоятда хурсанд бўлдик, – дейди Андиз опа. – Ўғлим билан фахрландим. Мен мактабда дарс бераман. Нокамтарлик бўлмасин-у, аммо ўқувчиларимга тўлиб-тошиб фарзандимнинг ютуқлари ҳақида гапириб бердим. Ота-она фарзанди орқали келадиган раҳматни энг ширин калом деб қабул қилишларини ўғлим Жандос мисолида тушунтирдим. Ажаб эмас, менинг бу қувончим болажонлар кўнглига юрт ҳимоячиси бўлишдек эзгу ният уруғини сочган бўлса.

Ёш офицер, унинг сафдошлари, вояга етган оиласи, дастлабки муваффақиятли одимлари ҳақида матбуотда кенг ёритилди. Булар ота-она қалбини фахр-ифтихор туйғулари билан янада тўлдирди.

2008 йил унинг ҳаётида ўчмас из қолдиргани шубҳасиз. У «Энг илғор мутахассис» танловининг «Энг илғор взвод командири» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Дадил, билимдон, ташкилотчи йигит бу сафар ҳам ўзига билдирилган ишончни шараф билан оқлади.

– Танловнинг республика босқичи ниҳоятда қизғин кечди, – дейди катта лейтенант Жандос Сримов. – Ишонч ярим ғалабадир, деб ўргатган устозларим. Мен уларнинг ўгитларига амал қилиб, кам бўлмадим. Бугун шуни ишонч билан айта оламанки, ҳамжиҳатлик, аҳиллик, ўзаро бир-бирини тушуниб ҳаракат қилиш посбонга куч бағишлайди. Ҳарбий жамоамизда ўз касбининг ҳақиқий фидойилари хизмат қилишади. Шартнома бўйича хизмат сержанти Алишер Имомов, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Элдор Аҳмедовлар ана шундай посбонлардан саналишади.

Айни кунларда ўқув машғулотлари қизғин давом этмоқда. Бунда ёш офицернинг сафдошлари ҳам етакчиликни қўлдан бермай келаётир. Ҳозирча бирор нарса дейиш қийин бўлса-да, улар ўқув йилини муваффақиятли якунлашларига ишонч бор. Чунки, ҳар бир кун сарҳисоби юқори натижалар билан бойиб бормоқда. Бунда, албатта ёш офицернинг шахсий намунаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам истиқболи порлоқ ёш офицернинг жамоадошлари орасида ҳурмати, обрў-эътибори баланд.

Билим юртида бирга таҳсил олган дўстлар бир-бирларининг ютуқлари билан ўртоқлашиб турадилар. Ёш офицерлар Дониёр Азимов, Собит Абдуллаевлар Жандос билан бирга ўқишган. Бугунги кунда ҳам уларни бир-бирига боғлаб турадиган муштарак мақсадлар кўп. Чунки улар юрт ҳимоясидек олижаноб мақсад йўлида ҳормай-толмай хизмат қилмоқдалар.

Янги йил арафасида яна бир хушхабар Жандосни янада руҳлантириб юборгани шубҳасиз. Ёш оила янги меҳмонни кутиб олди ва унга яхши ниятлар билан Жансулу исмини қўйдилар. Қизалоқнинг қадами қутлуғ келди. Яқинда бу ёш оила янги уйга кўчиб ўтдилар. Уларни қутлагани олис Нукусдан ота-оналари, яқинлари келишди. Рафиқаси Мадинанинг қувончи чексиз:

– Бизга кўрсатилган бундай эътибордан мамнунмиз. Мен турмуш ўртоғимга ишонаман, у бундан кейин ҳам масъулиятли бурчини шараф билан ўтайди. Биз эса унга ҳамиша руҳий қувват бўлишга ҳаракат қиламиз.

Ҳаётини Ватан ҳимоясига бағишлаган ўғлонга ҳамиша толе ёр бўлаверсин.

**Инобат ИБРОҲИМОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

В военных училищах

## СОСТЯЗАНИЯ СРЕДИ КУРСАНТОВ



**В курсантских подразделениях ТВОКУ прошли состязания по горной подготовке и преодолению полосы препятствий «тропа разведчика». Они стали отличным средством повышения сплоченности, роста боевой выучки личного состава.**

В ходе преодоления горной полосы препятствий будущие офицеры укрепляют навыки в применении специального альпинистского снаряжения, чтобы уже в ходе самостоятельной служебной деятельности умело действовать в условиях труднопроходимой горной местности.

Под дружные аплодисменты однокурсников соревнующиеся ловко и сноровисто проходили по полосе, с желанием выполнить каждый элемент быстрее соперника.

Конечно, одно дело подниматься по лесенкам на тренажер или пройти по натянутому канату, но совсем другое – двигаться по настоящей горной круче. Есть тут существенная разница, но в любом случае польза от таких занятий несомненная.

В результате упорной борьбы самое лучшее время показали курсанты группы старшего лейтенанта Алижона Хайтанова. Курсанты Элдор Усманов, Рахматали Исаков и Санжар Саримсаков проявили себя настоящими мастерами горной подготовки.

Лишь немного уступили им подчиненные старших лейтенантов Голиба Санаева и Азамата Жураева.

Значительно сложнее, в этом смысле, было преодоление «тропы разведчика». Во-первых, здесь не один курсант действует, а вся группа одновременно. То есть, в плане слаженности взаимодействия очень высокие требования. И спина друга становится важна в качестве опоры, когда надо одним махом одолеть деревянный или кирпичный забор. Мастерство нужно и для того, чтобы штык-ножом сделать проход в проволочном заграждении. Также необходимо уметь балансировать на бревне, проходя ров с водой.

Четко страхуя друг друга, группа идет дальше, ловко минуя и завал из металлических труб, и окоп, и участок канализации. По ходу движения нужно взобраться на столб и имитировать обрыв кабеля. Но кульминацией сюжета здесь становится метание ножа в деревянную фигуру «часового».

Дальше опять ров с водой, где очень важно умение применить страховочный трос, произвести «минирование» участка железной дороги, переползти через проволочные заграждения. А завершает всю боевую работу группы прохождение на руках по наклонной лестнице.

Словом, динамика сохраняется на протяжении всей «тропы разведчика», не позволяя расслабиться ни на секунду. В упорной борьбе самый лучший результат был показан группой, где заместителем командира младший сержант Шерзод Дехконов.

– Это состязание способствует выработке у личного состава высокой физической выносливости, смелости, решительности и находчивости, навыков в передвижении на труднодоступной местности, приемов и способов преодоления различных препятствий и нападения на противника, – говорит один из членов жюри офицер Анвар Ханимкулов. – Для будущего офицера войсковой разведки это очень ценные качества.

Разгоряченные, но счастливые пережитыми вместе впечатлениями, курсанты оживленно обсуждали все перипетии соревнования.

– Участие в таких состязаниях, как преодоление «тропы разведчика», стало для всех нас важным этапом повышения профессионального мастерства, – говорит курсант Тахир Отамирзаев. – В Обращении к защитникам Родины Президента Республики Узбекистан были поставлены важные задачи, которые предстоит выполнять и нам в ходе самостоятельной службы. Поэтому ценность сегодняшнего испытания трудно переоценить.

– В процессе состязания мы не только отработали все намеченные вопросы, но и ощутили себя единым целым, одной дружной семьей, – добавляет курсант Абдурашид Омонов. – Эти понятия настоящего воинского братства, взаимовыручки и сплоченности мы будем воспитывать и в своих солдатах.

Прощаясь с курсантами и их наставниками, вдруг вспомнил слова из популярной песни: «А ты бы пошел с ним в разведку?» И сам для себя дал ответ: с этими надежными парнями из ТВОКУ, готовыми плечом к плечу твердо стоять на защите Родины, можно идти в разведку.

**Майор Алишер НУРЛАНОВ.**
Фото **автора.**

# ЭЪТИРОФ

Твои герои, Узбекистан!

## ВСЕГДА ПОДАЕТ ПРИМЕР

**В том, что в Караульных войсках МВД успешно действует система обучения воинов профессиональному мастерству, на высоком организационном уровне проходят учебные сборы молодого пополнения и конкурсы на звание лучшего по воинской профессии, а спортсмены войск все громче заявляют о себе при проведении Всеармейских игр и спартакиад ФСО «Динамо», есть немалый вклад и заслуга подполковника Алиёра Хайдарова.**

Это хорошо подготовленный, ответственный и болеющий за свое дело офицер. Он обладает богатым опытом организации командирской и боевой учебы всех категорий военнослужащих, правильно организует и на высоком методическом уровне проводит контрольно-проверочные занятия с личным составом и учебно-методические сборы с различными категориями офицеров и сержантов, уделяет должное внимание развитию в войсках физической подготовки и спорта, созданию учебно-материальной базы.



Высокие боевые и организаторские качества передового офицера вырабатывались всем укладом его жизни и служебной деятельности. Сомнений в выборе жизненной профессии у него и его братьев не было – быть только офицерами, как отец. Семья Хайдаровых по своему уникальна – сегодня это целая династия военных: отец Каримжон Хайдарович – более 30 лет проработал в органах внутренних дел, майор, мать Мутабаржон Ариповна всю жизнь трудилась в отделе по делам обороны, старшие братья – Алишер, майор в резерве, Элмурод – подполковник Андижанского УВД, три сестры – и у них мужья офицеры, а племянник Мансур служит в Караульных войсках, рядовой по контракту.

Первая попытка Алиёра Хайдарова поступить в военное училище связи не удалась. В последствии он проявил настойчивость и в итоге закончил Ташкентское высшее общевойсковое командное училище с отличием.

За 15 лет офицерской службы он овладел многими воинскими специальностями, был на различных служебных должностях. В его военной биографии – командир подразделения, в том числе и курсантского Чирчикского высшего танкового командно-инженерного училища, затем слушатель Военной Академии Вооруженных Сил.

Где бы он ни служил, для него всегда было главное жизненное правило – быть профессионалом военного дела, до тонкостей знать то, чем должен заниматься, всегда и во всем подавать пример личному составу и вести его за собой, будь это на ученьях в горах, на полигоне или в учебном классе.

Этому правилу он верен и сегодня, ибо каждый его день насыщен решением разнообразных повседневных, а порой и непредвиденных вопросов организации обучения личного состава – важнейшего слагаемого боевой готовности и боеспособности Караульных войск. Сообщение о награждении подполковника А. Хайдарова медалью «Содик хизматлари учун» вызвало большую радость у его сослуживцев и подчиненных всех кто знает этого достойного офицера.

Сам Алиёр Каримович, говорит, что не собирается останавливаться на достигнутом. Он считает, что награда Родины обязывает его во всех делах двигаться еще дальше и добиваться еще большего.

**Николай ЧУРСИНОВ,**
**полковник в отставке.**

## КАМТАРЛИКНИ КАСБ ҚИЛИБ

**Буюк файласуф Бузургмеҳрдан сўрашибди:**
**– Одамлар назарга илмайдиган бебаҳо фазилат нима?**
**– Камтарлик, – деб жавоб берибди у.**

Дарҳақиқат, кишининг бу дунёда қадр топмоғи, эл ҳурматига сазовор бўлмоғи унинг феъли, ахлоқи билан ҳам бевосита боғлиқ. Ўзимиздаги мавжуд хислат ва фазилатлар ёхуд иллатлар бизнинг келгуси фаолиятимизни белгилаб берадиган муҳим омиллардан саналади.

Қаҳрамонимиз кичик сержант Холбой Муродов билан танишиб, суҳбатлашар эканмиз, унинг камтарликни касб қилган замондошларимиздан эканига амин бўлдик. Етти йилдан ошибдики, Қуролли Кучларимиз сафларида, ҳарбийликни шунчаки иш эмас, балки Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурч, энг улуғвор ҳамда шарафли касб деб билади. Шунданми, ҳамкасблари у тўғрида фақат илиқ сўзларни айтади.

– Кичик сержант Муродов ҳар томонлама илғор, моҳир ҳарбий хизматчиларимиздан, – дейди офицер Убайдулла Сатторов. – Ундаги касбга садоқат, одамохунлик ва камтарлик хислатларига ҳарбий жамоада ҳамма ҳавас қилади. «Камтарга камол», деган нақл айнан шу сафдошимиз ҳақида айтилгандек, назаримда.

– Менинг униб-ўсиб шу даражага етишим, эл ардоқлаган шарафли касб вакили бўлишимнинг энг катта сабабчилари отам – Абдуҳафиз Муродов ва онам – Малика Муродовалар деб биламан. Чунки уларнинг ўгитларига амал қилиб кам бўлмадим, қаерга бормай ўз ўрнимни топа билдим. Отам Сўфи Оллоёр, Махтумқулининг мухлиси эдилар. Бизга ҳам ўзлари таъсирланган байтларни ўқиб берар ва ҳаётда шунга амал қилишга ўргатар эдилар. Отам севгувчи байтларнинг бири шундай бўларди:

«Отанг ердир, сен ҳам ердек қилиқ қил,
Қўлингдан келса элга яхшилик қил».

Бола шууримизга мустаҳкам ўрнашган бу каби мисралар, ўгитлар абадий ҳамроҳим, маслаҳатчим бўлиб қолган.

Сурхондарёнинг Узун туманида туғилиб вояга етган полвон йигит болалигидан шарафли соҳага ҳавасманд бўлиб улғайди. Кичкиналигида унинг энг севимли машғулоти аждодларимиз мардлиги ва жасоратидан ҳикоя қилувчи бадиий асарларни берилиб мутолаа қилиш, ҳарбий ватанпарварлик ва миллий озодлик руҳидаги фильмларни мароқ билан томоша қилишдан иборат бўларди. «Улардан олган таассуротларим шунчалик кучли бўлардики, ўртоқларим билан кўчага ўйнагани чиққанимизда айнан хаёлимни банд этган лавҳалар, воқеаларни ўйин тарзида саҳналаштиришга ҳаракат қилар ва бундан олам-олам завқ олар эдик», дейди у болалик хотираларини эслаб. Ким билсин, балки ана шу мурғак таассуротлар сабаб унинг кўнглида Ватаннинг паҳлавон ҳимоячиси бўлиш, аждодлар анъанасини давом эттириб, қўлда қурол билан сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашдек шарафли ишга муҳаббат куртак очгандир.

Ана шундай эзгу ниятлар ила Холбой орзусини рўёбга чиқаришга қатъий киришди. Ҳар бир эр йигитнинг зиммасидаги муқаддас бурч ҳисобланган муддатли ҳарбий хизматга йўл олади.

Армия қаҳрамонимизни обдон чиниқтирди, toблади. Билимларини бойитди, дунёқарашини кенгайтирди. Бу ерда ўз касбининг билимдони, ишининг устаси бўлган командирлар, офицерлардан ҳарб илмига оид сабоқларни пухта ўзлаштирди. Жанговар, ижтимоий-сиёсий ва жисмоний тайёргарлик бўйича сафдошларига ҳамиша ўрнак бўлди. Ундаги бу интилиш, шижоат ва соҳага қизиқишга барча ҳавас кўзи билан боқарди.

Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддати якунига етиш арафасида Холбой қатъий қарорга келди: «Мен ҳаётимни ҳарбийлик билан боғлайман!»

Кўп йиллардан буён Қуролли Кучларимиз сафида зиммасидаги муқаддас бурчни шараф билан адо этиб келаётган кичик сержант Х. Муродов бугун офицерларнинг энг яқин ёрдамчисига айланган. Қуролли Кучларимизнинг янгича қиёфа касб этиши, муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ҳақиқий посбон мақомига сазовор бўлиши, ҳарбий хизмат нуфузи ошишида сержантларнинг ўрни ва роли беқиёс. Шу боис ҳам уларни армиямизнинг таянчи, профессионаллари деб атаймиз-да! Ана шундай мард, Ватан манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйгувчи сержантлар орасида қаҳрамонимиз каби изланувчан, билимли, моҳир ўғлонларнинг кўплиги эса янада қувончлидир.

**Жамшид НИЁЗОВ.**

Таҳририятга мактуб

## ФАРЗАНДИМ ШАРАФЛИ СОҲАНИ ТАНЛАДИ

Қалбида туғилиб ўсган тупроғига, халқига меҳр жўш урган ўғлонларимизнинг сарҳадларимизни сергак туриб қўриқлашлари, зиммаларидаги вазифани сидқидилдан бажаришлари туфайли юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон. Шуларни ўйлар экансан, бахтимизга мард, фидойи, довюрак фарзандларимиз – Ватан ҳимоячилари омон бўлишини тилайсан киши.

Менинг ҳам тўрт нафар фарзандим бор: икки ўғил, икки қиз. Барчасини бағримнинг бир бўлаги, юрагимнинг парчаси деб биламан. Ҳар сафар дастурхон бошида дуога қўл очар эканман, Яратгандан фарзандларимга омад, бахт, иймон ва инсоф сўрайман.

Кенжа фарзандим – Шерали Примовни муддатли ҳарбий хизматга кузатдик. У Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташга, аждодлар анъанасини давом эттиришга қарор қилганини айтганида, отаси иккимиз ич-ичимиздан қувонгандик. Кузатув маросимида арслонкелбат, фидойи ўғлонлар сафида менинг ҳам фарзандим борлигидан тўлқинланиб кетдим. Ватанимиз тинчлиги, осойишталиги, тараққиёти мана шу посбонларимизнинг касбига садоқати билан белгиланишини яна бир карра англаб етдим.

Шералидан биринчи марта хат олганимизда ниҳоятда хурсанд бўлгандим. У ўз мактубида армияда посбонлар учун шарт-шароит аъло даражада экани, командир ва сержантларнинг уларга пухта билим беришаётгани ҳақида жўшиб ёзганди. Аскарлар учун шинам, ёруғ, кенг ётоқхона ва ошхоналар, спорт заллари муҳайё қилиб қўйилган экан. Шунингдек, ҳарбий қисмда ажойиб кутубхона ҳам бор экан. Буларнинг барчаси ҳукуматимизнинг Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган, юрт осойишталигига масъул бўлган Ватан ҳимоячиларига юксак ғамхўрлиги, эътиборидан.

Наврўз – умумхалқ байрами арафасида ўғлим хизмат қилаётган ҳарбий қисмда бўлиб, Ҳарбий қасамёд қилиш тантаналарида иштирок этдик. Ватанни кўз қорачиғи каби асрашга, зиммаларидаги бурчни шараф билан адо этишга онт ичган марду майдонларга қараб ғурурландим, фахрландим.

Ўғлим билан суҳбатлашар эканман, хизматни бошлаганига ҳали унча кўп бўлмаган эса-да, фикрлари теранлашгани, дунёқараши кенгайганини ҳис қилдим. Ҳарбий либосда янада салобатли кўринаётган, катталардек босиқлик, жиддийлик билан сўзлаётган фарзандимдан мамнун бўлдим. Бежизга армияни ҳаёт, йигитлик мактаби дейишмас экан-да, деган хаёл ўтди кўнглимдан. Шерали муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, олий ҳарбий билим юртига ўқишга киришга, тоғалари офицерлар – Ҳасан ва Ҳусан Қуроловлар сингари мард, жасур посбон бўлишга, ҳаётини шарафли касб билан боғлашга аҳд қилибди. Унинг бу қарорга келишида, ҳарбий касбга меҳр қўйишида тоғалари билан бир қаторда, армияда унга ҳарб илми сир-асрорларини ўргатаётган устоз офицерларнинг хизмати катта, деб ҳисоблайман.

Ўйлайманки, ўғлонларимиз ўзларига билдирилган ишончни оқлашади. Тилагим, улар ёмон кўзлардан йироқ бўлсин. Кўнгилларига туккан орзуларига етишиб, биз – оналарни қувонтириб, бағрини бутун қилиб юришсин.

**Тожихон ПРИМОВА,**
**аскар онаси.**

# ОГОҲЛИК

В военных училищах

## ТВЕРДО БОРОТЬСЯ С МИРОВЫМ ЗЛОМ

**Научно-теоретическая конференция, проведенная недавно в ТВОКУ, посвящалась актуальной теме борьбы с международным терроризмом и религиозным экстремизмом.**



На пороге нового тысячелетия человечество столкнулось с целым рядом вызовов и угроз существования. В числе первостепенных угроз – терроризм и религиозный экстремизм.

Оценив эти явления в качестве мирового зла, люди из года в год стали вырабатывать способы эффективной борьбы с терроризмом и экстремизмом. Проведенная в ТВОКУ конференция также служит этой благородной цели.

В целевых установках конференции – углубить знания, кругозор личного состава по проблемам эволюции религиозного экстремизма и терроризма, представить участникам научный взгляд на природу и социально-психологическую сущность этих явлений.

Наряду с этим, одной из целей было объяснить направления, формы и методы борьбы с данными явлениями, предпринимаемыми государством, довести цели и задачи в этом вопросе Вооруженных Сил.

В работе научно-теоретической конференции принял участие и выступил первый заместитель Министра обороны – начальник Объединенного штаба Вооруженных Сил генерал-майор А. Косьяненко. Он призвал военнослужащих, с учетом высокой актуальности изучаемой темы, интенсивно потрудиться с целью повышения уровня знаний по данной теме.

С увлекательным и содержательным докладом о проблемах борьбы с международным терроризмом в условиях глобализации выступил заместитель начальника ТВОКУ по воспитательной работе офицер Б. Баратов, сопроводив свой рассказ показом слайдов, большим массивом ценной информации.

В конференции приняли участие представители всех высших военно-образовательных учреждений (ВВОУ) Министерства обороны, Академии Вооруженных Сил, правоохранительных органов. В перерыве мы попросили участников конференции поделиться своими впечатлениями.

– Выступления докладчиков произвели на меня большое впечатление, – говорит курсант второго курса ТВОКУ младший сержант Бабур Атамирзаев. – Безусловно, знания о мировом зле международного терроризма и религиозного экстремизма, полученные сегодня, помогут мне в дальнейшей службе качественно воспитывать подчиненных в духе преданности к идеям независимости и любви к Родине.

– В настоящее время, кроме угрозы применения ядерного, биологического оружия, возникло такое понятие, как «кибертерроризм», – подключается к беседе преподаватель Специального факультета ТУИТ офицер Абдуллахон Темиров. – Путем проникновения в глобальную сеть интернета проводятся атаки на те или иные сайты, выводя на время из сферы пользователей. Это тоже одно из негативных проявлений терроризма.

– Выслушав доклады, я пришел к выводу, что работа по выработке согласованных действий в борьбе против этого мирового зла все же приносит свои плоды, – говорит младший сержант Мухтар Холматов. – Наличие этой угрозы для мирной жизни населения Узбекистана требует от нас, военнослужащих, высокой постоянной бдительности, поддержания на должном уровне боевой готовности, наращивания профессионализма и боевого мастерства.

– Акцент на духовно-нравственном воспитании нашей молодежи позволит в дальнейшем избежать попадания юношей в сети представителей экстремистских организаций, – говорит представитель ТВОКУ офицер Тимур Абдусаидов. – В частности, надо проводить больше мероприятий, которые бы освещали ценности традиционного ислама. Ведь ислам в его традиционном понимании не имеет ничего общего с теми ложными лозунгами, вбрасываемыми в неокрепшее сознание молодежи экстремистскими «проповедниками».

Проведенная в ТВОКУ конференция стала весомым вкладом в успех борьбы против мирового зла – международного терроризма и религиозного экстремизма.

**Майор Аблай КАМАЛОВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

Ҳушёрлик – давр талаби

## ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

**Она Ватанни ҳимоя қилиш, халқ фаровонлигини таъминлашдек масъулиятли вазифа эр йигитга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Буни яхши англаган юрт ҳимоячилари сарҳадларимизда ҳамиша шай ва сергак туриб, бурчларини виждонан ўташмоқда.**







Сарҳадларимизни ҳимоя қилиш посбондан катта масъулият, малака ва билим ҳамда ўта сезгирликни талаб қилади. Буни қоровуллик хизмати мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

... Тун. Техника паркида ўз вазифасини ўтаётган соқчи ҳар доимгидек ҳушёр ва сергак. Соқчи шартнома бўйича хизмат оддий аскари Элдор Примов пост ҳудудида белгиланган йўналиш бўйича айланиб юрар экан, туйқусдан эшитилган товуш уни ҳушёр торттирди. Девордан ошиб тушган шарпани сезган соқчи тезда қоровул бошлиғига вазият ҳақида хабар берди. Посбон ишонч билан, аниқ ҳаракат қилди. Қоровул бошлиғи офицер Руслан Мамен зудлик билан қисм навбатчисига соқчи берган ахборотни етказди ва қоровуллар билан биргаликда постга етиб келди. Тезкор ҳаракат натижасида қоидабузар ушланди. Соқчининг сергаклиги ва аниқ ҳаракати унинг низомларни пухта билишини қолаверса, Ватанга, бурчига садоқатини кўрсатди. Соқчи шартнома бўйича хизмат оддий аскари Э.Примов қоровул хизматини аъло тарзда ўтаганлиги учун қисм қўмондонлиги томонидан муносиб тақдирланди.

– Қоровулларни танлашда уларнинг руҳий ҳолатига ҳам эътибор берамиз, – дейди қоровул бошлиғи офицер Р.Мамен – Улар низом талабларини яхши билиши, ҳар қандай ҳолатда ўзини йўқотмасдан тез ва аниқ ҳаракат қилиши керак. Шуни инобатга олган ҳолда, қоровулга посбонларни танлашдан олдин улар билан тайёргарлик машғулотлари ўтказилади.

– Қоровулга тушишдан олдин посбонлар уч босқичдан ўтишади, – дейди офицер Бектемир Раббимов. – Биринчи босқичда уларни саралаб оламиз. Бунда посбоннинг жисмоний, руҳий ва маънавий жиҳатларига эътибор қаратамиз. Иккинчи босқичда саралаб олинганлар билан қоровулларни тайёрлаш хонасида назарий сабоқ олиб борамиз. Учинчи босқичда қоровуллар шаҳарчасида жанговар қуролдан фойдаланиш, қўл жанги машқлари, ёнғинга қарши воситаларни ишлатиш, постда алмашиш, ҳаракат қилиш, қай ҳолларда қуролни ишлатиш ва огоҳлантириш каби машқларни амалий тарзда ўтамиз. Бу машғулотлар қоровуллар шаҳарчасида тажрибали офицерлар томонидан олиб борилади. Машқларни юксак савияда ўтказиш учун шаҳарчада низом талаблари асосида барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Қоровулхонага кирар эканмиз, низом талабларига мос тартибли, озода хоналар бизнинг диққатимизни тортди. Қоровулларнинг дам олишлари, овқатланишлари учун керакли шароитлар яратилган. Дам олиш хонасида шашка, шахмат, шунингдек, газета ва журналлар тартиб билан жойлаштирилган. Қоровулхона олдида турган соқчи низом қоидаларига амал қилган ҳолда қоровул бошлиғига келаётганлар ҳақида ахборот бериб турибди. Бу посбонларнинг қоровул хизмати қоидаларини жуда яхши ва пухта ўзлаштирганликларини кўрсатиб турибди.

– Мен шартнома бўйича анча йиллардан буён хизмат қилиб келаяпман, – дейди қоровул бошлиғи ёрдамчиси кичик сержант Улуғбек Ярбоев. – Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб юрган кезларимда ҳам кўп бора қоровулга тушганман. Қоровул ва соқчининг вазифаларини яхши биламан. Шундай бўлса ҳам қоровулга тушишдан олдин низом қоидаларини ўқиб, билимимни янада бойитиб бораяпман.

Қоровул бошлиғининг «Қоровул қуроллан, постга ҳужум» деган буйруғи янгради. Қоровуллар тезкорлик ва аниқлик билан қуролларини олиб, каска ва ўқ ўтишидан сақловчи воситаларни кийиб, тартиб бўйича сафга тизилишди ва қоровул бошлиғининг кўрсатмаси асосида тегишли вазифани бажаришга киришди. Қоровулхонада дам олувчи қоровуллар билан бу каби ўқув машғулотлари кўп бора ўтказилиб турилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир қоровул ва соқчи бундай ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини жуда яхши билади.

Қоровул бошлиғининг таъкидлашича, кичик сержантлар – Собит Нураков, Дилшод Рўзиев, Хуршид Узоқов, шартнома бўйича хизмат оддий аскарлари – Қувончбек Бобоев, Суннатилло Бегимов кабилар қоровул хизматини аъло тарзда ўтаётган посбонлардан ҳисобланишади.

Қоровул бошлиғининг ёрдамчиси кичик сержант У. Ярбоев навбатдаги қоровулларнинг постга бориш учун тайёргарлик кўришларини айтди. Қоровуллар ўз вазифаларини ўташга шай бўлганларида қоровул бошлиғи яна бир бор уларга соқчининг вазифаси ва мажбуриятлари ҳақида эслатиб ўтди. Шундан сўнг улар қоровул бошлиғининг назорати остида қуролларини ўқладилар. Ёрдамчи саф олдида ҳаракат қилиб, қоровулларни пост томон бошлаб кетди. Улардаги ўзларига бўлган ишончни, қатъиятни ҳис қилар эканмиз, юртимиз тинчлиги, осойишталиги ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

**Аҳрор ОЧИЛОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Муаллиф суратга олган.**

# ОТКЛИК

За строкой Обращения Президента

# ПОЛИТИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКЕ – НОВЫЙ ПОДХОД И ПОВСЕДНЕВНОЕ ВНИМАНИЕ



Обращение Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова, посвященное 17-летию образования Вооруженных Сил Узбекистана, знаменует собой вступление нашей национальной армии в качественно новый период своего развития – период углубления военного реформирования и дальнейшего совершенствования Вооруженных Сил, повышения их боевой мощи, боевой готовности частей и подразделений.

Масштабы и глубина реформирования всех сторон нашей общественной жизни, острота и сложность проблем, которые приходится решать в современной далеко непростой военно-политической обстановке в мире и регионе, в условиях все нарастающего мирового финансово-экономического кризиса и усиления агрессивности международного терроризма и экстремизма, поставили перед командирами, органами воспитательной работы ряд принципиально новых задач, решение которых во многом зависит от уровня и действенности воспитательной работы и прежде всего от морально-психологической и политической подготовки личного состава. С другой стороны, все большее число командиров, заместителей по воспитательной работе, офицеров и сержантов на практике осознают, что успех углубления реформирования, дальнейшего повышения боевой готовности частей и подразделений не на словах, а на деле зависит от сознания военнослужащих, глубины понимания ими сущности и значения преобразований, осуществляемых в стран и в Вооруженных Силах, своего места и роли в современном, постоянно развивающемся военном организме.

В Обращении глава государства пишет: **«Дальнейшего совершенствования требует морально-психологическая, политическая подготовка военнослужащих»**. Чем вызвано это требование. Какие причины лежат в его основе?

**Во-первых,** усложнением задач, стоящих перед Вооруженными Силами на современном этапе, углублением военной реформы, дальнейшим качественным совершенствованием Вооруженных Сил, повышением их боеспособности и боевой мощи, обусловленных усилением угроз и нашей безопасности, обострением обстановки в регионе и активизацией международного терроризма и экстремизма.

В последние годы в военном деле произошли большие изменения. Они охватывают собой технику и вооружения, организационные принципы построения Вооруженных Сил, методы обучения и воспитания, способы ведения боевых действий. Широко внедряются компьютерные и информационные технологии, разнообразная аппаратура, приборы ночного видения и многое другое, чего раньше не было на вооружении армии. Значительно усложнились способы ведения боевых действий, немало нового внесено в стратегию и тактику вооруженной борьбы. У человека в военной форме одежды значительно возросли моральные, физические и психологические нагрузки. Все это вместе взятое говорит о том, что надежно выполнить свой долг перед Родиной может только настоящий патриот, воин-профессионал, человек, имеющий крепкую морально-психологическую и политическую закалку, отточенные морально-боевые качества.

**Во-вторых,** это вызвано возрастанием роли морального фактора в военных столкновениях. Ни одна война в прошлом не предъявляла к морально-политическим, психологическим и боевым качествам военнослужащих таких требований, какие она предъявляет сегодня. Будь то боевые действия с применением обычных средств борьбы, боевые действия с применением оружия массового поражения или борьба с международным терроризмом и экстремизмом. В любых условиях от воина требуется максимальное напряжение сил, прочность убеждений, профессиональных навыков и отточенное боевое мастерство, способность действовать в одиночку или в составе подразделения, в любых, самых сложных, а нередко и экстремальных условиях. От военнослужащего требуется мужество, стойкость, отвага, инициатива, бесстрашие в борьбе с врагом, верность долгу и беспредельная преданность Родине, народу и Президенту. Но такой военнослужащий не может появиться случайно, без целеустремленного воспитания, постоянного воздействия на его ум, чувства, мысли всеми средствами духовно-нравственного воздействия. Человек, не обученный всем тонкостям и приемам борьбы в современных условиях, не воспитанный на идеалах независимости, не привыкший к дисциплине и организованности не может стать героем, подлинным защитником своей независимой Родины. Поэтому надо сегодня, сейчас, готовить, растить такого героя-бойца, способного одержать победу над любым противником, способного приумножить боевые традиции великих предков, боевую славу героев-фронтовиков, совершить великие деяния во имя своей независимой Родины, мира и стабильности в стране и регионе.

**В-третьих,** возрастание значения политической подготовки военнослужащих обусловлено необходимостью усиления внимания к информационной безопасности. Нельзя забывать, что мы живем в условиях непрекращающейся идеологической борьбы. Деструктивным силам и их пособникам не по нутру наш независимый курс развития, наши успехи и достижения. Они не приемлют наш образ жизни и менталитет. Они не гнушаются неприкрытой ложью, подтасовками, инсинуациями, клеветой. В современной пестрой палитре непрерывного потока трудно разобраться неподготовленному человеку, вычленить что-то ценное, нужное. И тут на помощь военнослужащему должен прийти знающий, опытный командир, заместитель по воспитательной работе, руководитель группы политических занятий, их глубокие знания, их меткое и образное слово, их осведомленность и авторитет. Это значит, что подготовке таких категорий военнослужащих должно уделяться первостепенное внимание. Только на основе глубоких знаний, компетентности мы сможем противостоять чуждым нам идеям и воззрениям, противоречащим нашим идеалам, нашему мировоззрению и нашему менталитету.

Главная забота наших воспитательных, просветительских кадров должна состоять в том, чтобы сформировать у военнослужащих полное, цельное понимание реально существующего мира во всем его многообразии. Помочь людям сформировать у себя прочные морально-психологические и боевые качества, раскрыть глубокое чувство патриотизма, любви к независимой Родине, понять меру личной ответственности за судьбу независимости, безопасность наших границ, сохранение мира и стабильности в стране и регионе.

Мы открыты для мира, и мир открыт для нас. Но не надо забывать, что в этом мире информационные потоки не прекращаются, а, наоборот, нарастают. Как гласит народная пословица – на каждый роток не накинешь платок. Но выход из этого положения есть. Мы можем и должны создать в душах людей свои духовно-нравственные бастионы, основанные на достоверной, правдивой информации, на правде жизни и нашего поступательного движения вперед. **Нам необходимо помочь военнослужащим и их семьям выстроить свою систему духовно-нравственных координат, которая бы не только позволяла нам успешно отражать информационные атаки,** но, и, перехватывая инициативу, вести на них наступление, в самых лучших традициях правды, достоверности и честности. Это значит, что наш командир, заместитель по воспитательной работе, любой офицер и сержант наряду со своими профессиональными качествами должен уметь убеждать, доказывать, аргументированно излагать суть вопроса, обладать знаниями педагогики и психологии, быть в определенном смысле оратором. Эмоциональная, образная, богатая по содержанию речь – важнейший способ воздействия на людей. Быть коммуникабельным, обладать умением «притягивать» к себе подчиненных, уметь беседовать с ними по душам, исподволь, ненавязчиво, но широко и убедительно раскрывая мудрость политики нашего государства, величие его планов и реальных достижений.

Далее в Обращении глава государства говорит: **«Деятельность командиров всех уровней должна быть направлена на формирование у офицеров, сержантов и солдат высоких духовных, морально-нравственных качеств, активной жизненной позиции и патриотизма, чувства ответственности за судьбу Родины, укрепление ее независимости и безопасности»**.

В этом тезисе главы государства – широкая программа деятельности командиров, заместителей по воспитательной работе, всех офицеров и сержантов по повышению эффективности и действенности воспитательной работы, ее основные направления и задачи.

Не раскрывая сущности и значения каждого из направлений воспитательной работы, хочу обратить внимание прежде всего на воспитание у наших военнослужащих чувства патриотизма, любви и преданности нашей независимой Родине. Этому направлению надо придать особую значимость, потому что без патриотизма не будет ни активной жизненной позиции, ни ответственности за судьбу страны, укрепление ее независимости и безопасности.

Во-вторых, следует подчеркнуть, что воспитание – дело всех командиров, заместителей по воспитательной работе, всех офицеров и сержантов. Мы должны утвердить в сознании командира, заместителя по воспитательной работе, офицера, инженера, техника, хозяйственника, сержанта, что они обязаны вести повседневную воспитательную работу среди личного состава, быть готовыми в любой ситуации, в непринужденной обстановке разъяснять воинам актуальные вопросы политики руководства республики, проблему военного строительства, раскрывать особенности социальной политики в современных условиях, освещать проблемы взаимоотношений в воинском коллективе, требования воинской дисциплины, размещать социально-бытовые проблемы.

В-третьих, дальнейшему совершенствованию подлежат все формы политической учебы и методы воспитательной работы со всеми категориями военнослужащих – с офицерами, сержантами и солдатами. Здесь и организация, и методика, и охват личного состава, исходя из принципа, что **ни один военнослужащий не должен остаться вне нашего политического, духовно-нравственного влияния.** И если мы в своей практической работе пойдем по пути концентрации всего воспитательного потенциала на решение ключевых задач, поставленных Верховным Главнокомандующим Исламом Каримовым в Обращении, несомненно, мы более успешно решим задачи повышения боевой готовности, качества боевой подготовки и укрепления воинской дисциплины.

В Обращении подчеркивается: **«Армия должна стать на деле школой духовного, физического, гражданского возмужания молодежи. Необходимо помнить, что от успешного решения этих задач прямо зависят боеспособность Вооруженных Сил, безопасность страны и морально-нравственная обстановка в обществе».** Этим Президент страны подчеркивает, насколько высоко значение принимаемых мер в жизни страны, общества и Вооруженных Сил. И это естественно, потому что армия – это опора государства, которая состоит из людей и которых надо готовить профессионально, воспитывать разносторонне. Воспитывать духовно-богатыми, физически совершенными и нравственно здоровыми людьми, подлинными патриотами, верными своей независимой Родине, народу и Президенту.

Для дальнейшего улучшения воспитательной работы и прежде всего общественно-политической подготовки личного состава у нас есть все возможности и все необходимые средства. И прежде всего интеллектуально развитые, качественно подготовленные военные кадры. На что мы должны опираться, что положить в основу решения проблем духовно-нравственного, патриотического воспитания, формирования всесторонне развитой гармоничной личности военнослужащего?

**Первое.** Это – труды Президента Ислама Каримова. В них – целостная программа духовно-нравственного, патриотического воспитания, формирования целостной гражданской личности, беспредельно преданной своей Родине. Сегодня без трудов главы нашего государства не может быть целенаправленной и действенной воспитательной работы. Они – наш компас, сверяясь с которым, тверже становится каждый наш последующий шаг в поступательном развитии.

**Второе** – успехи нашей Родины в социально-экономическом развитии. В этой связи материалы заседания Кабинета Министров и книга Президента Ислама Каримова «Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана» должны стать настольными пособиями в работе каждого командира, заместителя по воспитательной работе, каждого руководителя группы общественно-политических занятий, каждого офицера и сержанта. Нам надо не забывать, что успехи Родины укрепляют в душах людей чувство к Родине, формируют устойчивые чувства патриотизма и национальной гордости.

**Третье.** Верной опорой в воспитательной работе являются наша национальная идея и идеология национальной независимости. Они помогают нам противостоять чуждым нам взглядам, идеям, воззрениям, несовместимыми с нашей моралью, менталитетом и нашим мировоззрением. Они учат нас давать должный отпор ложным слухам и клеветническим измышлениям, иметь твердую позицию по отношению к происходящим событиям, собственные взгляды на явления и факты современной действительности. Всей своей работой мы должны формировать у нашей военной молодежи не только историческую память, но и чувство национальной гордости, верность идеалам независимости.

**Четвертое.** Мы всегда должны опираться на наследие великих предков, опыт предшествующих поколений, традиции героев-фронтовиков. У них мы учимся верности родной Отчизне, преданности родной земле. Особое внимание надо уделять наследию великих полководцев Амира Темура, Бобура, Темура Малика и Джалолиддина Мангуберди. Они вооружили нас бессмертными заветами, боевыми традициями. Они помогают нам глубже понять нашу историю и лучше осознавать будущее. Учиться у них военному искусству – наш долг и святая обязанность.

Задачи, поставленные перед нами Верховным Главнокомандующим Вооруженными Силами, объемны и многоплановы. Они требуют от нас организованности, творчества и новизны. Новизны в подходе, в осознании, в понимании огромного общественно-политического значения задач, выдвинутых Президентом страны и самой жизнью, современной обстановкой в мире и регионе. Сейчас главное – последовательно, целеустремленно и качественно претворять их в жизнь. Это будет нашим достойным ответом на Обращение главы государства.

**Анфим ХЛЫЗОВ.**

# ОИЛА ГУЛШАНИ

## ФАЙЗЛИ ХОНАДОНЛАРДАН БИРИ



Камтар бўл ҳамиша
эй аҳли инсон,
Камтар бўл, қўлингда
бўлса ҳам осмон.
Манманлар ҳамиша
заволга қолгай,
Боқий дунёда ҳам
жавоби ёмон.

Ушбу сатрлар сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган ҳарбий оила бекаси Мухтасархон Исмоилова қаламига мансуб.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округда сафарда бўлганимизда гарнизон офицерлар уйи кутубхонаси билан ҳам яқиндан танишдик. Кутубхона мудираси Муқаддасхон Файзиева «Энг яхши китобхон» кўрик-танлови ҳақида сўз кетганда биринчи ўринни қўлга киритган Мухтасархоннинг номини тилга олиб, унинг шоиралик иқтидорига ҳам обдон таъриф бериб ўтган эди. Тасодифни қарангки, ҳарбий шаҳарчанинг намунали оилалари ҳақида мақола тайёрлаш учун офицер Ойбек Исмоилов хонадонида бўлганимизда унинг рафиқаси айнан мана шу китобсевар, шоира аёл эканлигидан воқиф бўлдик.

Оила бошлиғи хизмат бурчи сабаб навбатчиликда эканлиги учун у билан учраша олмадик. Очиққўнгил ва хушмуомала хонадон бекаси билан бўлган суҳбат эса жуда кўнгилли кечди.

– Турмуш ўртоғим иккимиз ҳам Марғилон шаҳрида вояга етганмиз, – дейди Мухтасархон оиласи ҳақида сўз кетар экан. – Ойбек ака Чирчиқ олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юртида таҳсил олиб юрган йиллари бир-биримизга кўнгил қўйдик. Орадан икки-уч йил ўтиб, турмуш қурдик. Офицер йигитнинг ҳаёти барчага маълум. У қай даражада масъулиятли касб эгаси бўлса, унинг рафиқаси ҳам шу даражада фидойи бўлмоғи лозим. Бу ҳақиқатни ўзимнинг ҳаётимда кўриб турибман. Бироқ инсон бир-бири учун яралганлигини ҳис қилиб туриши ҳаёт қийинчиликларини енгишда катта аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Турмуш ўртоғим илк офицерлик хизматини бошлаган пайтда фармацевтика коллежида таҳсил олдим. Пазандалик, сартарошлик касбларини эгаллашга муваффақ бўлдим. Буларнинг барчасига умр йўлдошим шароит яратиб берди, албатта. Ҳозирда икки фарзандимиз бор, Мадиҳабону ва Раҳматулла. Ёшликдан шеъриятга меҳр қўйганим учун гоҳида ижод қилиб тураман. Одатда аёл кишининг бўш вақти кам бўлади. Бироқ имкон туғилди, дегунча қўлимга китоб оламан. Ота-она, яқинларимиздан қай даражада узоқда яшамайлик, шу йўлни танлаганимдан фахрланаман, бахтлиман. Негаки, офицернинг рафиқаси бўлиш барчага ҳам насиб этавермайди.

Мухтасархон ҳақ гапни айтди. Ҳарбий хизматчига муносиб рафиқа, ҳарбий оилага муносиб бека бўлиш осон эмас. Бунинг учун у билан елкама-елка туриши, қийинчиликларни биргаликда енгиб ўтиши лозим. Суҳбатдошимиз-да турмуш ўртоғининг илк хизмат давридан бошлаб, у Қуролли Кучлар академиясида таҳсил олганида ҳам, юртимизнинг энг чекка ҳудудларида Ватан юкига елка тутганида ҳам ҳамнафас бўлиб келаяпти.

– Ҳарбий оилаларнинг эл эътиборига эришишида нафақат ҳарбий хизматчиларимизнинг, балки ҳарбий оила бекаларининг ҳам катта ўрни бор, – дейди округ ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи Гулбаҳор Ҳабибуллаева. – Чунки хонадонларнинг озода ва орасталиги, фарзандлар таълим-тарбияси, қўшничилик алоқаларини йўлга қўйиш каби бир қатор жараёнларда аёл муҳим роль ўйнайди. Ушбу оилада ҳам худди шундай. Мухтасархоннинг камтарлиги, ширинсўзлиги, ён-атрофидагиларга бўлган муносабати, шаҳарчадаги жамоат ишларида фаоллиги, энг асосийси, оиласидаги аҳиллик, иноқлик барчага намуна. Унинг ижодкорлиги, гўзал шеърлар яратишга бўлган иқтидори эса яна бир фазилати, десак арзийди.

Юртимизнинг таниқли гўшаларидан бўлган Марғилон машҳур ижодкорлар масканидир. Мухтасархон ҳам уларнинг вориси сифатида қалам тебратар экан, унинг сатрларида миллатдан фахрланиш, ватанпарварлик руҳини ҳис қиласиз. Мақоламизни эса унинг меҳр-муҳаббат, садоқатга уйғун сатрлари билан якунлашни лозим топдик.

Гул бўлсинлар аёллар,
булбул бўлсин беклари.
Чеҳрасини ҳамиша
гулгун этсин беклари.
Кўзларидан нур қочиб,
оқарганда сочлари,
Бир умрлик ягона
севгим десин беклари.

**Зулфия НОСИРОВА.**

«Энг ибратли ҳарбий оила»

## БЕЛЛАШУВ ҚИЗҒИН КЕЧДИ

Оилага муқаддас қўрғон, деб таъриф берилади. Зеро, бу маконда келажак эгалари, авлодлар давомчилари тарбия топади. Қанчалик соғлом муҳит қарор топса, бу оиланинг келажаги ҳам бардавом бўлади. Шу боисдан ҳам бугунги кунда ҳарбий оилаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни янада барқарорлаштириш, бу ерда вояга етаётган ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, ота-она ва кексаларга ҳурмат туйғуларини шакллантиришга катта эътибор қаратилаяпти. Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг энг эътиборга сазовори ҳар йили «Оила ишончли маскан» шиори остида босқичма-босқич тарзда ўтказиб келинаётган «Энг ибратли ҳарбий оила» кўрик-танловидир. Тошкент ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмларнинг бирида танловнинг дастлабки босқичи бўлиб ўтди.

Танловда офицерлар – Бахтиёр Йўлдошев, Улуғбек Бобожонов ва кичик сержант Фаррух Муйдиновларнинг оила аъзолари иштирок этиб, ўзаро беллашдилар.

Беллашув шартларига кўра, ҳарбий оила вакиллари оила ва жамоада қанчалик эпчил, чаққон ва уддабурон эканликларини амалда намойиш қилишлари керак эди. Шу боисдан ҳам мусобақада иштирок этаётган ҳар бир оила аъзолари берилган барча шартларни астойдил бажаришга ҳаракат қилдилар.

Мусобақа сўнггида беллашув натижалари эълон қилинди. Унга кўра офицер Улуғбек Бобожонов оиласи энг юқори кўрсаткичга эришиб, мусобақа ғолиби, деб эълон қилинди. 2-ўринни кичик сержант Фаррух Муйдинов, 3-ўринни эса капитан Бахтиёр Юлдашевлар оиласи эгаллаб, ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Гулнора МУРОДОВА.**







## ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

Яқинда Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасида округ ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси ҳамкорлигида ўтказилган йиғинда ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш самарадорлигини ошириш, ҳарбий оила бекаларининг маданий-маърифий, маънавий ва ҳуқуқий билимини юксалтиришга яқиндан ёрдам бериш, ҳарбий оилаларда тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, аёлларнинг бўлажак Ватан посбонларини тарбиялашдаги ўрни ва ролини кучайтириш борасида сўз юритилди.

Мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими подполковник Дониёр Бегалиев, округ ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи Жамила Ғаниеванинг маърузалари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

– Ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоғи бўлиш қай даражада шарафли бўлса, шу даражада масъулиятли ҳам, – дейди бўлинма етакчиси. – Шунингдек, ҳарбий оилада вояга етаётган ўғил-қизлар ҳам хонадон нуфузига хос фарзандлар бўлиши лозим. Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад ҳарбий хизматчи ва унинг оиласи шаънини асрашда аёлнинг роли, бу борада ҳарбий оила бекаларига қўйиладиган ўзига хос талаблар ва фарзанд тарбиясига эътибордир. – Аввало биз ҳарбий оила бекалари яқиндан танишдик, ўзаро фикрлашдик. Оилада тинчлик-хотиржамлик, иноқлик бўлсагина умр йўлдошларимизнинг хизматида унум бўлади. Тадбирда бу борада ўринли фикрлар билдирилди. Ўйлайманки, бундай тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилса мақсадга мувофиқ бўлар эди, – дейди ҳарбий оила бекаси Зебо Сариева.

**Зарина НИШОНОВА.**

# МАСЛАҲАТ

Правила дорожной безопасности

## ТЕОРИЯ, ПОМНОЖЕННАЯ НА ПРАКТИКУ

**По утверждению врачей, каждый третий пациент травматологических пунктов получает травмы вследствии дорожно-транспортного происшествия. Чаще всего из-за несоблюдения элементарных правил перехода проезжей части.**

Вот почему в ходе завершившегося недавно месячника безопасности дорожного движения особенное внимание было уделено вопросам правовой грамотности населения. Зачастую, как уверены медики, большинство тяжелых травм можно было бы избежать при условии четкого следования потерпевшими требований ПДД.

С целью доведения до всех норм и требований дорожной безопасности представители органа Харбий Автомобил Назорати в регулярном режиме организовывают лектории по их разъяснению в частях и подразделениях, образовательных и дошкольных учреждениях Министерства обороны. В ходе занятий большой интерес слушателей вызывает отработка соответствующих дорожных ситуаций на практических примерах.

– Макеты городков с оживленными перекрестками, – рассказывает начальник ХАН Ташкентского гарнизона майор Мурад Фазылов, – позволяют варьировать необходимые условия задач как для пешехода, так и водителя. Условные водители и пешеходы меняются ролями на занятиях, приучаясь, таким образом, в игровой и максимально доступной форме взаимной учтивости, уважению к ПДД, безопасности на дороге.

Организованные в воинских гарнизонах городки ПДД также содействуют приобретению навыков поведения у проезжей части, на пешеходном переходе со светофором и без него, обучают порядку пользования пассажирскими транспортными средствами. Неоценимую роль в привитии необходимой дорожной культуры оказывает изучение требований дорожных знаков.

– Благодаря занятиям по Правилам дорожного движения, – говорит рядовой Гайбулла Умаров, – я и мои сослуживцы, Бехзод Маннанов, Искандар Инамов, Шахрух Закиров и другие, узнали очень много полезного. Родом я из сельской местности, вот почему интенсивное дорожное движение в столице для меня непривычно. Насыщенный мощными автомобилями транспортный поток города даже пугал меня. Теперь, четко следуя отработанным на занятиях ПДД правилам, я буду уверенно чувствовать себя на дороге.

Благодаря завершившемуся месячнику безопасности дорожного движения каждый слушатель, несомненно, обогатился теоретическими знаниями, помноженными на практический опыт.

Доброго пути, пешеход и водитель!

**Капитан Мирза ХАСАНОВ.**

## ЕРНИНГ ҲИМОЯ ҚОБИҒИ

Оламда катта-кичик, олис-яқин сайёралар кўп. Аммо улар орасида Ер сайёраси ҳаммасидан ҳам кўра мукаммал, мўъжизавий бўлса керак. Бунда, албатта, унинг ҳимоячиси – атмосферанинг катта ўрни бор. Келинг, шу ўринда атмосферага қисқагина таъриф бериб ўтсак. Атмосфера – газсимон қобиқ бўлиб, ҳаёт учун бениҳоя зарур бўлган бирликдир. У ерга физикавий, кимёвий, биологик таъсир кўрсатиб, ундаги намлик ва иссиқликни тартибга солиб туради. Атмосфера еримизнинг ҳақиқий ҳимоячисидир. Айнан ана шу ҳимоя қобиғи тирик организмларни турли ультрабинафша нурлар, коинотдан келадиган метеоритларнинг зарарли таъсирларидан асрайди.

Ердаги ҳаёт қуёшсиз қандай бўлишини тасаввур қилиш қийин. Аммо ана шу севимли офтоб нурлари ҳам радиацияга эга. Атмосфера эса бу радиациядан ерни ҳимоя қилади. Агар атмосфера бўлмаганида эди еримизда ҳам худди ойдаги каби ҳаёт бўлмасди. Ер юзаси кундузи 100 даража қизиб, тунлари 100 даража совуқ бўларди.

Ерда тараққиёт илгариламоқда. Бу албатта яхши. Шу билан биргаликда йирик саноат корхоналари ернинг ҳимоя қобиғи саналган атмосфера ҳавосининг ифлосланишига ҳам сабаб бўлмоқда. Бундай ифлосланиш инсон ҳаётига, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Аслида, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши икки йўналишда бўлади. Биринчиси, табиий йўналишда бўлиб, бунга космик чанглар, вулқонлар отилишидан, тоғ жинслари ва тупроқ қулашидан вужудга келадиган моддалар, ўсимлик ва ҳайвон қолдиқлари, ўрмон ва дашт ёнғинлари, денгизлар қуриши натижасида ҳавога чиққан туз зарралари (қурғоқчилик офати) сабабдир. Шуниси ҳам борки, атмосфера таркибидаги чанглар ердаги жараёнлар учун фойдали ҳам саналади. Улар меъёридан ортиқ бўлсагина ҳалокатларга сабаб бўлиши мумкин.

Сунъий ифлосланишга саноат тармоқлари, транспорт ва тураржойларни иситишда фойдаланиладиган ёқилғилар сабаб бўлади. Натижада ҳаво таркибида карбонат ангидрид, ис гази, азот, олтингугурт оксидлари, хлор, фосфор, фенол, фтор ва ҳоказолар меъёридан ошиб кетади. Бу эса инсон саломатлигига салбий таъсир қилиб, баъзи юқумли касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Айниқса, карбонат ангидрид миқдорининг ортиши қуёшдан келадиган қисқа тўлқинли нурларнинг ерга ўтишига тўсқинлик қилади, натижада сайёрамиз юзасидаги ўртача ҳарорат ортиб кетиши мумкин.

Дунё олимлари олиб борган тадқиқот натижаларига кўра ер юзида ҳаво ҳароратининг ортиб бориши музликларнинг эришига сабаб бўлиб, қуруқликнинг катта қисми сув остида қолиши хавфини туғдирар экан.

Атмосфера ўз-ўзини табиий тозалаш жараёнига ҳам эга. Ундаги ёғингарчиликлар ифлос моддаларни ювади, шамоллар эса ҳаводаги ифлос моддаларни учириб, бир жойда тўпланишига йўл қўймайди. Тупроқ ёки сув юзасига тушган ифлос моддалар реакцияга киришиб, нейтраллашиб қолади. Бироқ, сунъий ифлосланишни тозалаш бирмунча мураккаброқ. Шундай экан, унинг олдини олиш яхши эмасми?!

Сунъий ифлосланишнинг олдини олиш ҳам инсоннинг ўз қўлида. Масалан, йирик саноат корхоналарида тутун чиқарувчи трубаларни баландроқ қилиб ўрнатиш ундан чиқадиган чанг ва газлар кенг майдонга ёйилиб, концентрация миқдори камайишини таъминлайди. Чиқитсиз технологияларни жорий этиш ҳам яхши самара беради. Шуниси аҳамиятлики, кабелни синтетик қоплама билан ўрайдиган технологиянинг жорий этилиши натижасида атмосферага қўрғошин чиқишига барҳам берилди. Бундан ташқари яшил ўсимликларни кўпайтириш атмосфера ифлосланишининг олдини олишда қўл келади. Мухтасар қилиб айтганда, бебаҳо саналган, биз кўп ҳам қадрига етавермайдиган табиатнинг ноёб неъматини асраб-авайлаш ўз қўлимизда. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, табиатга оқилона муносабатда бўлиш ҳар биримизнинг келгуси авлодлар олдидаги бурчимиздир.

**Фаррух ИСМОИЛОВ,**
**Маҳмуд ИЛҲОМОВ.**

## СУВНИНГ СИР-СИНОАТЛАРИ



Чанқаган бир инсонга сув тутсак уни ичиб чанқоғи босилгач, «Сувдек сероб бўлинг», дея миннатдорчилик билдиради. Бунда ҳикмат бор. Қадим Шарқ файласуфлари олов, сув, ҳаво ва тупроқ тимсолида ҳаёт ибтидосини кўра билганлар. Кўҳна Римда эса сувга тирик жонзотга муомала қилгандек муносабатда бўлиб, ҳатто унга руҳий покланиш учун эътиқод ҳам қилишган. Шунчаки назар ташлаганда, сув истеъмол қиладиган кўплаб неъматлардан бири, аммо масалага чуқурроқ ёндашилса, сув инсон ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга эканлиги аён бўлади. Тадқиқотларга кўра, инсон вужудининг 70 фоизи (коинотнинг 71, ўсимликларнинг эса 90 фоизи) сувдан иборат экан.

Яъни, инсон танасидаги сув миқдорининг 70 фоизи ҳужайра шаклида, қолган 30 фоизи сув лимфалари ва қон плазмалари таркибида бўлади. Қизиғи шундаки, одам очликка бир ойдан ортиқ чидаса, сувсизликка атиги бир неча кунгина тоқат қила олади. Организмдаги сув миқдори 2 фоизини йўқотса, одам чанқайди. Бу миқдор 8–10 фоизга етганда ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Ичимлик сувига бўлган талаб овқатланиш тартиби, меҳнат фаолияти, киши ёши, соғлиғи, яшайдиган макон иқлимига бевосита боғлиқ. Шундай бўлса-да ҳар қандай организм кунига 2–3 литргача сувга эҳтиёж сезади. Бироқ, талабнинг бир қисмини шарбат, озиқ-овқат маҳсулотлари орқали қондиришга ҳам аҳамият бериш зарур.

Чақалоққа она сути баробарида сув бериб турилиши ҳам бежиз эмас. Масалан, немис олимлари сув кўп ичадиган талабаларнинг фикрлаш қобилияти, сувни камроқ истеъмол қиладиганларга қараганда, бирмунча юқорироқ бўлишини аниқлашган.

Бундан ташқари нохуш ҳолатлар гирдобига тушганимизда сокингина оқаётган сойни қўмсаймиз ва юз-қўлимизни муздек сувга ювиб, қалбимизни ғубордан тозалаб, енгил тортамиз. Ёинки, «ёмон тушни сувга айтишда» ҳам биз билмаган сир-синоат бор.

Бундай сир-синоатларни ўрганишга киришган мутахассисларнинг таъкидлашича, тўлиб-тошиб оқаётган дарё-ю, денгиз-уммонлардан тортиб, ҳар куни истеъмол қиладиган сув ҳам инсон вужудидаги ёвуз қувватларни, ёқимсиз, салбий таассуротларни ўз бағрига тортиб олар эмиш. Ҳатто денгиздаги сув тошқинлари ҳам табиий ва энергетик манба асосида юз берар экан. Сувнинг бундай «ғазаби»ни енгишга, уни тозалашга кимёвий унсурлар, замонавий кашфиётлар ҳам ожизлик қилиб, у фақатгина музлаш ва буғланиш асосида покланаркан. Бу ҳам сувнинг ўзига хос хислати бўлса, ажабмас. Машҳур океанолог Жак Кусто «Ер – ҳаммамизнинг умумий уйимиз, сув эса унинг қон томиридир», деган экан. Биламизки, томирдаги қон бузилса, тана касалликка чалинади, инсон оғир аҳволга тушади. Шундай экан ҳаётимиз, тириклигимиз бевосита сувга бориб тақалар экан, уни келажак авлодларга тоза ҳолда, булғамасдан етказишга ҳаракат қилмоғимиз шарт.

**Дилфуза РЎЗИЕВА.**

Сўраган эдингиз

## ЕР УЧАСТКАСИ ОЛИШИМ МУМКИНМИ?

**Туғилиб, ўсган жойимда якка тартибда уй-жой қурадиган бўлсам, ер участкаси олишим учун қандайин имкониятим бор?**

**Кичик сержант**
**Д. ҲАКИМОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисида Низом ҳамда Мудофаа вазирининг буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик йўриқномадан мазкур саволга жавоб топиш мумкин.

Аниқроғи ушбу йўриқноманинг 5-моддасида ҳарбий хизматчининг аризаси ва Мудофаа вазирлигининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига йўлланадиган илтимосномаси орқали унга квартира ажратилиши ўрнига якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкалари ўрнатилган тартиб асосида жойларда бепул асосда берилиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, уй-жой шароитларини яхшилаш ўрнига ҳарбий хизматчиларга уларнинг аризаси бўйича, белгиланган тартибда ер участкаси ҳам берилиши мумкин.

Ер участкасини ўзлаштириш даврида ҳарбий хизматчилар ва унинг оила аъзоларига икки йилгача бўлган муддатда хизмат квартираси сақлаб қолинади.

**И. ҚУРБОНОВ**
**тайёрлади.**

## ЭЪЛОН

**Мудофаа вазирлигининг Марказий матбуот органи «Ватанпарвар» газетаси таҳририяти соҳа бўйича муайян тажрибага эга фотомухбирларни ишга таклиф этади.**

**Мурожаат учун телефонлар: 256-04-90, 256-04-60.**

# ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

## МОЛ ДУНЁ ВАСВАСАСИ

Бугун эр-хотиннинг орасидан яна оламушук ўтди. Аммо бу сафарги жанжал йигирма йиллик рўзғорнинг барбод бўлиши-ю, бўйи етиб қолган тўрт нафар фарзанднинг тирик етимга айланиши билан якун топди. Бунга сабаб, оила бекаси бўлмиш Заҳронинг эрига қўйган қатъий талаби бўлди.

Оила бошлиғи Абдусамат ака қурувчи уста. Ишдан бўш пайтлари ҳовлисидаги ердан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Хотини Заҳро эса бозорга чиқиб, олди-сотди билан шуғулланади. Бозорда юриб чет элга қатнайдиган танишларининг бизнесдаги омадини кўрган аёл эрини ҳам шу соҳага тортишга ҳаракат қилиб кўрди. Аммо бундан наф чиқмагач, танишларига қўшилиб ўзи чет элга қатнашга қарор қилди. Бироқ бунинг учун каттагина сармоя зарур, албатта. Шундай қилиб, унинг тили билан айтганда, бизнесда қоп-қоп пул топаётган дугоналаридек бўлиш васвасаси рисоладагидек оилага жанжал олиб келди.

– Менга пул топиб берасизми, йўқми?

Бозорга жўнаш учун шошилиб кийинаётган Заҳро эридан сўради.

– Яна тонг саҳардан дийдиёнгни бошладингми? – Ётган жойидан туриб «уҳ» тортди Абдусамат ака. – Сен айтган пулни топиш учун бойвачча ака-укаларим бўлмаса. Ҳаммалари биз қатори тирикчилик ўтказаётган оилалар. Ўзим оддий қурувчи уста бўлсам. Айт, қаердан топай ўшанча пулни?

– Маҳалладаги пулдор казо-казоларни жуда яхши биласиз. Ана ўшалардан бир ой муддатга олиб беринг.

– Сен айтган ўша казо-казолар ўз тенги билан муомала қилади. Пулининг ўрнига асос қилиб кўрсатиб тургани енгил машинам, данғиллама уйим йўқ менинг. Берган тақдирда ҳам Худо кўрсатмасин бозоринг юришмай, қарз бўлиб қолсак борми, шунча пулни мен юз йилда ҳам тўлай олмайман. Ке, яхшиси чет элга қатнаш ҳақидаги хом-хаёлларингни йиғиштир. Шу тирикчилигимиз ҳам ёмон ўтаётгани йўқ.

– Мен ҳали иш бошламай туриб ёмон ният қилаяпсизми? – Овозини бир парда кўтарди ранги бўзара бошлаган Заҳро. – Қанақанги отасиз. Ҳеч бўлмаса бўй етиб қолган ўғил-қизларингизни уйлаб-жойлаш учун қанча мол-дунё кетишини ҳеч ўйлаб кўрдингизми?

– Рўзғордан ортганини сандиққа босяпсан-ку. Яна нима керак сенга? – зарда билан бақирди Абдусамат ака ҳам.

– Менга пул керак, пул. Эркакмисиз ўзи...

Хотинининг нафсониятга тегувчи сўзларидан сўнг мушт бўлиб тугилган қўллар кўтарилди...

Неча ойлардан буён давом этиб келаётган бу можарога нуқта қўйиш мақсадида Абдусамат ака ўз назарида «эркакча» йўл тутди, тўнини елкасига ташлади-ю, оиладан бош олиб чиқиб кетди. Яъни «бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўйилди».

Эрининг оилага қайтишини бир оз вақт кутган Заҳро рўзғорни бошқариш энди ўз зиммасига тушганлигини англаб етгач, режалаштирган «катта иши» учун ўзи ҳаракат қила бошлади. Таниш-билиш, маҳалла-кўйдаги ўзига бақувват оилаларга пул дардида бир-бир бош суқиб чиқди. Аммо кўнгил учун айтилган «пул бўлиб қолса...» қабилидаги ваъдалардан ўзга нарсага эга бўлолмади. Шундай кунлардан бирида бизнесмен бўлиш илинжида ўзини ҳар томонга уриб юрган аёл учун умид чироғи ёқилди. Назира исмли бозорчи дугонасининг қўшни маҳаллада истиқомат қилувчи Аброр ака аталмиш бадавлат таниши бўлиб, у аёл киши билан олди-берди қилишни хушламаса-да, гўзал қизу жувонлар учун бағри очиқ одам эканлигини орқаваротдан эшитган эди. Назира ўзининг номини аралаштирмасликни илтимос қилиб, Заҳрога пул ундириш йўллари ҳақида маслаҳат берди.

Кунботарда бозордан қайтган Заҳро сумкалар билан дарвозадан кирган заҳоти нафас ҳам ростламай:

– Дилдор, Дилдора-а, қаердасан? – дея катта қизини чақира бошлади. Ошхонадан шошиб чиққан Дилдора онасига салом бериб қўлидан сумкаларини олар экан, – бўл, тезда чиройли кийиниб ол. Бир жойга ўтиб келамиз, – деган шошилинч буйруқдан ажабланиб, бир оз савол назари билан термулиб турди-да, қаергалигини сўраш ортиқча эканлигини тушуниб, индамай кийингани кириб кетди.

Усти-бошларини тартибга келтирган Заҳро қизи Дилдора билан қўшни маҳаллага йўл олди. Улар ҳашаматли бино ёнига етиб келишгандагина Дилдора онасини бу ерга пул дардида келганлигини англаб етди. Заҳро ўзини бир оз қўлга олгач, нақшинкор дарвозага ўрнатилган қўнғироқ тугмасини авайлабгина босди. Ҳеч қанча фурсат ўтмай эшик очилиб ёши элликлардан ошиб қолган, салобатли хонадон соҳиби Аброр ака дарвоза ёнида пайдо бўлди...

Заҳро умри давомида ўзини бунчалар бахтиёр ҳис қилмаганди. Мана, ниҳоят ниятига етди, каттагина сармоя тегди қўлига. Бадавлат бу инсонга бозорда кун бўйи хаёлан тайёрлаб, такрорлаб юрган сўзлари таъсир қилдими ёки оҳудай ҳуркиб турган хушсурат қизини кўрсатиб, «Ўғил-қизларим доим хизматингизда», деган гаплари эритдими, ёҳуд Заҳронинг оиласи билан танишиш давомида қасрдай уй-жойининг тикланишида эри уста Абдусамат аканинг ҳам меҳнати сингганлиги ёдига тушдими, ҳар қалай уч ой муҳлатга устамасиз қарз берди.

«Уч ой ичида бу маблағдан фойдаланиб, қанча пул жамғариб олишим мумкин», ўйлагани сари ҳаяжони тошиб кетар, ўша лапашанг эрию, баъзи бурни осмондаги бизнесменларга ўзини кўрсатиб қўйишга шошиларди аёл. Лекин бизнес оламининг ўзига хос сирли қонун-қоидалари борлигини, бу олам барчани ҳам бағрига хушнудлик билан қабул қилавермаслигини англаб етмасди у...

Дилдора бугун ҳар галгидан-да эрта турди. Чунки савдо билан чет элларга кетган онасининг бугун қайтадиган куни. Тонг саҳарлаб уй ичи, ҳовлиларни ҳафсала билан тозалади, нонушта тайёрлаб акасини ишга, укаларини мактабга кузатди. Тушга яқин ҳовлига берилиб сув сепаётган Дилдорани кимдир чақиргандек бўлди. Кўча эшиги томонга қараган қиз очиқ дарвоза ёнида турган Акмални кўриб, қалбини эгаллаган сеҳрли ҳаяжондан аллапечук бўлиб кетди. Бир қўлида велосипед рулини, бир қўлида бир даста китоб кўтариб олган йигитнинг ҳолати ҳам Дилдораникидан ўзгача эмасди.

– Келинг, Акмал ака, ўзини қўлга олиб салом берди у.

– Яхшимисиз, Дилдорахон? Мана, ўқишга тайёрланишингиз учун зарур бўлган китоблар, тест саволлари олиб келдим.



Пединститутга ҳужжат топшириб, имтиҳондан ўта олмаган қиз учун йигитнинг бу меҳрибонлиги бир томондан таянч бўлса, иккинчи томондан у билан учрашиш учун баҳона ҳам эди. Йигит узатган китобларни олмоқчи бўлган Дилдора қўлидаги челагини ҳамон кўтариб турганидан юзидаги қизиллик янада ортди.

– Кейинги йили ўқишга кира олармиканман?, – китобларни олар экан, ноумидлик билан гапирди Дилдора.

– Албатта кирасиз. Шунинг учун тайёрланишни қанча эрта бошласангиз, шунча яхши. Яна қандай китоблар зарур бўлса мен ҳаммасини топиб бераман.

Акмал кетиш олдидан китобларни бағрига босиб турган қизга меҳр билан термулиб:

– Китоблардан бирининг ичида хат бор, – деди аста.

Йигит кетгач, уларнинг суҳбатини худди бирор кимса эшитиб тургандек Дилдора тўрт томонга ҳадик билан қараб қўйдида, хатни тезроқ очиб ўқиш учун ичкарига шошилди. Шу топда ундан-да бахтиёр инсон йўқ эди, дунёда. Тўғри-да, келишган, одобли, яна икки йилдан сўнг шифокорлик дипломини қўлига оладиган бўлажак жарроҳ йигитга қайси қизлар ошиқ бўлмаган дейсиз.

...Савдодан қайтган Заҳро бир ҳафта деганда бошини кўтарди. Қаттиқ сиқилмоқдан куйиндига айланган чеҳраси кўкимтир кўринар, бор жамғармасидан бир зумда мосуво бўлганига ақли ишонмасди уни. Шошқалоқлиги, уқувсизлиги савдода панд берганлигини ҳамон тан ололмасди аёл. «Қарзга олинган пулни қайтариш муддатининг деярли ярми ўтди», хаёлига келган бу ҳақиқат Заҳрога чақмоқдек таъсир қилиб, фикрини тиниқлаштирди. «Оёққа туриб, қандай бўлмасин пул топишим керак», қасаллигини ҳам бир зумда унутаёзди у.

Икки-уч кун деганда ўзини қўлга олган аёл бозордаги олди-соттисини танишлари ёрдамида йўлга солди. Аммо бундан топилган фойда рўзғор тебратишгагина ярарди, холос. Унинг назарида кунлар шу қадар тез ўтардики, ҳеч қанча фурсат ўтмай пулни қайтариш лозим бўлган ноябрь ойининг сўнгги кунлари ҳам етиб келди. Ҳеч жойдан нажот топа олмаган Заҳронинг олдида фақат бир йўл турарди. Яъни, яшаб турган ҳовлисини сотиб, пулни қайтариш. Чунки уплаган жойидан узадиган, қатъиятли Аброр акадан яна мурувват кутиб бўлмаслигини яхши биларди у. Лекин қиш қаҳратони эшик қоқиб турган бир паллада бошқа жойга кўчиб ўтишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бироқ ўзга чора ҳам йўқ. Шу онларда эри Абдусамат аканинг ўрни илк бора унга жуда билинди. У топган-тутганини танишларидан фарзандларига юбориб турган бўлса-да, қаерда яшаб юрганлиги ҳалигача номаълум эди.

Заҳро ижарага уй излаб ҳориб қайтган бир пайтда, ҳовли дарвозаси тақиллади.

– Дарвозага қара қизим, аканг келганга ўхшайди, – китоб ўқиб ўтирган Дилдорага буюрди онаси.

Дарвоза эшигини очган қиз эшик олдида турган салобатли одамни дарҳол таниди-ю, худди Азроилни кўргандек, чўчиб тушди. Орқага бир қадам чекиниб зўрға салом берди-да:

– Ойи, сизни сўрашаяпти, – деб меҳмонни ичкарига таклиф қилишни ҳам унутиб, ўзига суқ билан тикилиб турган нигоҳлардан тезроқ қутулиш мақсадида ичкарига шошилди. Қизининг ҳолатидан гап нимадалигини тушунмаган Заҳро дарвоза ёнига шитоб билан борди-ю, Аброр акага кўзи тушиб, оёқ-қўли бўшашиб кетди. Салом берар экан, вужудини эгаллаган қалтироқни билдирмасликка ҳаракат қилиб:

– Келинг Аброр ака, саломатлигингиз яхшими, уй-ичилар тинчми? Ичкарига киринг, – дея уни қайта-қайта таклиф қилди.

Меҳмон ташқаридан қайтмоқчи бўлган чоғи, дарвоза ёнида турган машинасига бир-икки қараб қўйди-да, негадир ичкарига киришни лозим топди.

– Дилдор, Дилдора-а, тезда меҳмонхонага кўрпача тўша, – шошилиб қизига буюрди Заҳро.

Бу орада Аброр ака ҳовли саҳни, уйларга зимдан назар солиб чиқди. Заҳронинг таклифи билан меҳмонхонага кирар экан, унинг нигоҳи энди дастурхон тўғрилаш билан банд бўлган Дилдорадан узилмасди. Меҳмоннинг қизига бўлган эътибори она назаридан четда қолмади, албатта. Аброр ака узоқ ўтирмади. Заҳро билан нималарнидир келишдида тезда ортига қайтди.

Дилдора шу куни туни билан яхши ухлолмади. Кўзини юмди дегунча айқаш-уйқаш тушлар кўриб, зим-зиё қоронғулик қаърида унга чанг солмоқчи бўлаётган қора шарпалар тажовузидан уйғониб кетаверди.

Фақат тонгга яқин кўзи илиниб дадасини туш кўрди. У Дилдорага қордай оппоқ келинлик либосини келтириб, «Шуни тезда кийиб ол, қизим», дер эмиш. Севиниб кетган Дилдора уни кийгач, пардай енгил бўлиб самода учиб юрган эмиш. Туши якун топмай онасининг:

– Тур, турақол қизим, вақт алламаҳал бўлиб қолди. Мен бозорга кетаяпман, – деган товушидан уйғониб кетди. Кўрган тушининг таъсирида бир оз ўйланиб ётди. Дадасини эслаб кўзидан соғинч ёшлари қуйилди. «Оқлик яхшилик аломати. Балки дадам тез орада оиламизга қайтар», ичидан севинди у. «Дадам қайтгач, балки Акмал акамларникидан...» Ҳа, у тушидаги келинлик либосини совчилар бўлиши мумкин, деб ҳам ўйлади. Аммо негадир қалбининг ич-ичидаги қоронғулик тарқамасди. Бу ҳолатни қўрқинчли тушларининг касрига йўйди,у.

Онасини кеча келган меҳмон билан қандай қарорга келганлиги эса Дилдорага номаълум эди ҳали. Заҳро Аброр акадан яна икки ҳафтага муҳлат олди. Яъни, янги йилгача қарзини қайтара олмаса, олган пули эвазига эндигина ўн етти ёшга тўлган қизи Дилдорани унга беришга ваъда берган эди. Аёлнинг бу қарорини пулдор эркак мамнуният билан қабул қилди. Заҳро энди ҳовлисини сотиш ҳақидаги ҳаракатидан воз кечди. Аммо ноумид шайтон, деганларидек яқин-йироқ, таниш-билишларидан тиним билмай пул сўради. Лекин натижа чиқмади. Бу орада қарзи туфайли Аброр акага берган ваъдаси тўғрисида Дилдорага сўз очмоқчи ҳам бўлди. Бироқ орзулари бир олам, маъсум чеҳрали қизининг беғубор кўзларига нигоҳи тушиши билан ундаги журъатдан асар ҳам қолмасди.

Эски йилнинг сўнгги кунида кечга томон яна Аброр ака келди. Бу сафар у жуда қатъиятли эди.

– Мен янги йилга омадсизлигу қарз ўтишини истамайман. Қарз берган танишларимнинг олдига ҳеч қачон ўзим бормаганман ҳам, – у ичкарига кирмай ҳовлида туриб гапирарди Заҳрога. – Шунинг учун ўртамиздаги муомалани ҳал қилиб кетгани келдим.

Заҳро ўзидаги бор журъатни қўлга олиб, қизини чақирди. Ошхонадан чиққан Дилдора онасига савол назари билан қараб турар экан, Заҳро унинг олдига шитоб билан борди-ю, билагидан ушлаб Аброр аканинг олдига етаклаб келди.

– Ўша ваъда, ваъда. Рози бўлсангиз, мана қизим сизники, – деди қатъийлик билан. Нима гаплигини тушунмай ранги бўздай оқариб кетган Дилдора эса:

– Ойи нима деяпсиз, нималар деяпсиз, – дея қалтираб турарди.

– Яхши, мен розиман. Фақат қизингизга ҳам тушунтириб қўйинг. Ортиқча гап-сўз бўлмасин. Эртага икки киши билан келиб, никоҳ ўқитиб олиб кетаман, – бошқа сўз қўшмай чиқиб кетди у.

Дилдора бу ишлар тушида бўлаяптими ёки ўнгида, англай олмасди.

– Ойижон менга раҳмингиз келсин, бу ишни қилманг, – онасининг оёқлари остига ташлади ўзини.

– Нега ҳовлида айюҳаннос солаяпсан. Қўни-қўшнилар эшитса нима дейди, – қизини судраб уйга олиб кирди Заҳро. – Берсам фақат ўшанга бераман. Камбағал отангга тегиб мен нима кўрдим, менинг қийналаётганим ҳам етади. Сен мол-дунё ичида яшайсан.

– Менга мол-дунё керак эмас. Дадамдан катта, неваралик одамга тегканимдан ўлганим яхши. Менга раҳмингиз келсин, – онасининг этакларига ёпишиб, зорланиб йиғларди Дилдора.

Аммо шайтонга шерик бўлган онага заррача бўлсин бу ҳолат таъсир қилмади. Тирик мурдага айланган қизини ичкари уйга олиб кириб «бироз ўзингга келиб ол, кейин эшикни очаман», дея устидан қулфлаб қўйди. Қилаётган бу иши тўғрисида эса яқинларини ҳам огоҳлантирмади. «Бошимга ташвиш тушганда ким менга ёрдам берди. Қиз меники, уни хоҳлаган одамга беришга ҳаққим бор», – ўзини ҳақ деб ўйларди Заҳро. Туни билан ҳайкалдек забонсиз қотган қизининг олдига кириб узундан узоқ насиҳатлар қилди. Унинг назарида қизи анчайин кўниккандек эди.

Эртасига Заҳро бозорга бормади. Тўғрироғи, қизидан йироқлашгиси келмади. Ҳамма янги йил тараддуди билан банд, одамлар бир-бирини байрам билан қутлаётган бир пайтда Дилдора умри тугаётган бемордек ўтирарди. У нажоткори сифатида онаси билан тортишиб қолиб, икки кундан буён уйга келмаётган акасини интиқ кутди. Аммо бу ерда бўлаётган ишлардан бехабар акасидан ҳамон дарак йўқ. Онаси эса яна саноқли соатлардан сўнг тақдири ҳал бўладиган қизининг ҳар бир қадамини назорат қилиб турибди. Дилдора сўнгги бор ўзини қўлга олиб, ошхонада нималардир пишириб куймаланаётган онасининг олдига кирди. Унга қарашгандек бўлди-да, чўнтагига гугурт солиб ошхона биқинидаги омборхонага ўтди. У ерда акаси келтириб қўйган бензин Дилдора учун бу чорасизликдан қутулишнинг ягона йўли бўлиб кўринди.

Орзулари ўзидек гўзал, фаришта мисол қизни олов қиёфасидаги маккор шайтон бағрига босиш учун интиқ кутаётган бир пайтда, кўча эшик томондан таниш товуш эшитилди. Беихтиёр Дилдоранинг қўлидаги гугурт сирғалиб ерга тушди. Ягона таянчи, нажоткори Абдусамат ака ўз густоҳлигини тушуниб етиб, янги йил арафасида, қизининг ҳаёти учун сўнгги дақиқалар бўлган бир пайтда фарзандлари бағрига қайтганди...

**Зулфия ЮНУСОВА.**

# ТУРФА ОЛАМ

## АНТИҚА «ТОПИЛМАЛАР»

Акула нафси ҳакалак отган улкан сув жонивори эканлигини яхши биламиз. У шунчалик очофатки, нима тўғри келса ютиб юбораверади.

Унинг ошқозонидан нималар топилмаган дейсиз?! Яқинда The Times газетаси 200 йил давомидаги энг антиқа «топилма»лар рўйхатини эълон қилди.

Мисол учун: 1821 йили денгизчилар акулани тутиб, қорнини ёриб кўришганида доллар тангалари топилган. Орадан икки йил ўтгач овланган акула ошқозонидан эса битта бутун қўйнинг ва қўзичоқнинг боши ҳамда оёғи чиқади. Худди шу йили наҳанг ошқозонида яна олти фунтлик замбарак ўқини ҳам топишган. Тахминларга кўра, уни жасадга маҳкамлаб, денгизда кўмиш учун мўлжаллашган. Наҳанг бўлса ўликни барча «юки» билан ютиб юборган.

«Ютландия» номли кема палубасидаги машинистнинг ғози довул вақтида йўқолади. Ғознинг панжаларида эгасининг манзили ва исми ёзилганди. Наҳанг «омборхонаси»дан тирик ҳолда чиқариб олинган ғозни балиқчилар эгасига қайтариб беришади. У эса уни сўйиб, қовуриб еб юборади.

1922 йилда эса очкўз жонивор қорнидан денгиз тошбақаси чиқади. Шуниси қизиққи, у ҳали тирик эди. Денгизчилар бу тошбақани Нью-Йоркдаги денгиз аквариумига бериб юборишади. Сидней аквариумига олиб келинган тирик наҳангнинг қорнидан эса татуировка туширилган қўлни чиқаришади. Унинг шахси аниқланганида, ўлдириб денгизга ташлангани маълум бўлган.

«Нэнси» кемасидаги чўчқа тўсатдан денгизга тушиб кетади. Кема атрофида хўрак излаб юрган акула уни ютиб юборади. Бундан жаҳли чиққан матрослар бу очкўз маҳлуқни тутиб, қорнини ёришади. Буни қарангки, акула ошқозонидан чўчқа билан бирга «Нэнси» кемасининг ҳужжатлари чиқади. Кейин маълум бўлишича, капитан хонасида турган ҳужжатлар сувга тушиб кетган ва акула ютиб юборган экан. Шундай қилиб, чўчқа баҳонасида энг зарур ҳужжатлар сақлаб қолинади.



## ЭНГ ЯШОВЧАН ҲАШОРАТ

Япониянинг «Хонда» автомобиль концерни мутахассислари сувараклар ҳаракатини ўрганишга киришдилар. Мақсад – суваракларнинг қанчалик тез ҳаракат қилса-да, ҳеч қачон, ҳатто у ёқдан бу ёққа бурилган тақдирда ҳам бирор нарсага урилиб ёки йиқилиб кетмаслиги хусусиятини автомобилсозликда ҳам қўллаш мумкинмикан, деган тахминларни ҳақиқатга айлантиришдир.

Маълумки, суварак ўз ҳаракати давомида йўлидаги нарсаларни олдиндан сеза олади ва шунга мослашган ҳолда ҳаракатланади. Тиниб-тинчимас японлар суваракка хос бўлган ана шу «хислат»ларга эга бўлган автомобиль яратиш ниятидалар. Суваракларнинг жони шунчалар қаттиқ эканки, ҳатто атом бомбаси портлаганда ҳам улар қирилиб кетмас экан. Мутахассислар олиб борган тадқиқотлардан маълум бўлишича, боши олиб ташланган суварак яна 9 кун яшай олар экан. Шунда ҳам у фақат очликдан ўларкан. Суваракларга қирон келтирувчи дорилар ҳам маълум муддат ўтганидан сўнг самарасиз бўлиб қолаётгани бежиз таъкидланмайди.

**Ф. АЛИЕВА тайёрлаган.**

## ЯНГИ РЕКОРД

АҚШлик 13 ёшли қиз 1 ойда юборилган SMSлар бўйича дунё рекордини ўрнатди. Қизнинг отаси Рейн Хардест уяли телефон бўйича 440 бетлик ҳисобни олади. Унинг қизи ўтган йилнинг декабрь ойида 14528 матнли хабарни юборган.

«Аввалига бунақа бўлиши мумкин эмас, деб кулиб юбордим. Дарҳол ҳисоблагичда ҳисоблашга киришдим. Инсон шунча SMSни юборишга жисмонан қодирми, деб ўйланиб қолдим», дейди ота.

Хардестнинг ҳисоблашича қизи ҳар куни 484 та, аниқроғи ҳар икки дақиқада хабар жўнатган. Бахтли тасодифни қарангки, у лимитсиз тарифга уланган экан.




## НОЁБ ЭКСПОНАТ

Яқинда Лондондаги «Хоҳ ишонинг, хоҳ йўқ!» (Repley's belive it or not! Museim) деб аталган музей биноси олдида антиқа экспонат – дунёдаги энг митти автомобиль пайдо бўлди.

«Peel-50» русумли мазкур уч ғилдиракли транспорт воситаси «Manx Peel Engineering Company» корхонаси томонидан ўтган асрнинг 60-йилларида жуда кам миқдорда (тахминан 50 дона) ишлаб чиқарилган бўлиб, ўша вақтда ҳар бири 300 АҚШ долларидан сотилган. Бугунга келиб, «омон қолган» ана шундай мўъжаз автомобиллар 45 мингдан 75 минг долларгача баҳоланмоқда. Эътиборли томони шундаки, «Peel-50» энди ишлаб чиқарила бошланганида реклама менежерлари мазкур митти автомобилни тарғиб қилиб, унинг салонига ҳайдовчидан ташқари, харид қилинган нарсалар билан тўлдирилган халта ҳам сиғишини эълон қилишганди. Ушбу машина битта эшик, битта чироқ (фара) ва битта ойна артгич билан жиҳозланган.



## ОЙ НОМЛАРИНИНГ МАЪНОСИ

**Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида амал қиладиган тақвимнинг асосини қадимги Рим календари ташкил этади. Унга кўра, бир йил бор-йўғи 304 кундан иборат эди. Кейинчалик январь ва февраль ойлари қўшилиб 30 кунлик ойлар 29 кунга келтирилди. Шундай қилиб, Рим ҳисоби бўйича бир йил 355 кунни ташкил этадиган бўлди.**

Бу календарлар вақт ўтиши мобайнида нисбатан аниқроқ, мукаммалроқ тақвимларга ўрин бўшатди. Аммо, энг қизиғи, уларнинг кўпчилигида ҳали-ҳануз қадимги Римда қўллангани дек, ой ва йил номлари ишлатиб келинаётир.

**Январь** қадимги Римда йил ва вақт худоси бўлган Януснинг номидан олинган. Россияда илгари йил биринчи сентябрдан бошланар эди. 1700 йилдан бошлаб эса йил боши сифатида январнинг биринчи куни қабул қилинди.

**Февраль** қадимги Римда ўликлар тангриси Февруо номидан олинган. Бу икки ой, яъни январь ва февраль, Рим календарига ислоҳотдан сўнг жорий этилган. Унгача ойлар сони 10 та бўлган.

**Март** эса Рим шаҳрининг афсонавий асосчилари – Ромул ва Ремларнинг отаси, уруш илоҳи Марсу номидан олинган. Мазкур ой XV асргача йилнинг энг биринчи, XV–XVII асрларда эса еттинчи ҳамда 1700 йилдан бошлаб учинчи ойи ҳисобланади.

**Апрель** қадимги юнонлар эътиқод қилган севги-муҳаббат маъбудаси Афродита номидан олинган.

**Май** қадимги Римнинг қўрқинч, васваса ва сеҳргарлик илоҳи Майе номи билан аталади.

**Июнь** Қадимги Рим маъбудаларидан бири Юноне номидан олинган.

**Июль** Юлий Цезар шу ойда туғилгани муносабати билан унинг номига қўйилган. Бунгача мазкур ойнинг номи «Квинтилиси» (бешинчи) бўлган.

**Август** Рим императори Октавиан Августнинг шарафига ва унинг хоҳиши билан шу ном билан аталган.

**Сентябрь** лотинча «september» сўзидан олинган.

**Октябрь** лотинча «october» сўзидан олинган бўлиб, «саккизинчи ой» деган маънони англатади.

**Ноябрь** лотинча «november» сўзидан олинган бўлиб, у қадимги Рим календарида тўққизинчи ой эди.

**Декабрь** лотинча «desember» сўзидан олинган. Ушбу ой 1700 йилгача, яъни январь ва февраль ойлари қўшилгунга қадар ўнинчи ва сўнгги ой ҳисобланган.

**Мансур СОБИРҚУЛОВ тайёрлади.**

## ТЕРМОС

Слово «термос» уже так давно вошло в нашу речь, что никто и не помнит, откуда оно появилось. Да и про то, кто изобрел первый термос, практически никто не знает. А между тем название сосудов, сберегающих тепло, и название английской компании «THERMOS» не зря совпадают! Но вот что самое интересное: имя нарицательное «термос» произошло от имени собственного «THERMOS»! Именно так, а не наоборот!

А началось все в 1892 году, когда ученый сэр Джеймс Девар представил на суд почтенной публики сосуд с двойными стенками, из пространства между которыми был выкачан воздух. Что дало такое искусственное создание вакуума? А то, что внутренний объем сосуда, в плане температуры, практически перестал зависеть от температуры внешних стенок. Ведь проводить-то тепло нечему! Можно наливать в сосуд жидкость и быть уверенным, что его температура будет неизменной.

Конечно, на практике некоторые термоизолирующие колбы, сделанные по принципу «сосуда Девара», дают небольшую погрешность в сохранении температуры за счет того, что стенки внешней и внутренней колбы сливаются у горлышка. Но инженеры «THERMOS» за долгую историю компании научились побеждать как эту, так и многие другие проблемы.

Компанией «THERMOS» был проведен ряд исследований и в результате были созданы термосы с металлической (небьющейся) колбой с характеристиками удержания тепла лучше, чем у термосов со стеклянной колбой.

Испытание для настоящего термоса!



# TV ДАСТУР

## 20 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

### ЎЗБЕКИСТОН

Профилактика муносабати билан душанба, 20 апрель куни «O'zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55дан бошлайди.
14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Таҳлилнома».
15.40 ТВ-анонс.
15.45 «Ватанпарвар».
16.25 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Обод манзиллар».
16.50 «Очун».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 «Стандарт ва сифат».
«Болалар сайёраси»:
17.30 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.50 ТВ-анонс.
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
18.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қўриқхона манзаралари».
18.55 «Бир кун».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Адолат тарозиси». Т/с.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
20.50 ТВ-анонс.
21.00 «Ахборот».
21.30 Эркин мавзу.
21.50 «Довюрак самурай».
22.30 «Иқлим».
22.35 ТВ-анонс.
22.40 «Анна ва қирол». Б/ф. 1-қисм.
23.50 «Олам ва одам» дастури: «Сазиле тошбақалари».
00.15 Тунги наволар.
«Uzbekistan».
00.20 Кўрсатувлар дастури.
00.25 «Бир кун».
00.50 «Ҳаёт манзаралари».
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 ТВ-анонс.
01.35 «Обод манзиллар».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Очун».
05.40 Тонгги наволар.

### ЁШЛАР

Қадрли телетомошабинлар!
Профилактика муносабати билан 20 апрель куни «Yoshlar» телеканали ўзининг кўрсатувлар дастурини соат 14.55 дан бошлайди.
14.55 «Yoshlar» саломи».
15.00 «Камолот».
15.10 «Ўзбек адабиёти».
15.15 «Ранглар рақси».
15.55 «Ардоқ».
16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
16.10 «Илҳом қанотлари».
16.30 «Қувноқ оҳанглар».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Эртаклар оламида».
18.30 «Адабиёт дарси».
18.35 «Қишлоқдаги тенгдошим».
18.55 «Онажон қишлоғим».
19.30 «Баҳор таровати». Т/с.
20.20 «Бугундан эсдалик».
20.40 «Навбатчи».
20.50 «Мўъжизавий дунё».
21.10 «Қасамёд». Т/с.
22.30 «Ўзбек адабиёти».
22.35 «Автопатруль».
22.55 «Миллий мерос».
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Юрт тинчлиги».

### ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм «Олтин шаҳар излаб». 8-қисм.
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Тошкент—2200».
18.25 «Анонс».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Анонс».
18.55 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
19.20 Бизнес-«Пойтахт».
19.25 «Мусиқа SMS».
19.45 «Анонс».
19.50 «Интервью» /рус/.
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
20.20 Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан: «Тошкент ва тошкентликлар».
Бевосита мулоқот.
21.05 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.15 «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
22.50 Кино SMS со звездами.
22.55 Кино: «Пришельцы».

### СПОРТ

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан 20 апрель куни «Sport» телерадиоканали ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
18.55 «Диёримиз табиати». Ҳужжатли фильм.
19.10 «Азия лото».
19.55 Кураш. Ат-Термизий халқаро турнири.
21.00 «Футбол шарҳи».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
21.50 Интерфутбол.
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 21 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

### ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 Миллий сериал: «Тақдир йўллари».
7.40 «Икки дарё оралиғида».
8.00 «Ахборот».
8.35 «Довюрак самурай». Т/с.
9.15 «Изҳор».
9.20 «Маънавият» дастури.
10.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Наманган ширмойлари».
10.35 Наманган вилоят телерадиокомпанияси намойиш этади: 1. «Бугунги Ғирвон». 2. «2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Адолат тарозиси». Т/с.
11.50 «Ахборот» /инглиз/.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
13.35 «Андерсен эртаклари». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Яшил хазина».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.15 «Юртим бўйлаб» дастури: «Диёрим табиати».
16.25 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. «В. Моцарт».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Ҳудудлар ҳаёти».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.55 «ТВ-бизнес хабарлари».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Очун».
19.00 «Навоийни англаш».
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Адолат тарозиси». Т/с.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Муқаддас қадамжолар».
21.50 «Довюрак самурай». Т/с.
22.40 «Анна ва қирол». Б/ф. 2-қисм.
23.50 «Олам ва одам»дастури: «Яшил хазина».
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Навоийни англаш».

### ЁШЛАР

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00 «Ёшлар майдони».
7.35 «Мультипанорама».
7.45 «Ўзбек адабиёти».
7.50 «Илҳом қанотлари».
8.10 «Баҳор таровати». Т/с.
9.20 «Келажак эгалари».
9.30 «Шарқ дарвозаси».
9.35 «Соғлик — бойлик».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Ғолиб». Т/с.
10.50 «Афсона ва ҳақиқат».
Илмий-маърифий дастур.
11.45 «Мўйқалам сеҳри».
12.10 «Қасамёд». Т/с.
13.30 «Ёшлар майдони».
14.00 Миллий сериал: «Меҳмонжонлардан айланай».
14.40 «Ватанпарвар».
15.20 «Олтин тупроқ».
15.30 «Келажакка интилиб».
15.55 «Ардоқ».
16.10 «Умр баҳори».
16.30 «Ўтмиш хиёбони».
16.55 «Пойтахтим».
18.30 «Китоб — офтоб».
18.55 «Онажон қишлоғим».
19.30 «Баҳор таровати». Т/с.
20.20 «Футбол—2009».
20.50 «Мўъжизавий дунё».
21.10 «Қасамёд». Т/с.
22.30 «Ўзбек адабиёти».
22.35 «Автопатруль».
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.

### ТОШКЕНТ

18.05 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Тошкент—2200».
18.25 «Анонс».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Анонс».
18.55 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
19.20 Бизнес-«Пойтахт».
19.25 «Мусиқа-SMS».
19.50 «Саломат бўлинг» /рус/.
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
20.20 «Тошкент-2200» /рус/.
20.25 «Милагрос». Телесериал /рус/.
20.55 «Репортаж».
21.05 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.50 «Ягонамсан, Тошкентим!»
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.15 «Путешествие в Барселону». 2-я часть.
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
22.50 Кино SMS со звездами.
22.55 Кино: «Очарован тобой».

### СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тил.).
9.05 «Галактический футбол». Мультсериал.
9.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
9.50 «Футбол шарҳи».
10.20 Интерфутбол.
16.25 ФУТБОЛ. ОФК ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ. «СЕПАХОН» — «БУНЁДКОР».
Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
18.30 «Хабарлар» (рус тил.).
19.50 Кураш. Ат-Термизий халқаро турнири.
20.50 Оғир атлетика. Ўзбекистон чемпионати.
21.30 «Хабарлар» (узб. тил.).
21.50 Кино: «Спиди — пойгачи». Бадиий фильм.
23.55 ФУТБОЛ. АНГЛИЯ ЧЕМПИОНАТИ. «ЛИВЕРПУЛЬ» — «АРСЕНАЛ». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.

## 22 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

### ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 Миллий сериал: «Тақдир йўллари».
7.40 «Икки дарё оралиғида».
8.00 «Ахборот».
8.30 ТВ-анонс.
8.35 «Довюрак самурай». Т/с.
9.15 «Изҳор».
9.20 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
10.20 «Бизнинг кутубхона».
10.30 «Ҳудудлар ҳаёти».
10.45 «Чорраҳа».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ-шифокор».
11.15 «Адолат тарозиси». Т/с.
11.50 ТВ-анонс.
11.55 «Эски альбом».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
«Болалар сайёраси»:
13.35 «Андерсен эртаклари». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ-анонс.
14.20 «Рангин дунё».
14.40 «Эркин иқтисодиёт».
15.00 ТВ-анонс.
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Яшил хазина».
15.55 ТВ-анонс.
16.00 «Заковат».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ-анонс.
17.15 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Очун».
19.00 «Эзгулик».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.00 ТВ-анонс.
20.05 «Адолат тарозиси». Т/с.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ ҳаёти».
21.50 «Довюрак самурай». Т/с.
22.30 «Иқлим».
22.40 «Бокиралик асри». Б/ф. 1-қисм.
23.50 «Олам ва одам» дастури: «Яшил хазина».
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «Маънавият» дастури.

### ЁШЛАР

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00 «Ёшлар майдони».
7.50 «Бугундан эсдалик».
8.10 «Баҳор таровати». Т/с.
9.10 «Қувноқ дўмбоқчалар».
9.20 «Қишлоқ ва таълим».
9.30 «Юртим юраги».
9.35 «Чемпион».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Ғолиб». Т/с.
10.50 «Афсона ва ҳақиқат».
Илмий-маърифий дастур.
11.40 «Эверест».
12.10 «Қасамёд». Т/с.
13.30 «Ёшлар майдони».
14.00 Миллий сериал: «Меҳмонжонлардан айланай».
14.40 «Олтин тупроқ».
15.00 «Футбол—2009».
15.30 «Келажакка интилиб».
15.55 «Ардоқ».
16.30 «Ўтмиш хиёбони».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Эртаклар оламида».
18.35 «Қишлоқ тараққиёти».
18.55 «Онажон қишлоғим».
19.30 «Баҳор таровати». Т/с.
20.50 «Мўъжизавий дунё».
21.10 «Қасамёд». Т/с.
22.30 «Ўзбек адабиёти».
22.35 «Тасвир ва таассурот».
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Юрт тинчлиги».

### ТОШКЕНТ

7.25 «Салом, Тошкент!»
8.25 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
9.00 «Телекурьер-маркет».
9.20 «Ҳимоя».
9.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
9.45 «Репортаж».
9.55 «Ўйларим».
10.25 «Тошкент—2200».
10.30 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
10.40 «Милагрос». Телесериал /рус/.
11.10 «Интервью» /рус/.
11.20 «Мысли вслух».
11.25 «Тошкент-2200» /рус/.
11.35 Кино: «Очарован тобой».
18.05 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Тошкент—2200».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.55 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
19.20 Бизнес-«Пойтахт».
19.50 «Дурдона».
20.00 «Пойтахт» ахборот дастури /рус/.
20.20 «Тошкент-2200» /рус/.
20.25 «Милагрос». Телесериал /рус/.
20.55 «Интервью».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.15 «Эртамиз эгалари».
22.30 «Пойтахт» ахборот дастури
22.55 Кино: «Дом со скидкой».

### СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тил.).
9.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
9.50 ФУТБОЛ. ОФК ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ. «СЕПАХОН» — «БУНЁДКОР».
17.25 ФУТБОЛ. ОФК ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ. «ПАХТАКОР» — «САБА БАТТЕРИ».
19.30 «Хабарлар» (рус тил.).
19.50 «Спортлото».
20.00 Кураш. Ат-Термизий халқаро турнири.
20.50 Оғир атлетика. Ўзбекистон чемпионати.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил.).
21.50 Спортивное кино: «Красный пояс». Художественный фильм.
23.25 Чемпионат мира по футболу. Курс — Южная Африка.
23.55 ФУТБОЛ. АНГЛИЯ ЧЕМПИОНАТИ. «МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД» — «ПОРТСМУТ».

## 23 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

### ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 Миллий сериал: «Тақдир йўллари».
7.40 «Икки дарё оралиғида».
8.00 «Ахборот».
8.35 «Довюрак самурай». Т/с.
9.15 «Изҳор».
9.20 «Маънавият» дастури.
10.20 «Цирк, цирк, цирк».
10.35 «Мулкдор».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ-шифокор».
11.15 «Адолат тарозиси». Т/с.
11.50 «Ахборот» /инглиз/.
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
«Болалар сайёраси»:
13.35 «Андерсен эртаклари». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Яшил хазина».
15.55 «Гирдоб».
16.15 Тошкент—2200. «Тарих кўзгуси».
16.40 «Дунё манзаралари».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Маҳалла».
17.35 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
18.50 «Очун».
19.00 «Камолот остонаси».
19.20 «ТВ-шифокор».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Адолат тарозиси». Т/с.
20.45 «Соз сеҳри».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Бекат».
21.55 «Довюрак самурай». Т/с.
22.45 «Бокиралик асри». Б/ф. 2-қисм.
23.35 «Олам ва одам» дастури: «Яшил хазина».
00.35 «Бекат».
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.30 «Ёшлар майдони».
02.00 «Маънавият» дастури.
04.00 «Ахборот».
04.30 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Қишлоқ ҳаёти».

### ЁШЛАР

6.55 «Yoshlar» саломи».
7.00 «Ёшлар майдони».
7.45 «Ўзбек адабиёти».
7.50 «Илҳом қанотлари».
8.10 «Баҳор таровати». Т/с.
8.55 «Улуғ неъмат».
9.00 «Даврнинг боласи».
9.10 «Қувноқ дўмбоқчалар».
9.20 «Қишлоқдаги тенгдошим».
9.35 «Автопатруль».
10.00, 13.00,16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Ғолиб». Т/с.
10.45 «Бепарво бўлманг!»
10.50 «Афсона ва ҳақиқат».
Илмий-маърифий дастур.
11.40 «Мўйқалам сеҳри».
12.10 «Қасамёд». Т/с.
13.10 «Тошга битилган тарих».
13.30 «Ёшлар майдони».
14.00 Миллий сериал: «Меҳмонжонлардан айланай».
14.40 «Камалак йўли».
15.20 «Тошкент таронаси».
15.30 «Келажакка интилиб».
16.10 «Умр баҳори».
16.30 «Ўтмиш хиёбони».
16.55 «Қувноқ оҳанглар».
17.10 «Эртаклар оламида».
18.25 «Келажак эгалари».
18.35 «Ҳаёт завқи».
18.55 «Онажон қишлоғим».
19.30 «Баҳор таровати». Т/с.
20.20 «Чемпион».
20.40 «Навбатчи».
20.50 «Мўъжизавий дунё».
21.10 «Қасамёд». Т/с.
22.30 «Ўзбек адабиёти».
22.35 «Yoshlar-FM».
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.

# ХОНАДОН

Пазандалик сирлари

## МЯСНАЯ ЗАПЕКАНКА



Ингредиенты для запеканки: Мясо — 500 г, лук — 3 шт., рис — 1 стакан, яйцо — 1-2 шт., вода — 1 стакан, соль и перец по вкусу, сливочное масло — 1 чайная ложка на порцию.

Жирное мясо (конины или говядины) пропустить вместе с луком через мясорубку. Если мясо не жирное, добавить сала. Лук можно мелко-мелко нарезать. В фарш положить замоченный (на 2-3 часа) рис, все перемешать, добавив соль и перец. Разбить яйца и подлить воды. Полученную массу выложить на смазанную сковородку, разровнять и поставить запекать в печку на 45-60 минут.

Готовую мясную запеканку разрезать на куски. Перед подачей к столу положить порцию на тарелку, полить сливочным маслом и украсить зеленью.

## ТОВУҚ ГЎШТИ ВА ҚЎЗИҚОРИНДАН САЛАТ

**Керакли масаллиқлар:** 300 г. товуқ гўшти, 3 дона тухум, 4 дона картошка, 3 дона қизил сабзи, 200 г. қўзиқорин, 1 боғ кўк пиёз, кўкатлар, туз ва 250 г. майонез.



Қайнатилган картошка, сабзи ва тухум алоҳида-алоҳида ўртача катталикда қирғичдан ўтказилади. Қайнатилган товуқ гўшти, қўзиқорин ва пиёз майда қилиб тўғралади. Тайёр бўлган масаллиқларни чуқурроқ ликобчага қуйидаги кетма-кетликда бир хил қалинликда, ҳар бир қават орасига майонез суртилган ҳолда солинади. Аввал картошкани солиб устига озгина туз сепамиз ва майонез суртамиз. Кейин худди шу тарзда қўзиқорин, сабзи, товуқ гўшти ва кўк пиёз солинади. Кўк пиёз устига тухум солинади ва кўкатлар билан безатилади. 20-30 дақиқага музлатгичга қўйилгандан сўнг дастурхонга тортилади.

## ЛИМОНЛИ ТОРТ



**Бисквит учун:** 5 дона тухум, 1 ст. шакар, 30 г. ванилин, 100 г. ун, 50 г. крахмал, 1ч.қ. қуруқ хамиртуриш, 150 г. майдаланган бодом данаги.

**Крем ва тортни безатиш учун:** 1 та лимон, 3 дона тухум, 120 г. шакар, 1ч.қ. лимон цедраси, 350 г. қаймоқ керак бўлади.

Сариғидан ажратилган тухумнинг оқига ванилин ва шакар, бир чимдим туз солиб қуюқ кўпик ҳосил бўлгунча кўпиртирамиз. Аралаштириб туриб тухумнинг сариғи, кейин крахмал, ун ҳамда хамиртуришни қўшамиз.

Тайёр хамирни ёғланган қолипга бир текисда соламиз ва устига майдаланган бодом сепамиз. 180° С да қиздирилган печда 30-35 дақиқа пиширамиз. Совутилган бисквит кўндалангига 3 бўлакка бўлинади. Крем тайёрлаш учун 3 та тухумнинг сариғини ажратиб, унга 75 г. шакар ва лимон цедраси солиб шакари эриб кеттунча аралаштирамиз. Оқига эса шакарнинг қолган қисми ҳамда 1та лимон сувини солиб кўпиртирамиз. Унга аралаштириб турган ҳолда оз-оздан 250 г. қаймоқни соламиз. Кесилган бисквитлар орасига аввал крем суртиб, сўнгра пўстидан тозаланган ва юпқа парракланган лимон бўлаклари териб чиқилади. Тортнинг устки қисмига қаймоқ ва шакарнинг қолган қисмидан тайёрланган кремни суртиб, қирғичдан ўтказилган шоколад ва лимон парраклари билан безатамиз. Тайёр бўлган торт 4 соатга музлатгичга қўйилади.

Полезные советы

## ОБУВЬ – ВАШ ВЫБОР

Покупка обуви – занятие ответственное.

Лучше покупать обувь из натуральных материалов. Выбирая обувь по сезону, поинтересуйтесь о ее происхождении. Для суровой зимы больше подходит жесткая и прочная яловая кожа (из шкур крупного рогатого скота). Самый дорогой, но практичный материал – шевро (кожа из козлиных шкур). Чуть дешевле опоек (кожа из шкур молочного теленка). Он идеален для летней обуви: это тонкая, дышащая, но не самая прочная кожа.

Что касается обуви из кожзаменителя, она недолговечна, имеет температурные ограничения и не пропускает воздух. Поэтому летом ее носить не рекомендуется. При этом стоит искусственная обувь не дешевле. Хотя у изделий из качественного кожзама есть одно бесспорное преимущество: они не промокают. Поэтому иметь в распоряжении пару обуви из искусственной кожи на дождливую погоду разумно.

Немаловажный момент – подошва. Неснашиваемый монолит лучше приберечь для лета. Не менее скользкие подошва и набойки из полиуретана. В гололед оптимальна обувь с рельефной подошвой. Для весны предпочтительней литьевой вариант крепления (стык прочный и не промокает).

Чтобы обувь прослужила долго, она требует тщательного ухода.

После прогулки по снежку обработайте обувь влажной губкой, если внешне она не запачкалась. Сушить ботинки нужно при комнатной температуре. Чтобы намокшая обувь быстрее просохла, ее надо протереть снаружи и изнутри, набить газетной бумагой. Сухую обувь смажьте кремом, особенно тщательно – вдоль соединения кожи с подошвой). Чтобы крем впитался и начал действовать, требуется около десяти часов.

От неприятного запаха можно отделаться с помощью перекиси водорода, протерев ботинки изнутри. С этой же целью используют раствор марганцовки.

Замша боится воды, вследствие этого ее чистят специальной щеткой, предварительно подержав обувь над паром. Сильные загрязнения устраняются мыльной водой с добавлением нашатырного спирта.

Как определить натуральная кожа или нет?

У изделий из натуральной кожи швы нечасто спрятаны внутрь. Есть еще тесты на теплопроводность и водопроницаемость. Приложите к поверхности изделия ладонь. Заменитель нагреется, а натуральный материал не поменяет температуру. Если брызнуть на настоящую кожу чуть-чуть воды, она впитает ее и потемнеет, цвет искусственной останется прежним.

Как определить свойство обуви при покупке?

Чтобы определить свойство кожи, согните носок обуви и отпустите. Если на ней остаются складки и заломы, не покупайте. Таким же способом проверяют комфортность обуви: по-настоящему удобная колодка должна без труда сгибаться так, чтобы носок приближался к заднику.



Для обуви на каблуках важна прочность супинатора. Надавите на взлет и проследите, не отъезжает ли каблучок назад. Чтобы определить свойство крепления подошвы, надавите по краям бортика. Если по краю стыка образуются щелочки или трещины, в них будет попадать влага, и весьма скоро подошва может отвалиться.

Bolajonlar, sizlar uchun!

## AYYOR TULKI VA NODON BO‘RI

**Kunlarning birida Tulki ovqat qidirib cho‘l bo‘ylab chopardi va katta qo‘y dumbasi qo‘yilgan qopqonga duch kelib qoldi. Tulki bu lazzatli xo‘rak atrofida yurar, lekin unga chang solishga jur’ati yetishmasdi. Axir, qopqonga tushib qolish hech gapmas-da! Yoqimli hiddan Tulkining so‘lagi oqib, boshi aylanar, yaqinroq borishga esa qo‘rqardi.**

**Birdan o‘ziga yaqinlashib kelayotgan Bo‘rini ko‘rib qoldi. Quvonib ketganidan uning oldiga chopib bordi va dedi:**

**– Azizim Bo‘ri, seni anchadan buyon kutyapman. Hammasini senga aytishim kerak, men seni aqling, kuching va jasurliging uchun g‘oyat hurmat qilaman. Senga sadoqatimning belgisi sifatida mazali ziyofat tayyorlab qo‘ydim, – va Bo‘rini dumbaga yetaklab bordi.**

**Dumbani ko‘rgan Bo‘ri tishlarini g‘ijirlatdi va zavqlanib xitob qildi:**

**–Bu yerda qariyb butun dumba-ya!**

**U shu zahoti o‘zini dumbaga otmoqchi edi, lekin birdan to‘xtadi va dedi:**

**– E...e, bu yerda bir gap bor. Buncha xazina shunday ochiq joyda shunchaki bekorga yotishi mumkin emas.**

**– Sen nimalar deyapsan, azizim Bo‘ri?! – jahli chiqqanday gapirdi Tulki. – Bu mazali bo‘lakni men o‘zim jon deb yamlagan bo‘lardim, lekin seni mendan katta va olijanobroq, deb hisobladim va shuning uchun uni senga asradim. Basharti sen xohlamas ekansan, uni o‘zim yeb qo‘ya qolaman.**

**Shunday deb, Tulki qopqonga qarab asta yo‘l oldi. Bo‘ri chiday olmadi va dumbaga tashlandi. Biroq qopqon sharaqlab yopildi va uning oldingi oyoqlarini qattiq qisdi. Quvongan Tulki dumbaga chang solib, juftakni rostladi.**



## O‘ZING BO‘YA









### TOPISHMOQ

Zavqli uning hayoti,
Kashtali har qanoti.
Umri qisqa bo‘lsa ham,
Gul bilan ko‘rar baham.

# ДУНЁ НАФАСИ

## ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИДА ИШЛАЙДИГАН ПЕЧ



Иқлим ўзгаришлари муаммоларига қарши курашга йўналтирилган умумжаҳон танловида бош мукофот – 75 минг доллар пул қуёш энергияси билан ишловчи печ ихтирочисига берилди.

«Киото-бокс» дея номланувчи печни Кенияда яшовчи асли норвегиялик Йон Боммер яратган. Унинг таъкидлашича, ихтироси ривожланаётган мамлакатлардаги 3 миллиарддан зиёд кишининг ҳаётини ўзгартириб юбориши мумкин экан. Негаки, мазкур печ ўтин ишлатилишининг қисқаришига, демакки ўрмонзорларнинг кенгайишига хизмат қилади.

Ушбу ғаройиб печни ҳамма жойда ишлаб чиқариш имкони бор. Сабаби, унинг картондан ясалишида. Демак, картон-қоғоз, мебель саноатини бундайин печ ясашга кетадиган материалга ихтисослаштирса, муаммо ҳал бўлади, қолади.

## ОЛТИН НИҚОБЛИ ТОПИЛМА



Мисрда қазишмалар олиб бораётган россиялик археологлар мўмиёланган, олтин ниқоб кийгизилган жасадларни топишди.

Биринчи, учинчи асрларга мансуб дея баҳоланаётган мазкур топилмалар орасида бундан ташқари бир қанча фаюм портретлари ҳам бор.

Таъкидлаш жоизки, Мисрда римликлар бошқаруви даврида жасад билан кўмиладиган портретларни шундай номлашган. Қолаверса, «фаюм» сўзи топилмалар аниқланган воҳа номидан келиб чиққан.

## 150 МИЛЛИОНЛИК БИНО



Лондоннинг «Belgrave Square» деган жойида энг қиммат бино сотувга қўйилди. Ливанлик Мусо Салим ўз мулкини 150 миллион долларга баҳолаб турибди. Олти қаватли бино 2 минг метр квадратга тенг бўлиб, бассейн, тренажёр ва гимнастика заллари, кинотеатр ва бошқа кўплаб қулайликларга эга.

Баъзи маълумотларга кўра, ҳатто мазкур ўзига хос бино дунёдаги энг қиммат кўчмас мулклар рўйхатида биринчи ўринни эгаллаши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

## ТУЯНИ ҲАМ КЛОНЛАШТИРИШДИ



«Gulf News» газетаси тарқатган хабарга кўра, Дубайда дунёда биринчи бор туя клонлаштирилди.

«Инджэз», яъни «Ютуқ» дея ном берилган урғочи бўталоқ ўтган ҳафтанинг чоршанба куни Туялар репродукцияси марказида туғилди.

Маълумотларга қараганда, бўталоқ 30 килограмм тош босади. Илмий марказ доктори Лулу Скидмонинг таъкидлашича, мазкур янгилик туяларнинг чопағон ва сут кўп берадиган зотларини асраб қолишга улкан имконият бериши мумкин экан.

## КЎРГАЗМА МАРКАЗИ – БУЛУТ ШАКЛИДА



Архитекторлар Берлин марказида булут шаклида замонавий санъат асарлари кўргазмаси марказини яратиш таклифини билдиришмоқда.

«Graft» компанияси илгари сураётган ғояга кўра, мазкур иншоот оқ рангдаги енгил композит материаллардан бунёд этилади.

Қурилиш борасида ҳали узил-кесил хулосага келингани йўқ. Аниқроғи, Германия ҳукумати 1962 йилда бузилган қирол саройи ва 2005 йилда таъмирланган Республика саройи ўрнида бино қуриш масаласини ҳал қилишяпти.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



### Италияда яна ерости силкинишлари

Италия марказида яна кучли ерости силкинишлари содир бўлди, қурбонлар ва вайроналар ҳақида маълумотлар йўқ, деб хабар қилади РИА Новости мамлакат фуқаро мудофааси хизмати ахборотига таянган ҳолда. Хабар қилинишича, ер қатлами тебранишлари яна жорий йилнинг 6 апрелида кучли зилзила содир бўлган, унда 294 нафар киши қурбон бўлган Абруццо шаҳрида қайд этилган. Ерости силкинишлари кучи Рихтер шкаласи бўйича 3,8 баллга етган.



### Абдельазиз Бутефлика – президент на третий срок

Конституционный совет (КС) Алжира утвердил результаты состоявшихся президентских выборов. Победителем официально объявлен Абдельазиз Бутефлика, который переизбран главой государства на третий подряд пятилетний срок. Согласно данным КС, за Бутефлику проголосовали 90,23% пришедших на избирательные участки алжирцев. Активность электората составила 74,56%, передает ИТАР–ТАСС.



### Банкротликка учраши мумкин уч мамлакат

Дунёдаги уч мамлакат – Исландия, Ирландия ва Австрияга – бошқа давлатларга нисбатан кўпроқ даражада дефолт, яъни банкротликка учраш хавф солмоқда, деб баёнот берди 2008 йилда иқтисодиёт соҳасида Нобель мукофоти лауреати бўлган Пол Кругман.

Нью-Йоркда бўлиб ўтган матбуот анжуманида банкротликка учраш эҳтимоли юқори бўлган мамлакатлар борасидаги саволга жавоб берар экан, Пол Кругман: «Ишлар анча ёмон бораётган Исландия, Ирландия. Шунингдек, Австрия бу лигадаги учинчи давлат бўлиши мумкин», деб жавоб берган.




### На юге Перу обрушился подвесной мост

По меньшей мере восемь человек погибли и более 30 получили ранения на юге Перу в результате обрушения подвесного моста. Шестеро из погибших – школьники, еще двое – преподаватели.

Как передает ИТАР–ТАСС, они упали в пропасть глубиной 70 метров, инцидент произошел в округе Кора-Кора региона Аякучо. После занятий школьники переходили через подвесной мост, расположенный в 300 метрах от их учебного заведения, когда он вдруг развалился на две части.



### Қароқчиларга қарши кураш ҳақида реалити-шоу

Америка телеканалларидан бири Африка соҳиллари яқинида денгиз қароқчиларига қарши олиб борилаётган кураш ҳақида реалити-шоу намойиш қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Spike TV кабел канали ва АҚШ ҳарбий-денгиз флоти ўртасидаги келишувга мувофиқ, «Қароқчилар овчилари» номли ҳужжатли фильм жорий йил кузда экранларда пайдо бўлади, деб хабар қилади Reuters агентлиги. Агар фильм муваффақиятли чиқса, телеканал шунга ўхшаш мини-сериал ҳам кўрсатиши мумкин.



### «Лучший автомобиль в мире 2009 года»

Традиционно в рамках Нью-Йоркского автосалона объявляются результаты конкурса на звание лучшего автомобиля в мире World Car of the Year (WCOTY). В 2009 году победителем стал немецкий «Volkswagen Golf» последнего, шестого по счету поколения. Эта модель была выбрана из трех финалистов: с ней конкурировали «Ford Fiesta» и «Toyota iQ».

(www.NEWSru.com).

# ТАЪЛИМ

## СИЁСИЙ МАДАНИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ УЙҒУНЛИГИ




Сиёсий маданият мамлакат фуқароларининг сиёсий жиҳатдан лаёқатлилик даражасини ифода этиб, жамиятда сиёсий ва давлат институтларининг шаклланиши, фаолият кўрсатишига шунингдек, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг ташкил қилиниши жараёнида ҳал қилувчи, таъсир ўтказувчи омил сифатида намоён бўлади. Сиёсий маданият мамлакат аҳолисини маънавий жиҳатдан юксалтиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. У умуммиллий маданиятнинг ўзига хос ва ажралмас қисми ҳисобланади.

Сиёсий маданият борасида халқимиз ўтмиши ва маънавияти хазинасидан, хусусан, Соҳибқирон бобомизнинг инсоний фазилатлари ҳақида «Тузуклар»да ҳам, бошқа манбаларда кўплаб ибратли мисолларни учратиш мумкин. Улар Амир Темур шахсини, унинг ички дунёсини кўз олдимизда бор бўй-басти билан гавдалантиришга қодир.

Шарқда, жумладан, қадимги Туронзамин ҳудудида ўнлаб давлатлар ривож топганлиги ва уларнинг тажрибасини умумлаштиришга, ундан хулоса чиқаришга арзигулик муайян амалий ижтимоий-сиёсий тажриба тўпланганлиги маълум. Ҳозирги давлатчилик сиёсатимизнинг илдизлари «Сиёсатнома» ёки «Темур тузуклари» сингари ноёб асарлардан озиқ олади. Ҳазрат Соҳибқирон вазирлар ҳақида сўз юритганда, Низомулмулк номини («Сиёсатнома» муаллифи) алоҳида меҳр-муҳаббат билан тилга олади ва уни барчага ҳар жиҳатдан намуна қилиб кўрсатади. Бундай «Қилич ва қалам соҳиби» бўлмиш вазирларни эъзозлашга, қадрлашга даъват этади.

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича: «Бахши ва котиблар мулки миллат ва аркони давлат аҳволида нимаики бўлса, барчасини аниқлаб, тўла-тўкис ёзиб борардилар. Ҳеч қандай воқеа, ўзгариш киритмай, оширмай, камайтирмай, яъни аслида қандай кечган бўлса, ўшандай кўрсатиб берилсин, деб буюрилган». «Тузуклар»да кўрсатилишича эса: «Лашкаримни иттифоққа келтириш учун, сипоҳларни ҳам емак-ичмак (луқма) ва кийим-кечак(ҳирқа)дан умидвор қилдим, ширин сўз ва очиқ юз билан ўзимга қаратиб олдим» ёки «Ўз тажрибамда синаб билдимки, агар қай бир подшоҳ ўн икки нарсага эга бўлмас экан, салтанатдан бебаҳра қолур». Ушбу ўн икки нарсани (шиорни) сиёсий маданият ва маънавият мазмуни билан уйғунлашиб кетган қоидалар дейиш мумкинки, унинг натижасида Амир Темур тўла мустақиллик билан салтанат тахтига ўтирди. Бу келтирилган ҳаётий мисоллар биз учун беқиёс сабоқдир.

Ҳозирги давр сиёсий маданияти тўғрисидаги назария ривожиға кўпгина олимлар қатори Л. Пай ва С. Вербанинг кўпгина мамлакатлар жамияти сиёсий маданиятини ўрганиш асосида ёзган «Сиёсий маданият ва сиёсий тараққиёт» номли асари муҳим ўринга эга. Ушбу тушунчани талқин қилишда турлича ёндашувлар мавжуд. Шундай бўлса-да, унга қуйидаги таърифни бериш мумкин: Сиёсий маданият бу – жамият сиёсий ҳаётига бўлган муносабат, уни идрок этишдаги сиёсий тафаккур ва аҳоли сиёсий фаолияти маданиятидир.

Сиёсий жараёнларда давлат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фан ва таълим тизимининг маълум мақсадга йўналтирилган сиёсий таълим-тарбия, маърифат, маънавий ва мафкуравий ишларнинг ўрни ниҳоятда муҳим.

Жамиятдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш учун маънавият сиёсатнинг бош таянчи бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислом Каримов демократик фуқаролик жамияти барпо этиш учун «Инсофли, диёнатли одамларнигина раҳбарлик тўнини кийишга маънавий ҳаққи бор»лигини таъкидлаб келмоқда. Инсон жамиятдан ажралмас тушунча бўлиб, маънавият инсонни ўзга одамларга, жамиятга, бутун борлиққа дахлдор қилади. Шу жиҳатдан маънавият ижтимоий мазмун касб этади. «Инсон ўзини халқнинг бир зарраси, деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб, меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади».

Халқимизнинг маънавий фаоллиги жамият ва давлат ўртасидаги жуда хилма-хил муносабатларнинг ўзаги сифатида муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай мамлакатда ҳам фуқаролар ўзларининг фаол иштироки орқали барча ижтимоий-сиёсий жараёнларда муносиб иштирокчи бўлиши лозим. Аммо, ўзларининг (ҳар бир фуқаронинг) сиёсий онги ва маданияти етарли даражада бўлиши – кўп масалалар ечимини топиш, унга муносабат билдириш, амалиётда қўллай билиш каби вазифаларни бажаришда жуда муҳимдир.

«Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюлган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин»лиги «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида кўп марта таъкидланади. Бундан маънавият сиёсатнинг бош мезони эканлиги, бу икки тушунчани айро тасаввур этиб бўлмаслиги англашилади.

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиб, ва аксинча, асл маънавиятни, қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда.

«Ватан ҳимоячилари куни» ва Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллигига бағишланган Мурожаатда белгилаб берилган асосий вазифалар ичида «Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш даркор. Барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозим... Армия ёшлар учун ҳаёт мактабига айланиши шарт» эканлиги алоҳида таъкидланган.

**А. ИБРАГИМОВ,**
**Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти профессори.**

## ЕТУК ҲАРБИЙ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатида мамлакатни модернизация қилиш, демократик янгиланиш бўйича ўзимиз танлаган стратегия асосида армиямизни ислоҳ қилишни давом эттириш, ҳозирги давр талабларидан келиб чиқиб, Қуролли Кучларимизни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш ва бундан буён ҳам қўшинларимизнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини кун сайин ошириб боришни, бир сўз билан айтганда, миллий армиямиз салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришга эътиборни кучайтиришни устувор вазифа қилиб қўйди. Бу улкан вазифаларни адо этиш кўп жиҳатдан профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлаш масаласи билан боғлиқ эканлиги ўз-ўзидан аён. Ҳарбий кадрлар ҳар доим армиянинг асосий кучи, қудрати бўлиб келган. Зеро, замонавий қурол-аслаҳалар ва техникаларнинг яратувчиси ва уларни мақсадга мувофиқ ҳаракатга келтирувчиси ҳарбий кадрлардир. Бошқача роқ айтадиган бўлсак, аскар, сержант ва офицерлар қўшинларнинг локомотивларидир. Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафини малакали кадрлар билан тўлдириш, ақлан етук, жисмонан бақувват, ҳар томонлама билимли ва тажрибали, маънавий-руҳий ва сиёсий тайёргарликка эга офицерлар ва сержантларни тарбиялашда Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ўрта махсус ва олий ҳарбий билим юртларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти профессор-ўқитувчилари, тарбиявий иш органлари офицерлари ҳам бу борада муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида билим юртининг моддий-техник ва ўқув базаси йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Маъруза заллари, амалий машғулот хоналари, ётоқхоналар, клуб ва тиббиёт маркази сифатли таъмирланди. Курсантларга таълим-тарбия бериш илғор педагогик ва ахборот технологиялари усуллари асосида олиб бораётгани ўз самарасини бермоқда. Махсус техника ва аниқ фанлар билан бир қаторда ижтимоий фанлар профессор-ўқитувчилари ўз Ватани ва халқининг тақдири, унинг бугуни ва келажаги учун жавобгарлик туйғусини юракдан ҳис қиладиган, янгича фикрлайдиган, юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга офицер кадрларни тарбиялаб вояга етказмоқдалар.

Билим юртида ҳар йили ижтимоий фанлар юзасидан анъанавий илмий-амалий анжуманлар ўтказиб келинади. Фалсафа, тарих, ҳуқуқшунослик, социология, сиёсатшунослик, миллий истиқлол ғояси, давлат ва жамият қурилиши назарияси ва амалиёти каби ижтимоий фанлар ўқитувчилари полковник Р. Рашидов, подполковник Н. Тўраев, доцент Н. Ҳакимова, катта ўқитувчилар Ф. Узоқова, М. Нормуродова, Н. Саидибоев каби устозларнинг фидойилиги, ташаббускорлиги, курсантларга таълим-тарбия бериш, уларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилиш борасидаги кенг кўламли ишлари мақтовга сазовордир.

Ҳа, Қуролли Кучларимиз сафи йил сайин билимдон, ёш офицерлар билан тўлиб бораётганлиги барчамизга ғурур бахш этади. Истиқлол фарзандлари бўлмиш етук офицер кадрлар – Ватан ҳимоячилари бор экан ҳеч қачон, ҳеч ким хавфсизлигимизга раҳна сололмайди.

**Қодиржон ОФАРИНОВ,**
**Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти доценти, фалсафа фанлари номзоди.**

Қарор ва ижро

## ЗАМОНАВИЙ ЗИЁ МАСКАНИ

**Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори юзасидан Хоразм вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.**

Вилоят ахборот-кутубхона маркази замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган, китобхонларга сифатли хизмат кўрсатиш учун барча қулайликларга эга.

– Китоб фондимиз қарийб 600 минг нусхани ташкил этади, – дейди марказ директори Раимбой Қурбонов. – Бу ерда 600 дан ортиқ нодир китоблар ва қўлёзмалар сақланмоқда. Шунингдек, тошбосма, қозонбосма ва қўлда кўчириб ёзилган қўлёзмалар, араб, форс, инглиз, немис тилларида чоп этилган ноёб китоблар билан ҳам танишиш мумкин. Бундан ташқари юз номдан зиёд газета ва журналларга обуна бўлганмиз. Китобларнинг электрон каталоги ишлаб чиқилгани ўқувчиларнинг вақтини тежаш имконини бермоқда. Марказимиз қошида "ZiyoNET" ва интернет тармоқларига уланган электрон кутубхона ишлаб турибди.

Ушбу зиё масканида кутубхоначиликнинг янги йўналишлари, илмий-услубий фаолият бўйича вилоятдаги барча ахборот-ресурс марказлари ходимлари билим ва тажрибаларини оширади

Марказда ёзувчи ва шоирлар, олимлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, адабий кечалар ўтказиш яхши анъанага айланган. Бунда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлимлари ҳамда ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими ва халқ таълими бошқармалари билан ҳамкорлик ёшларни кутубхонага янада кўпроқ жалб этишда муҳим омил бўлмоқда.

**Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# АСКАР УЙИГА ҚАЙТДИ

## ШИЖОАТЛИ ЎҒЛОННИНГ ЮТУҒИ

**Ор-номус инсоннинг қадр-қимматини, инсонийлик шаънини белгиловчи олий тушунчалардан биридир. Айниқса, йигит кишининг ори қатъиятида, жасоратида, мардлигида ва энг муҳими, Ватанга муҳаббатида намоён бўлади.**



Вояга етган ҳар бир ўғлон учун муддатли ҳарбий хизматни ўташ нафақат конституциявий бурч, балки муқаддас вазифадир. Чунки бундай улуғвор вазифани зиммасига олиш эл-юрт тинчлиги, халқ осойишталигини кўз қорачиғи каби асраш, билдирилган юксак ишончга муносиб бўлишни англатади.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани «Аллон» маҳалласида истиқомат қиладиган Зокиржон ака ва Мавлуда опаларни кўпчилик яхши танийди, ҳурмат қилади. Уч фарзанд – икки қиз, бир ўғилни камолга етказаётган ота-она жигарбандларининг одобли, илмли, ҳунарли инсонлар бўлишига катта эътибор қаратиб келишади. Шунданми, фарзандлар улар орзу қилгандек бўлиб вояга етаётир. Маҳалла-кўй уларни барча ёшларга ўрнак қилиб кўрсатиши ҳам шундан.

Зоҳиджонни отаси болаликдан меҳнатга, қатъий интизомга ўргатган. Болалигида ўртоқлари ўйинга чақириб келишса, отаси дарҳол рухсат бермас, «Аввал ишларингни бажар, дарсингни тайёрла, шуларга улгурсанг бўшсан», дерди. Ўша пайтларда у бундан хафа бўлса-да, улғайгач, отаси тўғри йўл тутганини англаб етди.

2006 йилда Тошкент банк коллежини тамомлагач, у муддатли ҳарбий хизматни – Ватан олдидаги муқаддас бурчини ўташга қарор қилди. Фарзандининг аҳдидан ота-она ҳам қувонди. Саралар ичра сара бўлиб, муддатли ҳарбий хизматга йўл олган қаҳрамонимизни оиласи, қариндошлари, маҳалла аҳли оқ фотиҳа бериб кузатишди.

Армия ўғлоннинг ҳаётида туб бурилиш ясади. Шижоатли посбон ўзининг тиришқоқлиги, билими, фаоллиги билан тезда сафдошлари, командирлари эътиборини, ҳурматини қозонди. Айниқса, жанговар ва ижтимоий сиёсий тайёргарлик машғулотларида илғорлиги билан ажралиб турди. Ҳарб илмига қизиқиши, зиммасидаги вазифани виждонан адо этиши, машғулотларда эришган юксак натижалари сабаб, посбоннинг ота-онасига қисм қўмондонлиги томонидан миннатдорчилик хати юборилди.

... Ҳали қоронғулик чекинмаган. Гуруҳ посбонлари тоғ дараси бўйлаб ҳаракатланмоқда. Кўзга ташланиб қолмаслик мақсадида ҳар бир посбон маскировкага катта аҳамият берган. Шу пайт шартли душман ҳаракатланаётгани тўғрисида хабар олинди. Гуруҳ командири буйруғига биноан оддий аскар М. Расулов шартли душман тўғрисидаги зарур маълумотларни тўплади. Офицер Д. Ортиқов гуруҳнинг алоқачи посбони оддий аскар З. Исаевга қўмондонлик билан боғланиб, қўшимча куч сўраш вазифасини қўйди. Шундан сўнг посбонлар йўлга пистирма қўйишга киришишди. Командир қўққисдан зарба беришга қарор қилди. Кутилмаган ҳужум шартли душман ичида саросима, тартибсизликни келтириб чиқарди. Қўшимча кучлар етиб келгач, зудлик билан ҳужумга ўтилди. Хуллас, шартли душман тор-мор этилди. Шу тариқа гуруҳ қўмондонлик томонидан қўйилган вазифани аъло даражада уддалади. Шижоати, зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этиши, соҳа сирларини яхши ўзлаштириб, гуруҳ муваффақиятига муносиб ҳисса қўшгани учун оддий аскар З. Исаев, М. Расулов, О. Абдураҳмонов, Д. Бадалметовларга миннатдорчилик эълон қилинди.

– Оддий аскар Исаев гуруҳимиздаги энг намунали посбонлардан бири эди, – дейди офицер Д. Ортиқов. – Машғулотларда доимо фаол, қисм миқёсидаги тадбирлар, йиғинларда етакчилиги билан сафдошларидан ажралиб турарди. Айниқса, соҳа сир-асрорларини ўрганишга интилар, бу борада тинмай изланишдан, ўқишдан чарчамасди. Шу боис тавсиянома бўйича ўтказилган синовлардан муваффақиятли ўтган посбонлар сафида Исаевнинг ҳам борлиги мени ажаблантирмади.

– Ўғлим билан фахрланаман, – дейди Зокиржон ака Исаев. – Муддатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, юзимизни ёруғ қилди. Айниқса, уйимизга қисм қўмондонлиги номидан миннатдорчилик хати келганида, беҳиҳоя қувонгандим. Берган тарбиям бесамар кетмаганидан хурсандман.

Зоҳиджон айни пайтда олий ўқув юртига ўқишга кириш учун тайёргарликка зўр берган. Келгусида танлаган соҳаси бўйича малакали мутахассис бўлиб, мамлакатимиз равнақига ҳисса қўшишдек эзгу мақсадни кўнглига туккан, йигитлик мактаби тарбиясини олган шижоатли ўғлоннинг ниятига етишига ишонамиз.

**Абдуллоҳ НИЁЗОВ.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**

Армия в моей судьбе

## НОВЫЕ ДОРОГИ АЗАМАТА




С детства Азамат Кувондиков грезил самой, что ни есть мальчишеской мечтой: службой в Вооруженных Силах. Оно и понятно, он никогда не был равнодушен к окружающим. Как вспоминает его мама Кумри-апа Кувондикова, он всегда защищал и опекал младших, помогал пожилым людям в махалле, был очень серьезным и ответственным учеником в школе. С отличием окончил промышленный профессиональный колледж, занимался классической борьбой.

По окончании учебы Азамат прибыл в Мирабадский районный отдел по делам обороны столицы с намерением отправиться на срочную военную службу в войска. Офицеры предупредили, что одного желания недостаточно. Требуется пройти соответствующий, далеко нелегкий конкурсный отбор.

Азамат успешно прошел сквозь сито тестовых испытаний, продемонстрировал отличный интеллектуальный уровень, физическую подготовленность, моральную стойкость.

По решению призывной комиссии он был направлен в Пограничные войска.

Бессонные ночи в нарядах по защите Государственной границы Республики Узбекистан только закалили рядового Азамата Кувондикова, а принятие Военной присяги усилило чувства ответственности и долга.

Не раз Кумри-апа получала благодарственные письма от командования части за безупречное несение сыном службы.

И вот, срочная военная служба успешно завершена. Солдат вернулся домой. Еще свежи в памяти Азамата прощания со вторым домом, пограничным постом, офицерами и сержантами, боевыми товарищами.

– Признаться, – говорит в беседе Азамат, – есть в душе и оттенок грусти после завершения службы. – Но, как говорится, армейских дорог не выбирают.

Сегодня в семье Кувондиковых настоящий праздник. Мама Кумри-апа, сестра Муяссар и младший брат Шерзод в торжественных приготовлениях. Ожидают многочисленных гостей. Всем не терпится увидеть возмужавшего Азамата, послушать его рассказы из армейской биографии, служебных будней.

Однако сам Азамат, как и положено пограничнику, немногословен, в эйфорию праздника впадать не намерен. Впереди у молодого человека новая цель: продолжить службу Родине в качестве офицера Вооруженных Сил. Он намерен в этом году поступать на Специальный факультет Ташкентского университета информационных технологий.

Заслуженная им за время безупречной службы и в ходе соответствующего экзамена Рекомендация от воинской части послужит хорошим подспорьем на тестовых испытаниях.

Удачи тебе, Азамат!

**Капитан Хасан ФАРРУХОВ.**
**Фото Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

Қарор ва ижро

## БАНДЛИК – ЭЪТИБОРДА

**Республикамизда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб, резервга бўшатилган йигитларнинг ўқиши, ишлаши, бирон касб-ҳунар эгаси бўлишларини таъминлашга эътибор катта. Бу борада жойлардаги Бандликка кўмаклашувчи марказларнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.**

Биргина Тошкентнинг Миробод тумани Бандликка кўмаклашувчи маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам буни яққол ҳис қилиш мумкин. Аввало, бу ерда Қуролли Кучларимиз сафида конституциявий бурчларини ўтаб, резервга бўшатилган йигитларнинг ҳозирда нима билан машғуллиги, бўш вақтини қандай ўтказаётганлиги ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштирган каталог ташкил қилинган. Барча маҳаллалар бевосита тегишли нозирларга бириктирилган. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ўтган йил резервга бўшатилганларнинг деярли барчаси доимий ёки вақтинчалик иш билан таъминланган.

– Ёшларнинг, хусусан, армиядан қайтганларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда, – дейди марказ директори Нилуфар Муҳиддинова. – Бизга иш сўраб мурожаат қилган йигитларни ўз мутахассисликлари бўйича доимий ишга жойлаштириш, вақтинчалик иш билан таъминлаш мақсадида туманимизда фаолият кўрсатаётган давлат корхоналари, хусусий фирма ва ташкилотлар, кичик корхоналар билан ўзаро келишувимиз бор. Муайян иш билан таъминланмаганлар эса Бандликка кўмаклашувчи марказ орқали қайта касбга тайёрлаш курсларида бепул таҳсил оладилар ва ҳунар эгаси бўлишгач, иш билан таъминланадилар.

– Армиядан қайтгач, туманимиздаги Бандликка кўмаклашувчи марказга иш сўраб мурожаат қилдим, – дейди Шерзод Мамадалиев. – Уларнинг ёрдами билан мана ишга ҳам жойлашишга муваффақ бўлдим. Маиший хизмат касб-ҳунар коллежини тамомлаганим учун «Гранд сфера коммунал» корхонасида иш юритувчи сифатида фаолият юритаяпман.

– Ҳозирда ўзим таҳсил олган мактабда ўқувчиларга қўл жанги сир-асрорларини ўргатмоқдаман, – дейди Степан Пальчиков. – Мазкур спорт тури бўйича «Спорт устаси» даражасига эга бўлганим учун ишга жойлашишим қийин бўлмади. Бунда мактабимиз ва Бандликка кўмаклашувчи марказ раҳбарияти яқиндан ёрдам беришди. Клубимизда турли ёшдаги болалар спорт билан шуғулланишмоқда. Иқтидорли, умидли ўқувчилар анчагина. Умид қиламанки, уларнинг орасидан моҳир қўл жанги усталари, чемпионлар етишиб чиқади.

– Ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлашда маҳалла фуқаролар йиғинлари, оқсоқоллар, ички ишлар бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликка асосланган доимий алоқани йўлга қўйганмиз, – дейди маҳаллалар билан ишлаш шўъбаси бошлиғи Маъмура Раупова. – Уларнинг кўмаги билан бўш иш ўринларига талабгорларнинг оилавий аҳволи, хулқ атвори тўғрисида атрофлича маълумотларга эга бўлишимиз мумкин. Корхона ва ташкилотлар ўзларидаги бўш иш ўринлари ҳақида ахборот беришаркан, кўпинча муддатли ҳарбий хизматни ўтаган йигитларни ишга жўнатишимизни сўрашади. Бу эса ҳаёт мактабининг сабоғини олган, ҳам маънан, ҳам жисмонан тобланган ёшларга бўлган юксак ишончдан дарак беради.

**Жамшид СОБИРҚУЛОВ.**

# ЁШЛАР

Абитуриент–2009

## МУНОСИБ ҚАРОР

**Яқинда хизмат сафарида бўлганимда, мудофаа ишлари бошқармасида Фозил ака Солиев билан танишиб, суҳбатлашиб қолдик. Суҳбат асносида шуни билдимки, Фозил аканинг ўғли Жасур Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжат топшириб, келажакда офицер сифатида Қуролли Кучларимиз сафида фаолият юритиш ниятида экан.**

– Ота, мени табрикласангиз бўлади, тиббий кўрик ва биринчи босқич саралашидан муваффақиятли ўтдим, – деди Жасур отасига.

– Буни билардим, ахир ҳукуматимиз сиз ёшлар учун улкан имкониятлар яратиб берган. Илк ҳаракатинг муваффақиятли бошланганидан жуда хурсандман.

Жасур билан саломлашар эканман, аввало, ундаги қатъият менда илиқ таассурот уйғотди.

– Ўғлим ёшлигидан ҳарбийликка қизиқар эди, – дейди Фозил ака. – Унинг шарафли касб эгаси бўлиш ниятини эшитганимизда мен ҳам, онаси ҳам роса қувонгандик. Фарзандинг берган тарбиянгга муносиб бўлиб камол топса, ота-она учун бундан ортиқ бахт бўлмас экан. Маҳалламизда Алишер исмли бир офицер йигит бор. Бир куни кўчада иккаламиз учрашиб қолдик. Салом-аликдан сўнг, хизматлари ҳақида сўрадим. Шунда у кулиб туриб, дабдурустдан «Ҳа, Фозил ака ўғлингиз Жасур ҳам келажакда офицер бўлишни мақсад қилибди-да. Бу билан ҳар қанча фахрлансангиз арзийди», деди. Ўғлимнинг ҳарбий бўлиш ниятини ҳали мен билмайман-у, бу қаердан билдийкин, деган ўйда бу ҳақда Алишердан сўрасам, «Қачон таътилга келсам, Жасуржон олдимга келиб хизматим, армиядаги янгиликлар билан қизиқади. «Офицер бўлиш учун нималар қилиш керак, қайси фанларни кўпроқ ўқиш керак» дея саволлар беради. Ўзим ўқиган олий ҳарбий билим юрти, ҳарбийлик касби ҳақида сўзлаб бердим», дейди. Шундан сўнг, ўғлимдан бу ҳақда сўрасам, «Қарорим қатъий, Алишер акамга ўхшаган офицер бўлмоқчиман», деди. Буни эшитиб хурсанд бўлдим, шароитлар яратиб бердим. Айниқса, жисмоний томондан чиниқиши учун барча зарур нарсаларни муҳайё қилдим.

– Ҳарбийликка қизиқишим, анча ёшлигимда пайдо бўлган, – дейди Жасур биз билан суҳбатда. – Мактабда ўқиб юрган кезларимда, ёзги таътилда дам олиш учун қўшни тумандаги оромгоҳга бордим. Яқинимизда ҳарбий қисм бор экан. Кунора ҳарбийларни кўриб турардик. Айниқса, кечки пайт аскарлар айтган саф қўшиқлари эшитилиб турарди. Ҳаттоки, улардан кўпини ёдлаб ҳам олгандим. Бу воқеа ҳам ҳарбийликка нисбатан қизиқишимни оширди. Мана, бугун мақсадим сари илк одимни ташладим. Олдимда турган синовлардан ҳам яхши натижалар билан ўтиб, орзуимга эришиш учун интиламан.

Ишончим комилки, Жасурдаги қатъийлик, интилувчанлик мақсадига эришишида муҳим омил бўлади.

**Фирдавс АҲРОРОВ.**

## УЛКАН МАҚСАД ЙЎЛИДА



Ўзбекистон жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси Абдураззоқ Нуриддинов тенгдошлари орасида интеллектуал салоҳияти, йигитларга хос матонати билан алоҳида ажралиб туради.

Абдураззоқ Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида туғилиб вояга етди. У тенгдошлари орасида биринчилардан бўлиб муддатли ҳарбий хизматга отланди. Ҳарбий қисмдан ўғлининг хизматни аъло даражада ўтаётганлиги учун юборилган мақтов ёрлиғини қўлга олган ота-онасининг кўнгли беихтиёр фахрга тўлди. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида Абдураззоқ барча билим ва кўникмаларни пухта ўзлаштириши билан хизматдош дўстлари орасида ажралиб турди. Ҳарбий хизматдан қайтгач Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултетига ҳужжатларини топшириб, талаба бўлиш бахтига мушарраф бўлди. Ҳозирда ушбу олий ўқув юртининг 1-курсида таҳсил олмоқда.

– Армия – бу ҳаёт мактаби, унда эр йигит ҳар томонлама тобланади, чиниқади, қолаверса ҳарбийларга хос интизомни ўрганади, – дейди Абдураззоқ. – Шахсан мен ҳарбий интизомга бир умр содиқ қолсам керак. Сабаби, бу тартиб-қоидалар болалигимдан менга таниш. Зеро, ишда ва ўқишдаги тартиб интизом ўз ижобий самарасини бермай қолмайди, албатта. Ҳарбий хизматнинг афзал томонларидан яна бири шундаки, у инсонни мулоҳазали бўлишга ўргатади.

Интилувчан ўғлон ўзининг зеҳни, мулоҳазалилиги ва кенг дунёқараши билан ўқишда курсдошлари, устозлари ишончини оқламоқда.

– Абдураззоқ Нуриддинов факултетимизнинг намунали талабаларидан, – дейди гуруҳ раҳбари Забаржад Бобожонова. – Ҳар бир ҳаракатида муддатли ҳарбий хизматни ўтагани сезилиб туради. Айниқса, тартиб-интизоми, муомаласи, берилган топшириққа жиддий ёндашуви ила тенгдошлари орасида ҳурмат топган.

Ҳа, ёшлар – Ўзбекистон келажаги, дея бежизга таъкидламайдилар. Абдураззоқ Нуриддинов сингари интилувчан, қатъиятли, билимдон ёшларимиз эса етук мутахассис сифатида мамлакат равнақи, фаровонлиги, тинчлиги йўлида фидокорона хизмат қилишни ўзларининг энг улуғ мақсади, деб биладилар.

**Элёр МИРЗАЕВ,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси.**

Тошкентнинг 2200 йиллиги олдидан

## ПОЙТАХТНИНГ ҚЎҲНА ТАРИХИ







Тошкент асрлар давомида муҳим воқеалар, тарихий жараёнлар, юксалиш ва инқироз даврларини бошидан кечирди. Неча бор вайрон бўлиб, қайта қад кўтарди, номи ҳам бир неча марта ўзгарди.

Тошкент ҳақидаги дастлабки маълумотлар милоддан аввалги II асрларга мансуб Хитой манбаларида учрайди. Уларда Тошкент вилояти қадимда Чжеше, Чжеш, Ши деб номланган. Бу атамалар Чоч сўзининг хитойча талаффуз этилиши натижасида ҳосил бўлган.

Милоддан аввалги III асрда Чоч вилояти ташкил топиб, милоднинг III асригача, яъни қарийиб VI аср ҳукм сурган "Қанғ" давлати Хитой ёзма манбаларида "Кангюй" номи билан тилга олинади. Бу давлатнинг пойтахти Битянь шаҳри ҳисобланиб, унинг харобалари ҳозирги Оққўрғон туманида сақланиб, қолган ва у маҳаллий аҳоли ўртасида "Қанқатепа" номи билан машҳурдир. Археологлар шаҳар майдони 160 гектарга тенг эканлигини аниқлашган. Қадимги Қанғ давлатининг фуқаролари қанғи, ёки қаъни деб номланган.

Хуллас, бизгача етиб келган ёзма манбаларга кўра, Тошкентнинг энг қадимги номи "Чоч" бўлган. Тошкент араблар қўлига ўтгач, у Шош деб юритилган. Илк ўрта асрларда эса "Чоч", "Шош" "Шошкент", "Бинкат", "Таркан" деб номланган.

Тошкент ҳақидаги дастлабки маҳаллий маълумотлар IX асрдан бошлаб учрайди. IX асрда Хоразмий, Табарий, X асрда Истаҳрий асарларида Шошнинг бош шаҳри Бинкат деб кўрсатилади. Шаҳар "Тошкент" номи билан даставвал XI асрнинг машҳур алломалари – Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Кошғарий асарларида тилга олинади.

Археолог олимлар томонидан шаҳарнинг Салор, Жўн ариқлари ёқасида жойлашган Шоштепани ўрганилиши шуни кўрсатдики, Тошкент ҳудудида шаҳар маданияти милоддан аввалги II асрдаёқ ривожлана бошлаган. Бу эса унинг ёшини 2200 йил, деб белгилашга имкон берди.

713 йилда араблар томонидан вайрон қилинган шаҳар анчагача ўзини ўнглай олмади. Фақат IX асрга келиб, аввалги ўрнидан 5 км. шимоли-ғарбда, Бўзсув каналидан чиққан Кайковус ариғи ёнида янгидан тикланди. Бу янги шаҳар араб манбаларида Бинкат (узоқдан яққол кўринувчи шаҳар) деб тилга олинади.

X аср охири – XII аср ўрталарида Чоч Қорахонийлар давлати таркибига киради. Шу даврдан бошлаб у Тошкент деб ҳам атала бошланди. Шаҳар дарвозалари X асрда шаҳар кенгайиши билан бир вақтда Бўзсув соҳилида, карвон йўллари шаҳар девори билан кесишган жойларда қурила бошланган.

XVI аср бошларида Шайбонийлар тасаррруфига ўтгандан сўнг Тошкент янгидан девор билан ўралди. Дарвозалар сони эса вақт ўтиши билан ўзгариб турди. XIX аср ўрталарида Тошкент беклар бегиси томонидан таьмирланган деворнинг 12 та дарвозаси, 2 та қофқаси бўлган. Шаҳардаги Оқтепалар сони 8 та бўлиб, улар ўрта асрларда шаҳар атрофида қад кўтарган мудофаа қўрғонларининг харобалари ҳисобланади. Булар ичида Юнусобод, Чиғатой, Сағбон, Кўкча ва Чилонзор Оқтепалари ҳозиргача сақланган.

XVIII асрнинг ўрталаридан шаҳар 4 даҳага (Шайхонтоҳур, Себзор, Кўкча, Бешёғоч) бўлиниб, ҳар бир даҳани алоҳида ҳоким бошқарган. Бу тарихда "чор ҳокимлик" даври деб юритилади.

1784 йили Шайхонтоҳур даҳаси ҳокими Юнусхўжа қолган 3 даҳани ҳам ўз тасарруфига олиб, чорҳокимликка барҳам бериб мустақил Тошкент давлатини ташкил этди. Юнусхўжа ҳузурида хон кенгаши тузилиб, кенгашга 4 даҳа мингбошилари киритилди. Анҳорнинг ўнг томонида баланд ва қалин девор билан ўралган Ўрда, яъни давлат маҳкамаси ҳам қурилди.

1796 йили Чимкент, Сайрам ва бошқа ўнлаб шаҳар ва қишлоқлар, шунингдек, Туркистон ва унинг атрофидан Чу дарёсигача бўлган ерлар ҳам Тошкентга қўшиб олинади.

1799 йили Қўқон хонлиги қўшинларини Чирчиқ бўйидаги Қорасув мавзесида мағлубиятга учратгач, Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги Қурама мавзеси ҳам Тошкентга қўшиб олинди.

Бу даврда Тошкент йирик шаҳарга айланиб, уни ўраб турган деворнинг узунлиги 18 чақирим бўлган. Унда 10 минг хонадон истиқомат қилган. Шаҳар аҳолиси Россия, Хитой давлатлари билан савдо қилган.

1809 йилда Тошкент Қўқон хонлиги таркибига киритилади.

XX аср бошларида Тошкентда 280га яқин маҳалла, 170 мавзе, 17 та мадраса бўлган.

**Суннатилла МАҲКАМОВ,**
**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети доценти.**

# МАЪНАВИЯТ

## ҲАРБИЙ ТАРИХ МАВЗУСИГА ЭЪТИБОР



Маълумки, газетанинг ўтган сонларида Мудофаа ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликларининг «Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмлар ва муассасаларининг Ўзбекистон давлат музейлари билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори асосида ташкиллаштириладиган тадбирлар тўғрисида тўхталиб ўтган эдик. Таъкидлаш жоизки, шунга ўхшаш ҳамкорлик шартномаси лойиҳаси Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи ҳамда Қатағон қурбонлари хотираси музейлари билан ҳам ишлаб чиқилди.

Шу ўринда ҳарбий округлар, олий ҳарбий таълим муассасалари ва ташкилотларда ҳарбий-тарихий музейлар фаолиятини ташкил қилиш қоидаларига қай даражада эътибор қаратилаётгани билан боғлиқ ишларга тўхталсак. Яхши биламиз, бугунги кунда ватанимиз тарихининг ўрганилмаган саҳифаларини тадқиқ этишда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай тадқиқотлар Ўзбекистон музейларида, хусусан, Қуролли Кучлар Марказий музейида ҳарбий тарих мавзуси ёритилишини жиддий ўрганиш ва унинг тарбиявий аҳамиятини кўрсатиб, асослаб бериш асосида олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 1998 йилнинг 12 январида қабул қилинган «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида» ги Фармонида, Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»даги Қонунида таъкидлангашидек, музейлар маънавий-ахлоқий камолотимизда, қалбларимизда миллий ғурур ва ифтихорни, истиқлол ғояларига садоқат ва Она-Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришда зарур восита ҳисобланади. Демак, биз, ҳарбий музейларимиздаги, қисм шон-шараф хоналаридаги ҳар бир буюм-ашё, экспонат орқали ҳарбий-тарихий, ижтимоий-сиёсий шаклланиш жараёнини илмий жиҳатдан асослаб бериб, томошабинга етказа олишимиз, ёшларимизни, ҳарбий хизматчиларимизни буюк аждодларимиз тарихи асосида тарбиялашимиз лозим. Кейинги йилларда Фармонга биноан музейларда фундаментал илмий муаммоларни тадқиқ қилиш тўғри йўлга қўйилган бўлиб, бу борада бир қатор ишлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Музей экспозицияларини бойитиш, уларни рўйхатга олиш, фонд бойликларини илмий таҳлил қилиб, мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали халқимизга ва юртимиз меҳмонларига етказиш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Ҳарбий тарихни ўрганиш, илмий таҳлил этиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳарбий ислоҳотларга уйғундир. Шу асосда, республика олий ҳарбий билим юртлари курсантлари, олий ўқув юртларининг ҳарбий кафедралари талабалари билан ҳарбий тарих мавзуси бўйича музей қошида амалий машғулотлар ўтказилмоқда. Миллий ўзликни англаш, аждодларимиз ҳарбий санъатининг ўзига хослигини ҳарбий хизматчиларимиз, ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдириш бу ўринда муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Қуролли Кучлари ислоҳотлар асосида шаклланиб бораётган бир шароитда, ҳаққоний тарихимизни билмаслик, Қуролли Кучларимиз салоҳиятига, ёш ҳарбий хизматчиларимиз тарбиясига салбий таъсир қилиши мумкин.

Буларнинг барчаси музейларимизда энг қадимги даврлардан, хусусан, антик замонлардаги озодлик курашлари, «Темурийлар давридаги ҳарбий санъат», иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссасидан тортиб, мустақил Ўзбекистон ҳимоясидаги ҳарбий хизматчиларимиз фаолиятигача илмий асосда, холисона ёритилиб берилишини талаб этмоқда.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқ:

биринчидан: Қуролли Кучларимиз тараққиётидаги муҳим босқичларини аниқлаш;

иккинчидан: Истиқлол йилларида Ўзбекистон музейларида ҳарбий мавзунинг ёритилиши ривожининг омиллари, тараққиёт йўналишларини таҳлил этиш;

учинчидан: музейларда ҳарбий мавзу ва унинг тарбиявий аҳамиятини илмий-назарий, ҳам амалий жиҳатдан тадқиқ этиш;

тўртинчидан: Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейи, Ўзбекистон тарихи ва Темурийлар тарихи давлат музейлари, вилоят музейларининг ҳарбий мавзуга бағишланган экспозициялари, ҳарбий округлар ва вилоят музейларининг ўзига хос хусусиятлари, бир-биридан фарқи, ўхшашлик, умумийликлари ва уларнинг халқимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ролини очиб бериш;

бешинчидан: Ўзбекистон музейларида ҳарбий мавзуни янада кенг ва чуқурроқ ёритиш ва унинг тарбиявий аҳамиятини кучайтириш бўйича услубий ҳам амалий таклиф ва тавсиялар бериш;

олтинчидан: ҳарбий қисм, олий ҳарбий таълим муассасаларида тасдиқланган режа асосида ўтказиладиган турли хил тадбир ва учрашувларга республика музейлари масъул ходимлари, иккинчи жаҳон уруши, меҳнат ҳамда Қуролли Кучлар фахрийларини жалб этиш, давлат ва жамоат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликда иш олиб бориш;

еттинчидан: Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов асарлари, қонун ва қарорлар – услубий асос бўлиб хизмат қилиши лозим. Айни вақтда, иш жараёнида мазкур масалага дахлдор музейшунос, тарихчи, социолог олимлар, ҳарбий мутахассислар яратган илмий тадқиқотлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳарбий округлар, қисмлар, олий ҳарбий таълим муассасалари ва ташкилотларда музейлар фаолиятини ташкил қилишда Ўзбекистон музейларидаги ҳарбий мавзуга бағишланган экспозициялардан ва фонд материалларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Асосий эътиборни Қуролли Кучлар Марказий музейида, Ўзбекистон тарихи ва Темурийлар тарихи давлат музейлари ва бошқа вилоят музейларида сақланаётган, илмий истеъмолга киритилмаган, ҳарбий тарих ва унинг тарбиявий аҳамиятини ўзида акс эттирган экспозициялар ва фонд ҳужжатлари, буюм-ашёларига (материаллар ёки манбаларига) қаратиш лозим. Шу билан бирга маҳаллий матбуотда эълон қилинган мақолалар, расмий ҳужжатлар, Ватан тарихи, музейшуносликка оид адабиётлар ва тадқиқотлардаги маълумотлар музейлар фаолиятини олиб боришдаги асосий манбалар ҳисобланади. Музейлар фаолиятини ташкил қилиш ишларини меъёрий ҳужжатлар асосида, хусусан тарбиявий ишлар бўйича масъул офицерлар, клуб бошлиқлари ва кутубхона ходимлари билан ҳамкорликда олиб бориш лозим.

Мудофаа вазирининг Қуролли Кучлар Марказий музейини замонавий техник жиҳозлар билан босқичма-босқич таъминлаш, фаолиятини такомиллаштириш, мавжуд экспозицияларга ҳарбий-тарихий жиҳатдан янада чуқур мазмун бериш, миллий армиямизда амалга оширилаётган ислоҳотларни акс эттирувчи янги экспозициялар яратиш ва ушбу тадбирлар орқали ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик даражасини, жамиятимизда, ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг нуфузини оширишга қаратилган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейини босқичма-босқич ривожлантириш, фаолиятини такомиллаштириш ва мавжуд экспозицияларга ҳарбий-тарихий жиҳатдан янада чуқур мазмун бериш дастурини тасдиқлаш тўғрисида» ги буйруғи жойларда қай даражада бажарилаяпти? Мазкур саволга Марказий ҳарбий округи мисолида жавоб излайлик.

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртлари, Сержантлар тайёрлаш мактабида бўлиб, Қуролли Кучлар Марказий музейи «Ватан ҳимояси – муқаддас бурч» залининг «Миллий офицер кадрлар тайёрлаш», «Сержантлар тайёрлаш мактаблари» бўлимини янги экспозициялар билан тўлдириш ва янгилаш учун буклет, фотоматериаллар келтирилди. Жойларда ҳарбий-тарихий музей ишини олиб бориш бўйича илмий-услубий ёрдам кўрсатилди, меъёрий ҳужжатлар асосида иш юритиш бўйича тегишли маслаҳатлар берилди. Қолаверса, Марказий ҳарбий округ ҳарбий-тарихий музейини яратиш бўйича истиқболли режалар тузилди.

Маълумки, бундайин ҳарбий-тарихий музей экспозициялари орқали ҳар бир ҳарбий хизматчи ва ташриф буюрувчи округда ҳарбий ислоҳотлар жараёни қай даражада олиб борилаётгани, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, маданий-маърифий ишлар бўйича атрофлича маълумотлар олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса ҳарбий хизматчини янада фидойилик билан Ватанига хизмат қилишга, ҳар томонлама намуна бўлган сафдошларидан ўрнак олишга, янада маънавий баркамол бўлишга ундайди.

Офицерлар Н. Маърупов, М. Носиров, М. Арипов, А. Дониёров, И. Бегимқулов, З. Шакаровлар, айниқса, Қуролли Кучлар хизматчиси Александра Каменских (Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳарбий-тарихий музейи фондлари сақловчиси) маданий-маърифий ишлар, ҳарбий-тарихий музейлар фаолиятини юритишда салмоқли ҳисса қўшиб келишмоқда. Сержант Феруз Исмоилов томонидан тайёрлаган видеоролик ҳам диққатга сазовор. Бундай видеоматериаллар ҳар бир ҳарбий қисм, олий ҳарбий таълим муассасалари ҳарбий-тарихий музейларида бўлиши мақсадга мувофиқ. Округ ҳудудидаги олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳарбий-тарихий музейлар фаолият кўрсатмоқда, Сержантлар тайёрлаш мактабининг музейини очиш учун эса зарур экспозиция материаллари йиғилган. Шаҳарлардаги музейлар билан ўзаро ҳамкорлик ишлари яхши йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳарбий қисмлар, олий ҳарбий таълим муассасаларининг клублари ва кутубхоналари мавжуд музейларга муҳим тадбирлар, учрашувлар, кўргазмалар ташкил этишда услубий, моддий-техникавий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

**Дилорам РАҲИМОВА,**
**Қуролли Кучлар Марказий музейи илмий ходими.**

## ЛИБОС ХОС ВА МОС БЎЛСА...

Кийим ва либослар тузилиши макон ва замон хусусиятларига боғлиқ ҳолда турли ўзгаришларга учрайди. Илгари русум бўлган кийимлар ўз ўрнини янги либосларга бўшатиб беради.

Ҳозирги кийимларда турли суратлар ва ёзувларнинг бўлиши ёшлар тили билан айтганда «мода»га айланди. Кийим харид қилаётганингизда ундаги расм ёки ёзувга ҳеч аҳамият берганмисиз? Чет элда тикилган кийим-кечакларда асосан реп, рок каби мусиқа «юлдуз» лари, жангари кинолардаги қаҳрамонлар ёки нигоҳида даҳшат ва важоҳат акс этган йиртқичларнинг расмлари ва кўпинча инглиз тилида ёзиладиган иборалар бўлади. Бундай кийим-кечаклардаги расмларнинг инсон руҳиятига салбий таъсир қилишини кўпчилик яхши билади, аммо ёт тилдаги ибораларнинг маъносини ҳамма ҳам тушунавермаса керак. Оддий бир мисол: кўчада ортига инглиз тилида катта қилиб «Crazy» деб ёзилган қизил майка кийиб олган бола кетаяпти. «Crazy» инглиз тилида «жинни» дегани. Буни ўша бола билганида, балки майкани киймаган бўларди. Ўзга тилда ифодаланган бу ҳақоратли сўзларнинг маъносини тушунмай, ҳатто ўзга юрт байроқлари тасвири туширилган либосларни кийиб юрган болалар эртага мамлакати байроғининг қадрига етармикин?!..

Бу муаммо шу кийимларни фарзандларига олиб берувчи ота-оналарни ҳам бефарқ қолдирмаслиги керак.

Кийимларда ёзувларнинг бўлмаслиги, бўлганда ҳам маънили сўз ва иборалар акс этиши мақсадга мувофиқ. Айтайлик, жаҳон мусобақасида қатнашаётган юртдошимиз спорт кийимининг орқасига «Ўзбекистон» деб ёзилиши, ўша спортчига «Дадил бўл, ортингда Ўзбекистон турибди!» деган мадад, кўтаринки руҳ бағишлайди, менимча.

«Кийинишингга қараб кутиб олишади, сўзлашингга қараб кузатиб қўйишади» дейишади. Шундай экан, либосларимиз ҳам ўзимизга хос ва мос бўлсин!

**Шерзод РАЖАБОВ,**
**ЎзДЖТУ қошидаги 1-сонли академик лицей ўқувчиси.**

# СПОРТ

Армрестлинг

## УСПЕХ АРМЕЙСКОГО КЛУБА

**В спортивном комплексе Узбекского государственного института физической культуры (УзГИФК) прошел чемпионат Узбекистана по армрестлингу.**

В состязаниях приняли участие свыше 250 мастеров борьбы на руках, представлявшие все области нашей страны. В командном первенстве тройку сильнейших команд составили Самаркандская, Навоийская и Сырдарьинская области, а ташкентцы впервые не вошли в призовую тройку.

В рамках чемпионата проходили состязания и между клубами, которые уверенно выиграли представители МХСК. Итак, все десятеро армейских мастеров армрестлинга стал счастливыми обладателями наград чемпионата страны.

Прекрасный пример подал одноклубникам Дмитрий Докучаев, обеими руками став чемпионом Узбекистана в весе до 80 килограммов.

В весе до 90 кг наблюдалось полное превосходство атлетов МХСК. Бабур Бекчанов обыграл в финале правой рукой своего товарища по команде Азиза Таджиева, зато в левой руке сильнее оказался Таджиев. В этом же весе бронзовые медали в обеих руках завоевал Камиль Керимов. Обид Салимов (60 кг) стал чемпионом в правой руке и серебряным призером в левой, в этом же весе второе место завоевал правой рукой Равшан Олимов. В весе до 55 кг Шерзод Рахмонов выиграл «золото» правой рукой и «бронзу» левой. В самой престижной весовой категории свыше 110 кг Акмаль Салиохунов стал чемпионом правой рукой и серебряным призером левой рукой.

Отрадно, что весомый вклад в победу МХСК внес участник среди мастеров, ветеран спорта, майор резерва Хайритдин Зайнилов (70 кг). Он стал победителем в правой руке и серебряным призером левой. Поздравляем военного пенсионера с этой победой.

**Наш корр.**



Дзюдо

## ДЕСЯТЬ МЕДАЛЕЙ МХСК

На чемпионате Узбекистана по дзюдо, прошедшем недавно в Чирчике, представители МХСК завоевали десять медалей разной пробы. Это несомненный успех подопечных заслуженного тренера Республики Узбекистан Бориса Григорьева.

В самой престижной весовой категории свыше 100 кг финал получился чисто армейским. Новобранец МХСК Айбек Тулендибаев стал чемпионом страны, взяв верх над товарищем по команде младшим сержантом Уткиром Салямовым из ЧВТКИУ.

Чемпионом страны стал также Тимур Аманов (60 кг), серебряные награды в активе младшего сержанта Рамзиддина Саидова (90 кг) из ЧВТКИУ, младшего сержанта Уткира Курбанова (100 кг) из СВВАКИУ.

В новой для себя весовой категории до 66 кг выступал призер Олимпиады в Пекине лейтенант Ришод Сабиров из ЧВТКИУ, заняв в итоге третье место.

Почин мужчин достойно поддержали и женщины МХСК. Стали чемпионками страны Ирода Абдурахманова (63 кг) и Мухаббат Шекерова (78 кг), серебряная медаль у А. Замановой (57 кг), а Дильдора Туракулова завоевала бронзовую медаль в абсолютной весовой категории.

**Игорь ПОДГАЕЦКИЙ.**

Шахматы

## ПОСВЯЩАЕТСЯ ВЕЛИКОМУ ПРЕДКУ

**Недавно в ТВОКУ прошел шахматный турнир среди курсантов, посвященный памяти нашего великого предка Амира Темура. Как известно, Сахибкиран считал, что эта игра развивает способности полководцев, помогает находить оптимальные пути к победам в бою.**

В состязании приняли участие представители всех курсантских подразделений. Подобная активность будущих офицеров говорит о высоком уровне популярности данного интеллектуального вида спорта в среде военнослужащих. Прошло состязание впервые, но успех его поставил в повестку дня вопрос о проведении его ежегодно.

Победителем турнира стал курсант третьего курса Бахтиер Дустбаев. Второе место занял курсант первого курса Зоир Абдумаликов, а замкнул тройку сильнейших игроков курсант третьего курса Ахрор Таваккалов.

Победителю и призерам в торжественной обстановке вручены Почетные грамоты. А чемпиона ждал еще один приз – огромный торт, которым он угостил однокурсников.

**Майор Игорь БОБОМУРАДОВ, начальник физической подготовки и спорта училища.**

Кураш

## НАВБАТДАГИ ҒАЛАБА

Аввал хабар берганимиздек, Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳида Ўзбекистон Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган IX халқаро турнир бўлиб ўтди. Анъанавий тус олган мазкур мусобақа чинакам кураш байрамига айланди десак, муболаға бўлмайди. Шу куни эрталабдан «Алпомиш» ўйингоҳи минглаб кураш мухлислари билан тўлди. Улар ҳар бир беллашувни тик оёқда туриб, ҳайқириқлар билан қўллаб туришди.

Миллий спорт туримиз бўлмиш кураш асрлар мобайнида авлоддан-авлодларга ўтиб келмоқда. Юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг у кишиларни дўстлик ва бирликка ундовчи юксак маънавий мулкимизга айланди. Қувонарли томони шундаки, курашни дунё халқлари ҳам севимли спорт тури сифатида тан олмоқда. Зеро, курашда ҳалоллик, инсонпарварлик, олижаноблик хусусиятлари мужассамдир.

Яна шуниси эътиборга сазоворки, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур турнирнинг нуфузи ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Умумий мукофот жамғармаси миқдори 42 минг АҚШ долларига тенг бўлган жорий йилги мусобақада 5 қитъанинг ўттиздан ортиқ мамлакатидан келган 100 нафардан зиёд полвонлар иштирок этгани ҳам бунга яққол мисол бўлади.

Турнирнинг очилиш маросими ҳам тантанали равишда ўтди. Сурхондарё вилоят ҳокими Т. Жўраев катта кураш байрамига ташриф буюрганларнинг барчасини қутлади ва турнирни очиқ деб эълон қилиб, иштирокчи полвонларга омад тилади. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг:

Меросий полвонсан, Алпомиш отанг,
Чақноқ кўзларингда офтоб шуъласи.
Рақибингни силтаб осмонга отсанг,
Ойни кўриб қайтар биратўласи,

деган сатрлари ўйингоҳни тўлдириб ўтирган мухлисларни жунбушга келтирди. Анъанага кўра, кураш байрамини оқсоқол полвонлар ва ёш спортчилар бошлаб беришди.

Асосий баҳслар тафсилотига келадиган бўлсак, икки кун давомида 60, 66, 73, 81, 90 кг ва мутлақ вазн тоифаларида мамлакатимизнинг турли вилоятлари ва хорижий давлатлардан келган номдор полвонлар гиламга чиқдилар. Термиз халқаро турнири бу сафар ҳам кўплаб янги номларни кашф этди.

Пекин Олимпиадаси совриндори бухоролик ҳарбий спортчи лейтенант Ришод Собиров ҳам ушбу турнирда муваффақиятли иштирок этди. 60 кг вазндаги полвонларнинг финал баҳсида Ришод эронлик таниқли рақибини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг юқори поғонасидан ўрин олди. Шунингдек, ўтказилган беллашувлар якунига кўра, туркиялик Омар Демиржи (66 кг) ва ҳамюртларимиздан Ўктам Бобоев (73 кг), Бобомурод Рустамов (81 кг), Абдулла Холиёров (90 кг) ҳам ўз вазн тоифаларида рақибларидан устун келиб, юқори ўринларга сазовор бўлишди.

Мутлақ вазн тоифасида эса финалда, кутилганидек, дзюдо бўйича Пекин Олимпиадаси кумуш медали совриндори Абдулла Тангриев ва бразилиялик Рафаэль Карлос да Сильва ўзаро куч синашди. Тенг кураш остида ўтган беллашувнинг сўнгги сонияларида Рафаэлни елкасидан ошириб ташлаган Абдулла мутлақ ғолибликни қўлга киритди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини соҳибига айланди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур турнир миллий анъаналаримизнинг ҳаётийлиги, маънавий қадриятларимизнинг абадийлиги, юртимизда спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга катта эътибор қаратилаётганининг яна бир ёрқин далили бўлди.

**С. ПЎЛАТОВ.**

Футбол

## «НАСАФ» ҲАМ ОЧКО ЙЎҚОТДИ

Етакчи жамоаларимизнинг Осиё чемпионлар лигаси ва ОФК кубоги мусобақаларида иштирок этиши билан боғлиқ бўлган қисқа муддатли танаффусдан сўнг олий лига жамоалари мамлакат чемпионатининг 5-тур учрашувларини ўтказишди.

Турнинг марказий ўйинларидан бири Қарши шаҳрида бўлиб ўтди. Чемпионат бошланганидан буён ўтказилган барча турларда (фақат «Пахтакор» билан ўйин 29 апрелга қолдирилган) ғалаба қозониб келаётган «Насаф» жамоаси мавсумни анча муваффақиятли бошлаган Тошкентнинг «Локомотив» клубини қабул қилди. Учрашув жуда қизиқарли, тенг курашлар остида ўтди. Иккала жамоа ҳам пешқадамлар сафида турганликлари бежиз эмаслигини исботлашди. Ғалабага эришиш учун эса «Локомотив»га бироз омад етишмади. Олим Новкаров томонидан мезбонлар дарвозасига киритилган тўпга майдон эгалари учрашувнинг сўнгги дақиқаларида жавоб беришга муваффақ бўлишди ва муросасиз ўтган баҳс 1:1 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунланди.

Яна бир марказий учрашувда эса «Навбаҳор» ва «Пахтакор» ўзаро баҳс олиб боришди. 24 мингдан ошиқ футбол мухлислари тўпланган ўйингоҳда майдон эгалари номдор рақиб – «Пахтакор»га қарши муносиб ўйин кўрсатишга ҳаракат қилишди. Аммо, аввалги турларда муҳим очколарни бой берган меҳмонлар учун ҳам ортга йўл йўқ эди. Пахтакорчилар ҳимояни кучайтирган ҳолда хужумга кўпроқ эътибор қаратдилар. Майдон эгалари эса «Пахтакор»нинг ҳужумчиларига ўйин бермасликка ҳаракат қилиб, меҳмонларнинг ярим ҳимоячиларини эътибордан четда қолдиришди. Натижада, 51-дақиқада ёш истеъдодли Станислав Андреев, 84-дақиқада эса маҳоратли Одил Аҳмедовлар меҳмонлар дарвозабонини доғда қолдиришга эришдилар. «Навбаҳор» футболчилари эса учрашув тугашига икки дақиқа қолганида битта жавоб тўпини киритишди ва ўз майдонларида 1:2 ҳисобида мағлубиятга учрашди.

Мамлакат чемпиони «Бунёдкор» жамоаси эса мазкур турда Муборакнинг «Машъал» футболчиларини қабул қилиб, 3:0 ҳисобида навбатдаги ғалабани қўлга киритди. «Бунёдкор» ҳозирча чемпионат учрашувларида фақат ғалабага эришиб, ўз дарвозасидан биронта ҳам тўп ўтказиб юбормаган ягона жамоа бўлиб турибди.

5-турнинг қолган учрашувларида эса қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефтчи» – «Хоразм» – 2:0, «Металлург» – «Андижон» – 2:2. «Сўғдиёна» – «Бухоро» – 3:2, «Динамо» – «Шўртан» – 2:1, «Қизилқум» – «Олмалиқ» – 0:1.

**М. САЙДИВАЛИЕВ.**

Самбо

## МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИШДИ

Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида самбо ва жанговар самбо бўйича илк маротаба ўтказилган Марказий Осиё чемпионатида мезбонлардан ташқари Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистондан келган жами юз нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Мусобақада юртимиз шарафини Равшан Аҳмаджонов устозлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоасининг 27 нафар аъзоси муносиб ҳимоя қилиб, ҳамюртларимизнинг барчаси совринли ўринлардан жой эгаллашди.

Хотин-қизлар ўртасидаги мусобақада етти нафар самбочимиз – Дилафрўз Абдураҳимова, Екатерина Близнецова, Ўғилой Рўзметова, Муқаддам Саримсоқова, Гулмира Исматова, Соҳиба Эштемирова, Обида Алладўстова ўз вазн тоифаларида барча рақибларини енгиб, олтин медалга сазовор бўлишди. Финалда имкониятни бой берган Гўзал Каримова ҳамда Шаҳло Турсунова кумуш медаль билан тақдирланди. Бу натижалар билан самбочи қизларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.

Эркаклар беллашувларида терма жамоамиз вакилларидан Элмурод Абраев ва Сардор Шафиқов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишди. Финал баҳсида имкониятни бой берган Қодир Султонов ва Илья Сагиров эса кумуш медални қўлга киритди. Фозил Холбозоров, Баҳром Ўрозбоев, Сурен Ахаев, Карим Шарипов ва Нодир Аҳматовлар кучли учликдан жой олишди. Умумий натижага кўра, терма жамоамиз иккинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Жанговар самбо бўйича ҳам ўзбекистонлик спортчилар рақибларидан ҳар томонлама устунлигини намойиш қилди. Ҳал қилувчи беллашувларда рақибларини мағлубиятга учратган Озод Пардаев, Жамол Каримов, Элдор Ғуломов, Зариф Расулов ва Музаффар Эрматовлар олтин медалларга сазовор бўлишди. Жаҳонгир Эшманов ва Фарруҳ Жумаев иккинчи, Расул Тўрақулов ҳамда Давлат Аҳмедов учинчи ўринни эгаллаб, терма жамоамизнинг умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашига муносиб ҳисса қўшдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

# СПОРТ

## КЎЧМА КУБОК ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ

Юнусобод туманидаги ҳудудидаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида спортнинг ёзги биатлон тури бўйича анъанага айланган Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти туман кенгашининг кўчма кубоги учун жамоавий ва шахсий биринчилик мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақа жараёнидаги ёшларимиз ўзларининг юксак тайёргарликка эга эканликларини намойиш этишди. Қизғин баҳс, тортишувга бой бўлган беллашувда шахсий биринчиликда ўғил болалар ўртасида Шоҳруҳ Бекмирзаевга тенг келадиган рақиб топилмаган бўлса (Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчиси), иккинчи ўринни Отабек Қосимов (Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчиси), учинчи ўринни эса Шерзод Абдувоҳидов (Юнусобод туризм касб-ҳунар коллежи ўқувчиси) эгаллади. Қизлар ўртасида Камола Кўчқорова (Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчиси) энг яхши натижани қайд этди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Соҳиба Содиқова (Юнусобод туризм касб-ҳунар коллежи ўқувчиси) ҳамда Гулбаҳор Мавлоновaларга (Компьтер-технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқувчиси) насиб этди.

Жамоавий баҳсларда Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей биринчи ўринни қўлга киритиб, кўчма кубок соҳибига айланди. Иккинчи ўринга туризм касб-ҳунар коллежи, учинчи ўринга эса молия касб-ҳунар коллежи жамоалари сазовор бўлишди.

**Ғофур ҚОСИМОВ,**
**МК «Ватанпарвар» ташкилоти**
**Юнусобод туман кенгаши раиси.**





В ОСО «Ватанпарвар»

## СПАРТАКИАДА ПАТРИОТИЧЕСКИХ КЛУБОВ

Недавно на базе Бухарского колледжа нефтяной и газовой промышленности областным Советом ОСО «Ватанпарвар» была проведена VI областная спартакиада патриотических клубов. В ней участвовало 110 участников из 10 команд.

Эта спартакиада была проведена при непосредственном участии представительства Центрального комитета профсоюзов работников госучреждений и общественного обслуживания, областного отделения фонда развития детского спорта, областного фонда «Махалля». Большую помощь в его организованном проведении оказали Управление по делам обороны области и военнослужащие Бухарского гарнизона.

Программа спартакиады предусматривала выполнение спортсменами упражнений по строевой и огневой подготовке, одеванию противогаза, легкоатлетическому кроссу, стрельбе из пневматического оружия, разборке и сборке автомата, подтягиванию на перекладине, отжиманию на брусьях.

По строевой подготовке лучше всех выступил патриотический клуб колледжа нефтяной и газовой промышленности г. Бухары (руководитель А. Расулов).

Успешному выполнению упражнений по разборке и сборке автомата способствовали большая кропотливая работа. Все патриотические клубы были распределены между воинскими частями и по графику проводили там занятия. В результате напряженной борьбы лучшей оказалась команда колледжа нефтяной и газовой промышленности.

При выполнении упражнения по пулевой стрельбе в личном зачете больше всех очков выбил Камил Дилов из г. Бухары.

По подтягиваниям на перекладине сильнее всех оказался спортсмен из города Бухары Анвар Атаев, который подтянулся 31 раз. Его результат оказался решающим для команды, которая заняла в этом упражнении 1-е место.

Лучшими в выполнении упражнении на брусьях стали Бахтиёр Хасанов из Бухарского района, Шариф Султанов из Бухары. Дальше всех метнули гранату Камил Дилов и Нодирбек Йулдашев из Гиждувана.

Победа в легкоатлетическом кроссе, несмотря на старания соперников, досталась спортсменам школы № 30 из Каракульского района (руководитель клуба Т. Закиряев).

В итоге общекомандные места среди патриотических клубов распределились таким образом: 1-е место занял колледж нефтяной и газовой промышленности города Бухары. 2-е – педагогический колледж Бухарского района, 3-е – школа № 30 Каракульского района.

Победители и призеры спартакиады были награждены дипломами областного Совета ОСО «Ватанпарвар» и ценными подарками.

Команде-победительнице был торжественно вручен переходящий Кубок областного Совета ОСО «Ватанпарвар».

**С. МУРАДОВ,**
**заместитель председателя Бухарского областного Совета ОСО «Ватанпарвар», директор областного центра технических и прикладных видов спорта.**

Мотокросс

## ПОЙТАХТ ЖАМОАСИ БИРИНЧИ

**Республика техник ва амалий спорт турлари марказида мотокросс бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди.**

Ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, спортнинг техник ва амалий турларига фаол жалб этиш, шу билан бирга, уларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб шаклланишига эришишдек эзгу мақсад йўлида ташкил этилган беллашувда иштирокчилар тўрт тоифа бўйича мусобақалашдилар.

10–12 ёшлилар ўртасида ўтказилган беллашув ғолиблиги Навоий тоғ металлургия комбинати жамоаси вакили Владимир Жилинга насиб этди. 12 – 14 ёшлилар ўртасидаги баҳсларда эса Григорий Киргинковга (Навоий тоғ металлургия комбинати жамоаси) тенг келадиган спортчи топилмаган бўлса, 14–16 ёшлилар баҳсида Тошкент шаҳри вакили Евгений Львовнинг қўли баланд келди.

Катталар ўртасидаги (18 ва ундан юқори ёшдагилар) беллашувда тошкентлик спортчи Александр Кондрамов рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади ва шоҳсупанинг юқорисига кўтарилди.

Клублар ўртасида Навоий тоғ металлургия комбинати жамоаси энг яхши натижани қўлга киритди. Кейинги ўринларни Олмалиқ тоғ металлургия комбинати ва Навоий тоғ металлургия комбинатининг биринчи жамоалари банд этишди.

Ҳудудий биринчиликда муваффақият қозонган жамоалар номи ҳам эълон қилинди. Унга кўра, Тошкент шаҳри биринчи, Тошкент вилояти иккинчи, Бухоро вилояти учинчи ўринларга сазовор бўлишди.

Ғолиблар ва совриндорлар ташкилотчилар ҳамда ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар, Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланишди.

**Адҳам НИЁЗОВ.**

Атлетический клуб будущего воина

## ГИМНАСТИКА – ЭТО ЗДОРОВЬЕ

### Упражнения с гантелями (вес 1 кг) для детей 6 лет

Исходное положение: стоя, ноги на ширине плеч, гантели в опущенных руках (1). Поднять прямые руки вперед-вверх с подъемом на носки, прогибаясь в поясничной части (2), – вдох, в исходное положение – выдох.

Исходное положение: ноги на ширине плеч, гантели в опущенных руках (3). Поднять прямые руки через стороны вверх с подъемом на носки (4), – вдох, в исходное положение – выдох. – Исходное положение: ноги на ширине плеч, гантели в вытянутых в стороны руках. Повороты туловища в обе стороны (5). Дыхание произвольное.















# МАДАНИЯТ

## ЖАЖЖИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР ҚУВОНЧИ

**Наврўз – яшариш, янгиланиш фасли! Бу фаслда табиат уйғонади, ширин уйқусидан. Қуёш чеҳраси очилади. Бутун борлиқни ажиб бир гўзаллик чулғайди. Ғир-ғир эсаётган майин шаббода қалбларга ҳузур бағишлайди. Кўм-кўк майсалар ер бағридан бодраб чиқиб, кўзларни қувонтиради. Қандай ажойиб ва фусункор лаҳзалар! Табиатдаги ана шундай ўзгаришларни, янгиланишларни кузатиб туриб, гўзаллик ва эзгулик тантанасидан кучга тўламиз, руҳимиз енгил тортади. Наврўз! Меҳнат ва ўзаро меҳр-оқибат, саховат рамзига айланган шодиёна. Унинг нафаси билан оламга ризқ-рўз, барака ёғилади. Унда орзулар, эзгу ниятлар, умидлар рўёби мужассам. Шу боисдан ҳам Наврўз халқимизнинг энг қадимий ва қадрли байрами сифатида азал-азалдан шоду хуррамлик билан нишонланиб келинади. Ушбу кунни байрам қилиш маросими оммавий халқ сайлларига, давомли байрам тадбирларига уланиб кетади. Айни кунларда юртимизнинг турли гўшаларида ҳали ҳам байрам тантаналари кўтаринки руҳда давом этмоқда. Жумладан, Қуролли Кучлар Марказий Офицерлар саройида бўлиб ўтган «Наврўзи олам» деб номланган анъанавий болалар мусиқий фестивали фикримиз далилидир. Мазкур фестивалда Тошкент ва Чирчиқ гарнизонига қарашли мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари иштирок этдилар.**

Баҳор… Кўнгилларга баҳорий туйғулар оқимини олиб киради. Майсаларнинг майин титроғи, булбулларнинг вужудига сиғмаган хонишлар ҳам баҳорнинг қутлуғ қадамини ёқлаётгандек. Бу ҳол ҳаммани гўзалликка ошно қилиб, илҳом бахш этади. Айниқса, баҳорий кайфият болажонлар томонидан куй-қўшиқ орқали, жозибали рақслар жўрлигида улашилса, уни томоша қилиб кўзимиз қувончга, юрагимиз сурурга тўлади, бир дам болаликнинг сеҳрли оламига қайттандек бўламиз. Ҳа, болаликнинг ўзига хос сеҳрли, сирли олами бор. Бу оламнинг осмони ҳам соф ва мусаффо, худди эртакларда тасвирланганидек жозибага бой, бетакрор. Бу диёр «фуқаролари»нинг қалбида фақат самимият ва эзгулик барқарор. Уларга қараб ҳаёт завқини дилдан ҳис қиласан. Яшашнинг улар билан сермазмун эканлигига яна бир бор амин бўласан. Чунки болаларнинг қувноқ кулгуси, самимий ва беғуборлик уфуриб турган сўзлари, чаққон хатти-ҳаракатлари ҳар қандай инсонга завқу шавқ бағишлайди.

… Турфа ранг гуллар билан безатилган саҳнада карнай-сурнай садолари жўрлигида шўх куй янграмоқда. Томошабинлар эса куй сеҳрига мафтун бўлиб, чапак чалаяпти. Шу пайт саҳнага оққушдек хиром айлаб жажжи қизалоқлар чиқиб келишди. Уларнинг ҳаракатларини кузата туриб, мураккаб элементларга бой бўлган ушбу рақсни мана шу қизалоқлар ижро этаётганидан тўғриси, ҳайратланасан киши. Зеро, моҳир раққосаларга хос бу ҳаракатлар ҳар бир томошабиннинг эътиборини қозонгани табиий. Буни залда ўтирганларнинг нигоҳидан ҳам сезиш мумкин.

Мазкур фестивалга ташриф буюрган инсон борки, кўнглидан ана шундай ажиб ҳислар кечди, десак янглишмаймиз. Чунки жажжи ўғил-қизлар катта саҳнада ўзларини худди ҳақиқий санъаткорлардек тутиб, ажойиб қўшиқ ва рақслар ижро этишди. Улар ижросидаги ҳар бир чиқишлар томошабинларнинг давомли олқишларига сазовор бўлди. Фарзандларининг саҳнадаги нафис ҳаракатларини, маҳоратини кўрган ота-оналарнинг ҳаяжонини юз-кўзларидан билиш қийин эмасди. Фестивалда асосан миллий куй-қўшиқлар, ялла ва лапарлар, айтишувлар ва рақслар ижро этилди. Саҳна кўринишлари орқали эса халқимизга хос урф-одатлар, анъана ва қадриятлар кўрсатиб берилди. Болажонларнинг чиқишлари, яъни мусиқий иқтидор, рақсда нафислик ва назокатни намоён этиш даражаси, актёрлик маҳорати ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

– Ушбу фестиваль орқали саховат, меҳр-мурувват, эзгулик айёми бўлган Наврўз шодиёнасида халқимизнинг ёруғ орзу-умидлари, миллатимизнинг мардлиги, тантилиги мужассамлигини болажонларга англатиш ва шу тариқа жажжи инсонлар қалбига Ватан меҳрини сингдириш ва эртанги кунга мустаҳкам тамал тоши қўйишдир, – дейди биз билан суҳбатда Мудофаа вазирлиги мактабгача тарбия бўлими бошлиғи Валентина Куришова. – Шу мақсадда деярли ҳар йили анъанавий тарзда ушбу фестивални ўтказиб келаяпмиз. Мусиқа, қўшиқ руҳни тарбиялайди. Шу боисдан ҳам уни севган, унга меҳр қўйган инсонда энг эзгу фазилатлар, хислатлар шаклланади. Бизнинг мақсадимиз ҳам аслида ватанпарвар, билимли, иқтидорли ёш авлодни тарбиялашдир. Биласизми, лаёқатсиз боланинг ўзи бўлмайди. Фақат иқтидор куртаклари япроқ ёзиб, гуркираб ўсиши учун катталарнинг эътибори керак, холос. Мазкур фестиваль ана шу жиҳати билан ҳам қимматлидир.

Умида Зайнутдинова етакчилик қилаётган болалар боғчаси тарбияланувчилари ҳам ушбу фестивалга катта тайёргарлик кўриб келишди. Улар Наврўзга бағишланган бир қанча шеър ва қўшиқлар ижро этишиб, йиғилганларга бир олам завқ улашди.

– Мазкур фестивалда уч йилдан буён иштирок этиб келаяпмиз, – дейди У. Зайнутдинова. – Ҳар йили тадбирга катта тайёргарлик кўрамиз. Бу йил ҳам болажонлар билан янги саҳна кўринишлари, қўшиқ ва рақслар тайёрлаб келдик. Фестивалнинг дастлабки босқичи боғчамиз миқёсида ўтказилди. Ушбу босқичда энг иқтидорли ўғил-қизлар танлаб олинди ва улар билан алоҳида машғулотлар олиб борилди. Ҳозир тарбияланувчиларимизнинг хатти-ҳаракатларини, саҳнада ўзларини тутишларини кўриб, хурсанд бўлдим. Меҳнатларимиз зоя кетмаганидан қувондим.

Феруза Жумаева фестивалнинг энг ёш иштирокчиларидан бири. У қўшиқ айтишни яхши кўради. Фестивалда у хоразмча йўналишдаги «Олма пишганда галинг» деб номланган қўшиқни ижро этиб, ўз маҳоратини намойиш этди. Томошабинлар бу ёш қизчани гулдирос қарсаклар билан қарши олишди. Ферузани ҳақли равишда фестиваль кашф этган истеъдод, десак муболаға бўлмайди.

– Келажакда санъаткор бўламан, – дейди Феруза биз билан суҳбатда. – Чунки қўшиқ айтишни, рақсга тушишни яхши кўраман. Бугун байрамда ўзимнинг энг севимли қўшиғимни ижро этдим. Яна рақсга ҳам тушдим. Фестиваль менга жуда ёқди.

– Бугун мен жуда ҳаяжондаман, – дейди Нигора Ҳамидова. – Чунки фарзандим, нуридийдам ушбу фестивалда иштирок этаяпти. Унинг ва тенгдошларининг саҳнада ўзларини каттолардек тутишларини, ҳаракатларини кўриб, ғурурга тўлдим. Бу қайсидир маънода, фарзандимнинг улғайиш пиллапояларидан яна бир поғона юқорилаганидан далолат. Шу боисдан ҳам ушбу кун биз – ота-оналар учун ҳам жуда қадрли. Фурсатдан фойдаланиб, ота-оналар номидан ушбу фестиваль ташкилотчиларига миннатдорчилигимизни изҳор қиламан. Уларнинг ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли ишларига муваффақият ва омад тилайман. Чунки уларнинг хизматлари туфайли фарзандларимиз зукко, тиришқоқ бўлиб вояга етишмоқда. Бугун болаларнинг саҳнада ижро этаётган қўшиқ ва шеърларидан, рақсларидан бунга яна бир бор амин бўлаяпман.

Фестиваль сўнггида ҳар галгидек ғолиб ва совриндорлар эълон қилинди. Унга кўра биринчи ўрин Элла Куропаткина мудиралик қилаётган мактабгача таълим муассасасига насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса Лилия Зекирьяева ва Муқаддас Аҳмедова етакчилигидаги мактабгача таълим муассасалари эгалладилар. Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғаларни, Фахрий ёрлиқларни Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази бошлиғи подполковник И. Ҳикматов топширди.

Гўдак илк мусиқани она алласи ила юрагига жо қилади. Қадимда табиблар руҳи шикаста беморларни мусиқа билан даволашган. Табобат илмининг султони, бобокалонимиз ибн Сино ҳам ўз асарларида мусиқа ва қўшиқнинг инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтади. Зеро, мусиқага ошно қалблар ҳамиша эзгуликка интилиб яшайди, ҳаётга меҳр-муҳаббат кўзи билан қарайдилар. Баркамол авлод тарбиясида мусиқанинг ўрни катта аҳамиятга эгалигини ушбу мусиқий фестиваль мисолида ҳам кўриш мумкин.

**Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**



**ВАТАНПАРВАР**

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги

Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

**МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.**

**Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи майор А. САФАРОВ.**

**Шу сонга масъуллар: майор А. УСМОНОВ, майор А. КАМОЛОВ.**

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 256 09 81; обуна бўлими – 256 03 46. Факс: 256 17 98.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Р. Ислакаев** ва **З. Хошимов** томонидан саҳифаланди.

| | |
|---|---|
| Газета жума куни чиқади. | Адади 25750. |
| Нашр кўрсаткичи 114. | Буюртма № J-7238. |